А. ҲИКМАТОВ,
Ў. ТОШМЕТОВ,
К. КАРАШЕВА

МАТЕМАТИК АНАЛИЗДАН МАШҚЛАР ВА МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

А. Ғ. ҲИКМАТОВ
Ў. ТОШМЕТОВ
К. КАРАШЕВА

МАТЕМАТИК АНАЛИЗДАН МАШҚЛАР ВА МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ЎзССР Маориф министрлиги томонидан педагогика институтларининг „Физика-математика“ факультетларида сиртдан ўқиётган студентлар учун ўқув қўлланмаси сифатида рухсат этилган

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 1987

Тақризчилар:
физика-математика фанлари доктори, профессор
А. С. Саъдуллаев
физика-математика фанлари кандидати, доцент
Т. Т. Турдиев

Махсус муҳаррир
физика-математика фанлари кандидати, доцент
М. М. Мирзаҳмедов

Ушбу тўплам педагогика институтларининг „Физика-матема
ка“ факультетларининг „Математика“, „Математика-физика“ ихт
сосликларининг математик анализ курси программасига мосла
зилган. Унда 1700 га яқин машқлар ва масалалар берилган, ула
нинг ярми (тоқ номерлилари) ечиб кўрсатилган, қолганлари э
жавоб ёки кўрсатмалар билан таъминланган.

Қўлланмадан асосан педагогика институтларининг „Математ
ка“, „Математика-физика“ ихтисосликлари бўйича таҳсил кўраётга
сиртқи бўлим студентлари, шунингдек, олий техника ўқув юртла
ри математик анализ чуқур ўрганиладиган факультетларининг сту
дентлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Х—47

Ҳикматов А. Г. ва бошқ.
Математик анализдан машқлар ва масалалар тўплами: /Пед. ин-т ларининг „Физ.-мат“. факларида ўқиётган студентлар учун ўқув қўлланмаси/ /А. Г. Ҳикматов, Ў. Тошметов, К. Карашева;/ Махсус муҳарр М. Мирзаҳмедов/. — Т.: Ўқитувчи; 1987. — 316 б.

I. I, 2 Соавт.

Хикматов А. Г. и др Сборник задач и упражнений по математическому анализу: Учебное пособие для студентов педвузов.

22. 161я73

Х $\frac{1702040000-183}{353\ (04)-87}$ 39—87

СЎЗ БОШИ

Ушбу тўплам асосан педагогика институтларининг „Физика-математика“ факультетларида сиртдан ўқиётган студентларга мўлжалланган бўлиб, математик анализ курсининг „Математика“, Математика-физика“ ихтисосликлари программасига мослаб тузилган.

Математик анализ курсини ўрганишда I—II курс студентлари кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар, бу қийинчиликлар—мисол ва масалаларни ечишда етарли малакага эга бўлмаслик ва кейинчалик янги тушунчаларнинг кўпайиб боришидир.

Ушбу китобни ёзишдан мақсад—студентларнинг математик анализга доир мисол ва масалаларни ечиш малакасини ошириш, назариянинг моҳиятини чуқур ўрганиб, уни амалий мисолларга татбиқ қилишни ўргатиш, математик фикрлаш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир.

Мазкур қўлланманинг рус тилида чоп этилган мавжуд адабиётлардан фарқи шундаки, унда қисқа назарий маълумотлардан сўнг бевосита шу темага доир мисол ва масалалар ҳамда аралаш масалалар келтирилади. Уларнинг деярли барча тоқ номерлилари учун тула ечим ёки кўрсатмалар, қолганлари учун эса фақат жавоб ёки кўрсатма берилади. Бу—сиртқи бўлим студентларида контрол топшириқларни мустақил ечиш учун зарур кўникмалар ҳосил қилиш учун етарлидир.

Бундан ташқари ҳар бир боб охирида „Аралаш масалалар“ берилган бўлиб, бу масалалар студентлардан бирмунча мустақил фикрлаш ва масалалар ечишдаги малакаларидан тўла фойдалана олишни талаб қилади.

Қўлланманинг IV—X, XII бобларини А. Ғ. Ҳикматов, I—III, XI бобларини Ў. Тошметов, XIII—XV бобларини К. Карашева ёзган.

Китобнинг қўлёзмасини тайёрлашда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти математик анализ кафедрасининг доцентлари Т. Турдиев ва Т. Шарифова ўртоқлар қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам бердилар. Қўлёзмани тақриз қилишда ўзининг қимматли маслаҳатлари билан кўмакдош бўлган физика-математика фанлари доктори, профессор А. С. Саъдуллаев ва номлари юқорида тилга олинган ўртоқларга самимий ташаккур билдирамиз.

Муаллифлар

I БОБ. ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИ

1-§. Ҳақиқий сонлар. Чегараланган ва чегараланмаган тўпламлар

1. Ҳар қандай чексиз ўнли каср ҳақиқий сон дейилади. Даврий чексиз ўнли каср рационал сон дейилади. Ҳар қандай рационал сонни $\frac{p}{q}$ (p ва q лар бутун сонлар ва $q\neq 0$) кўринишда ёзиш мумкин ва аксинча.

Даврий бўлмаган чексиз ўнли каср иррационал сон дейилади.

2. E бўш бўлмаган тўплам бўлсин. Барча $x \in E$ учун $x \leqslant M$ тенгсизликни қаноатлантирувчи M сон мавжуд бўлса, E юқоридан чегараланган тўплам дейилади. M сон E тўпламнинг юқори чегараси дейилади.

Юқоридан чегараланган тўплам юқори чегараларининг энг кичиги унинг аниқ юқори чегараси дейилади ва $m^* = \sup E$ кўринишда белгиланади. Агар E тўплам юқоридан чегараланмаган бўлса, $\sup E = +\infty$ деб олинади

Теорема. *m^* сон E тўпламнинг аниқ юқори чегараси бўлиши учун қуйидаги шартларнинг ўринли бўлиши зарур ва етарлидир:*

а) *барча $x \in E$ лар учун $x \leqslant m^*$,*

б) *m^* дан кичик бўлган ҳар бир a учун бирорта $x' \in E$ топилиб, $x' > a$ бўлади.*

3. Барча $x \in E$ учун $x \geqslant m$ тенгсизликни қаноатлантирувчи m сон мавжуд бўлса, E қуйидан чегараланган тўплам дейилади

m сон E тўпламнинг қуйи чегараси дейилади.

Қуйидан чегараланган тўплам қуйи чегараларининг энг каттаги унинг аниқ қуйи чегараси дейилади ва $m_* = \inf E$ кўринишда белгиланади. E қуйидан чегараланмаган бўлса. $\inf E = -\infty$ деб олинади.

Теорема. *m_* сон E тўпламнинг аниқ қуйи чегараси бўлиши учун қуйидаги икки шартнинг ўринли бўлиши зарур ва етарлидир:*

а) *барча $x \in E$ лар учун $x \geqslant m_*$,*

б) *m_* дан катта бўлган ҳар бир b сон учун бирор $x' \in E$ топилиб, $x' < b$ бўлади.*

4. Ҳам юқоридан, ҳам қуйидан чегараланган тўплам чегараланган тўплам дейилади.

1. Қуйидаги чексиз ўнли касрларнинг қайсилари рационал, қайсилари иррационал сонни ифодалайди? Рационал сонларни оддий каср кўринишида ёзинг:

а) 2,13 (14), б) 3,(74), в) 2,76(8), г) 0,1010010001..., д) 1,32032003200032. . . , е) 2,123123123. . .

2. Қуйидаги чексиз ўнли касрларнинг қайсилари рационал, қайсилари иррационал сонни ифодалайди? Рационал сонларни оддий каср кўринишида ёзинг:

а) 0,121121112 . . . , б) 0,2020020002. . . , в) 2,(32), г) 1,37 (9).

3. Рационал сон билан иррационал соннинг йиғиндиси иррационал сон эканини исботланг.

4. Рационал сон билан иррационал соннинг айирмаси иррационал сон эканини исботланг.

5. Нолдан фарқли рационал соннинг иррационал сонга нисбати иррационал сон эканини исботланг.

6. Нолдан фарқли рационал сон билан иррационал соннинг кўпайтмаси иррационал сон эканини исботланг.

Қуйидаги тўпламларнинг қайсилари юқоридан, қайсилари қуйидан чегараланганини аниқланг:

7. E — [2; 3] даги барча рационал сонлар тўплами.

8. E — $[a; b]$ даги барча иррационал сонлар тўплами.

9. $\left\{\frac{n^3}{2n^3+3};\ n \in N\right\}$.

11. $\left\{\frac{n^2}{n+1};\ n \in N\right\}$.

10. $\left\{\frac{m}{n};\ m,\ n \in N,\ m \leqslant n\right\}$.

12. $\left\{\frac{n^5}{n^4+1};\ n \in N\right\}$.

13. E — [0; 4] даги барча иррационал сонлар тўплами. Бу тўпламнинг чегараланган эканини кўрсатинг ва $\sup E$, $\inf E$ ларни топинг.

14. E — [3; 5] даги барча рационал сонлар тўплами. Бу тўпламнинг чегараланган эканини кўрсатинг ва $\sup E$, $\inf E$ ларни топинг.

2-§. Ҳақиқий соннинг модули (абсолют қиймати)

Таърифга биноан ҳақиқий a соннинг модули (абсолют қиймати)

$$|a| = \begin{cases} a, & \text{агар } a \geqslant 0 \text{ бўлса,} \\ -a, & \text{агар } a < 0 \text{ бўлса.} \end{cases}$$

Ҳақиқий сонларнинг модули қуйидаги хоссаларга эга:

1) $|a| = |-a|$;
2) $|a| \leqslant b$ ва $-b \leqslant a \leqslant b$ тенгсизликлар тенг кучли;
3) $|a| \geqslant b$ тенгсизлик $a \geqslant b$ ёки $a \leqslant -b$ эканини билдиради;
4) $|a \pm b| \leqslant |a| + |b|$;
5) $|a \pm b| \geqslant |a| - |b|$;

6) $|a \cdot b| = |a| \cdot |b|$;

7) $\left|\frac{a}{b}\right| = \frac{|a|}{|b|}$, $(b \neq 0)$.

Қуйидаги тенгсизликларни ечинг.

15. $|x-2| \leqslant 3$.
16. $|x| < 5$.
17. $|x-5| < 4$.
18. $|x+2| < 4$.
19. $|x+3| > 2$.
20. $|x+1| > 3$.
21. $|x+2| + |x-2| \leqslant 10$.
22. $|x-3| + |x+3| \leqslant 10$.
23. $|x^2-2x-3| > x^2-2x-3$.
24. $|x^2-5x| > x^2-5x$.

Қуйидаги тенгламаларни ечинг.

25. $|2x+3| = x^2$.
26. $|3x+4| = x+4$.
27. $|x^2-5x+9| = 3$.
28. $|x^2-2x+7| = 4$.
29. $\left|\frac{x-1}{x+1}\right| = \frac{x-1}{x+1}$.
30. $\left|\frac{x+2}{x-3}\right| = -\frac{x+2}{x-3}$.

3-§. Функция ва унинг аниқланиш соҳаси

1. Элементлари ҳақиқий сонлардан иборат бўлган X ва Y тўпламлар берилган бўлсин.

Агар ҳар бир $x \in X$ сонга бирор қоида ёки қонунга биноан аниқ битта $y \in Y$ сон мос қўйилган бўлса, у ҳолда X тўпламда аниқланган f функция берилган дейилади ва $y = f(x)$ кўринишда ёзилади.

x эркли ўзгарувчи ёки аргумент дейилади, $f(x)$ функциянинг x нуқтадаги қийматини ифодалайди.

X функциянинг аниқланиш (мавжудлик) соҳаси дейилади ва $D(f)$ кўринишда белгиланади. Функциянинг қийматлар тўплами $f(X)$ кўринишда белгиланади.

2. Функция аналитик усулда берилиб, аниқланиш соҳаси кўрсатилмаган бўлсин. Бу ҳолда аргументнинг аналитик ифода маънога (ҳақиқий қийматга) эга бўладиган барча ҳақиқий қийматлари тўплами функциянинг аниқланиш соҳаси деб тушунилади ва бу функциянинг табиий аниқланиш соҳаси дейилади.

31. $f(x) = 2x^3 - 3x + 4$ функция берилган, $f(-2)$, $f(1)$, $f(2)$, $f(a)$ ларни топинг.

32. $f(x) = 2\sin 2x + \cos x$ функция берилган, $f(0)$, $f\left(\frac{\pi}{4}\right)$, $f(1)$, $f(a)$ ларни топинг.

33. $f(x) = \frac{x-2}{x+1}$ функция берилган, $f(0)$, $f(1)$, $f(2)$, $\left|f\left(\frac{1}{2}\right)\right|$ ларни топинг. $f(-1)$ мавжудми?

34. $f(x)=\frac{|x-3|}{x-1}$ функция берилган, $f(0)$, $f(2)$, $f(-2)$ ларни топинг. $f(1)$ мавжудми?

35. $f(x)=\begin{cases} 2x, \text{ агар } -1<x<0, \\ 2, \text{ агар } 0\leqslant x<1, \\ x-1, \text{ агар } 1\leqslant x\leqslant 3 \end{cases}$ функция берилган. $f(2)$, $f(0)$, $f(0{,}5)$, $f(-0{,}5)$, $f(3)$ ларни топинг. $f(5)$ мавжудми?

36. $f(x)=\begin{cases} \sin x, \text{ агар } -1<x<0, \\ 1+x^2, \text{ агар } 0\leqslant x\leqslant 2 \end{cases}$ функция берилган. $f(1)$, $f\left(\frac{\pi}{2}\right)$, $f\left(-\frac{\pi}{4}\right)$ ларни топинг. $f(4)$ мавжудми?

Қуйидаги функцияларнинг аниқланиш соҳаларини топинг.

37. $y=x^2-3x+2$.

38. $y=\frac{x}{x-1}$.

39. $y=\frac{1}{x^4-1}$.

40. $y=\frac{1}{x^2+2x-3}$.

41. $y=\frac{2x-1}{x^2-3x+2}$.

42. $y=\sqrt{4-x^2}$.

43. $y=\frac{1}{x^2+4}$.

44. $y=\sqrt{7-2x}$.

45. $y=\sqrt{x^2-4x+3}$.

46. $y=\sqrt{2x^2+x+8}$.

47. $y=\frac{1}{\sqrt{x^2-4x}}$.

48. $y=\frac{1}{\sqrt{|x|-x}}$.

49. $y=\lg(3x-4)$.

50. $y=\lg(2x-6)$.

51. $y=\lg(x^2-4x+3)$.

52. $y=\lg(4-5x)$.

53. $y=\arcsin(3x-4)$.

54. $y=\arcsin(2x-5)$.

55. $y=\arccos\frac{2x-3}{5}$.

56. $y=\arccos(5x-8)$.

57. $y=\sqrt{3-x}+\arccos\frac{x-2}{3}$.

58. $y=\frac{1}{\lg(1-x)}+\sqrt{x+2}$.

59. $y=\frac{3}{4-x^2}+\lg(x^3-x)$.

60. $y=\sqrt{x^2-3x+2}+\frac{1}{\sqrt{3+2x-x^2}}$.

61. $y=\sqrt{\sin x}-\sqrt{9-x^2}$.

62. $y = \frac{1}{\sqrt{\cos x}} + \sqrt[3]{\sin x}$.

63. Қуйидаги функциялар айнан тенгми?

а) $f(x) = 1$ ва $\varphi(x) = \cos^2 x + \sin^2 x$, б) $f(x) = x$ ва $\varphi(x) = \frac{x^2}{x}$.

64. $f(x) = \lg x^2$ ва $\varphi(x) = 2\lg x$ функциялар айнан тенгми?

4-§. Функциянинг графиги

X тўпламда аниқланган $y = f(x)$ функция берилган бўлсин. Функциянинг x га мос келган $f(x)$ қийматини ҳисобласак, координаталар текислигидаги $M(x, f(x))$ нуқтага эга бўламиз Текисликдаги нуқталарнинг $\{M(x, f(x))/x \in X\}$ тўплами $y = f(x)$ функциянинг графиги дейилади.

Қуйидаги функцияларнинг графикларини ясанг.

65. $y = 2x - 3$.

66. $y = 3x + 1$.

67. $y = x^2$.

68. $y = \frac{x^2}{2}$.

69. $y = x^2 + 1$.

70. $y = x^2 - 2$.

71. $y = (x - 1)^2$

72. $y = (x + 2)^2$.

73. $y = x^2 - 2x + 3$.

74. $y = x^2 - 4x$.

75. $y = \frac{2}{x}$.

76. $y = \frac{1}{x^2}$.

77. $y = \frac{x}{x - 1}$.

78. $y = \frac{x}{x + 2}$.

79. $$y = \begin{cases} \cos x, & \text{агар } -\pi \leqslant x \leqslant 0, \\ 2, & \text{агар } 0 < x < 1, \\ \frac{1}{x}, & \text{агар } 1 \leqslant x \leqslant 4. \end{cases}$$

80. $$y = \begin{cases} x^2, & \text{агар } -2 \leqslant x < 0 \text{ бўлса}, \\ 2x - 1, & \text{агар } 0 \leqslant x < 1 \text{ бўлса}, \\ 1, & \text{агар } 1 \leqslant x \leqslant 2 \text{ бўлса}. \end{cases}$$

81. $y = \{x\}$, $\{x\}$ — x нинг каср қисми.

82. $y = E(x)$, $E(x)$ — x нинг бутун қисми.

83. $y = |x| + x$.

84. $y = |x| - x$.

5-§. Функцияларнинг композицияси. Чегараланган ва чегараланмаган функциялар. Жуфт ва тоқ функциялар

1. $y = f(u)$ функция E тўпламда, $u = \varphi(x)$ функция X тўпламда берилган бўлиб, $u = \varphi(x)$ нинг қийматлар тўплами $\varphi(X)$ E нинг қисм тўплами бўлсин. Агар $y = f(u)$ да u нинг ўрнига $\varphi(x)$ ни қўйсак, $y = f(\varphi(x))$ функцияга эга бўламиз. Бу функцияни $y = f(u)$ ва $u = \varphi(x)$ функцияларнинг композицияси ёки мураккаб функция дейилади.

2. $y = f(x)$ функция X тўпламда берилган бўлсин. Агар шундай M сон топилиб, барча $x \in X$ лар учун $|f(x)| \leqslant M$ тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда $y = f(x)$ X тўпламда чегараланган функция дейилади.

3. Агар X тўпламга ҳар бир x сон билан биргаликда $-x$ ҳам тегишли бўлса, X координаталар бошига нисбатан симметрик тўплам дейилади

$y = f(x)$ функция координаталар бошига нисбатан симметрик бўлган X тўпламда берилган бўлсин.

а) агар ихтиёрий $x \in X$ учун $f(-x) = f(x)$ тенглик ўринли бўлса, $y = f(x)$ жуфт функция дейилади.

б) агар ихтиёрий $x \in X$ учун $f(-x) = -f(x)$ тенглик ўринли бўлса, $y = f(x)$ тоқ функция дейилади.

85. $y = u^2$, $u = x + 1$ функциялар берилган. y ни x орқали ифодаланг.

86. $y = 1 - u^2$, $u = \sin x$ функциялар берилган. y ни x орқали ифодаланг.

87. $y = \sqrt{u + 1}$, $u = 3^x$ функциялар берилган. y ни x орқали ифодаланг.

88. $y = \sqrt{1 + u^2}$, $y = \operatorname{tg} x$ функциялар берилган. y ни x орқали ифодаланг.

89. $f(x) = x^2$ ва $\varphi(x) = 2^x$ функциялар берилган. $f(f(x))$, $f(\varphi(x))$, $\varphi(f(x))$, $\varphi(\varphi(x))$ мураккаб функцияларни топинг.

90. $f(x) = x^3$ ва $\varphi(x) = 3^x$ функциялар берилган. $f(\varphi(x))$ ва $\varphi(f(x))$ мураккаб функцияларни топинг.

91. $f(x) = x^3 - x$ ва $\varphi(x) = \sin 2x$ функциялар берилган. $\varphi(f(1))$, $\varphi(f(2))$, $f\left(\varphi\left(\frac{\pi}{2}\right)\right)$, $f(f(f(1)))$ ларни топинг.

92. $f(x) = \dfrac{5x^2 + 1}{2 - x}$ функция учун $f(3x)$, $f(x^3)$, $3f(x)$, $(f(x))^2$ ларни топинг.

Қуйидаги функцияларнинг қайсилари чегараланган?

93. $f(x) = x^2 + 2$, $[-1;\ 3]$ да.

94. $f(x)=\{x\}$, $]-\infty; +\infty[$ да.

95. $f(x)=x^2$, $]-\infty, +\infty[$ да.

96. $f(x)=\frac{1}{x}$, $]0; +\infty[$ да.

97. $f(x)=\frac{x}{x^2+1}$, $]-\infty; +\infty[$ да.

98. $f(x)=\frac{1}{9+x^4}$, $]-\infty, +\infty[$ да.

99. $f(x)=\sin ax$, $]-\infty, +\infty[$ да.

100. $f(x)=\cos ax$, $]-\infty, +\infty[$ да.

Қуйидаги функцияларнинг тоқ ёки жуфтлигини текширинг.

101. $f(x)=x^2+1$. 102. $f(x)=1-x^2$.

103. $f(x)=x^4-2x^2$. 104. $f(x)=x^3-x$.

105. $f(x)=x^2\cos x$. 106. $f(x)=x^2\sin x$.

107. $f(x)=3^x$. 108. $f(x)=x^3-2$.

109. $f(x)=10$. 110. $f(x)=|x|$.

111. Бир вақтда ҳам тоқ, ҳам жуфт бўлган функция мавжудми?

112. $y=f(x)$ жуфт функция ва $f(x)\neq 0$. $y=\frac{1}{f(x)}$ функциянинг жуфт эканлигини кўрсатинг.

6-§. Даврий функциялар. Монотон функциялар

1. Агар $l\neq 0$ сон учун ҳар бир $x\in X$ билан биргаликда $x+l$ ва $x-l$ лар ҳам X тўпламга тегишли бўлса, X тўплам l даврли даврий тўплам дейилади.

а) Q — рационал сонлар тўплами.

б) $X_1=]-\infty, +\infty[$.

в) $X_2=\ldots\cup]-\frac{3\pi}{2}; -\frac{\pi}{2}[\cup]-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2}[\cup]\frac{\pi}{2}; \frac{3\pi}{2}[\cup\ldots$

г) $X_3=\ldots\cup[-2; -1]\cup[0; 1]\cup\ldots[2; 3]\cup\ldots$

ларнинг ҳар бири даврий тўпламга мисол бўла олади.

д) $X_4=[0; +\infty[$, е) $X_5=]-2; 2[$, ж) $X_6=[4; 6]$

лар даврий тўплам эмас.

$y=f(x)$ функция l даврли даврий X тўпламда берилган бўлсин. Агар ихтиёрий $x\in X$ лар учун $f(x+l)=f(x)$ тенглик ўринли бўлса, $y=f(x)$ даврий функция дейилади ва l унинг даври дейилади. Функциянинг энг кичик мусбат даври (агар у мавжуд бўлса) унинг асосий даври дейилади.

2. $y=f(x)$ функция X тўпламда берилган бўлсин. Агар ихтиёрий $x_1, x_2\in X$ лар учун $x_1<x_2$ дан

а) $f(x_1) < f(x_2)$ келиб чиқса, $f(x)$ функция ўсувчи,
б) $f(x_1) \leqslant f(x_2)$ келиб чиқса, $f(x)$ функция камаймовчи,
в) $f(x_1) > f(x_2)$ келиб чиқса, $f(x)$ функция камаювчи,
г) $f(x_1) \geqslant f(x_2)$ келиб чиқса, $f(x)$ функция ўсмовчи дейилади.

Бу тўрт тип функция бир сўз билан монотон функция дейилади.

Қуйидаги функцияларнинг қайсилари даврий эканлигини аниқланг.

Даврий функцияларнинг асосий даврини кўрсатинг.

113. $f(x) = \sin 2x.$ **114.** $f(x) = \cos \pi x.$

115. $f(x) = \cos ax$ **116.** $f(x) = \sin^2 x.$

117. $f(x) = x \cdot \cos x.$ **118.** $f(x) = \{x\}.$

119. $f(x) = 1 + \operatorname{tg} x.$ **120.** $f(x) = 5.$

121. $D(x) = \begin{cases} 1, & \text{агар } x \text{ рационал сон бўлса,} \\ 0, & \text{агар } x \text{ иррационал сон бўлса.} \end{cases}$

Дирихле функцияси даврий функция бўлиб, унинг асосий даври йўқ эканини кўрсатинг.

122. $f(x) = \{2x\}$ функциянинг асосий даврини топинг.

Қуйидаги функцияларнинг ҳар бири кўрсатилган оралиқларда монотон эканини кўрсатинг.

123. $f(x) = 2x - 1,$ $]-\infty; +\infty[$ да,

124. $f(x) = 2 - 3x,$ $]-\infty; +\infty[$ да.

125. $f(x) = x^2 + 2x + 5,$ $]-\infty; -1[$ ва $]-1; +\infty[$да.

126. $f(x) = x^2 - 3x + 2,$ $]-\infty; 1{,}5[$ва$]1{,}5; +\infty[$ да.

127. $f(x) = \cos x,$ $[0; \pi]$ да.

128. $f(x) = \sin x,$ $\left]-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2}\right[$ да.

129. $f(x) = |x| - x,$ $]-\infty; +\infty[$ ла

130. $f(x) = |x| + x,$ $]-\infty; +\infty[$ да.

I бобга доир аралаш масалалар

131. Айирмалари рационал бўлган иккита ҳар хил иррационал сон кўрсатинг.

132. Кўпайтмалари рационал бўлган иккита ҳар хил иррационал сон кўрсатинг.

133 Қандай тўпламлар учун $\sup E = \inf E$ бўлади?

134. $[0; 1]$ дан бошқа шундай E тўплам кўрсатингки, бу тўплам учун $\inf E = 0,$ $\sup E = 1$ бўлсин.

Қуйидаги функцияларнинг аниқланиш соҳаларини топинг.

135. $y = \lg(\cos(\lg x))$.

136. $y = \sqrt{\sin\sqrt{x}}$.

137. $y = \arccos(2^x + 1)$.

138. Фақат $[-2; 2]$ да аниқланган функцияга мисол келтиринг.

139. $x = 2$ ва $x = 3$ лардан бошқа барча ҳақиқий сонлар тўпламида аниқланган функцияга мисол келтиринг.

140. $y = \operatorname{sgn} x$ (сигнум x) функция қуйидагича аниқланади:

$$\operatorname{sgn} x = \begin{cases} -1, & \text{агар } x < 0 \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{агар } x = 0 \text{ бўлса,} \\ 1, & \text{агар } x > 0 \text{ бўлса.} \end{cases}$$

Бу функциянинг графигини ясанг.

141. $\operatorname{sgn}(\operatorname{sgn} x)$ мураккаб функцияни топинг.

142. Қуйидаги функцияларнинг қайсилари тоқ, қайсилари жуфт?

а) $f(x) = \operatorname{sgn} x$; б) $f(x) = \lg(x + \sqrt{x^2+1})$;

в) $f(x) = \sin x^2 + \sin^2 x$; г) $f(x) = E(x)$;

д) $f(x) = x - E(x)$.

143. Иккита жуфт функциянинг кўпайтмаси жуфт функция бўлишини исботланг.

144 Иккита тоқ функциянинг кўпайтмаси жуфт функция бўлишини исботланг.

145. Тоқ ва жуфт функцияларнинг кўпайтмаси тоқ функция бўлишини исботланг.

146. Агар $\varphi(x)$ жуфт функция бўлса, у ҳолда $f(\varphi(x))$ функциянинг жуфт бўлишини исботланг.

147 Агар $y = f(x)$ ва $x = \varphi(t)$ функциялар тоқ бўлса, у ҳолда $f(\varphi(t))$ функциянинг тоқ бўлишини исботланг.

148. Агар $f(x)$ тоқ функция бўлиб, $[-5; 0]$ яримсегментда $f(x) = x^2 + 3$ формула билан берилган бўлса, $f(0)$, $f(3)$, $f(4)$ ларни топинг.

149. Агар $f(x)$ функция даври 1 га тенг бўлган даврий функция бўлиб, $]0; 1]$ да $f(x) = x^2$ формула билан берилган бўлса, $f\left(\frac{1}{2}\right)$, $f(2)$, $f(2{,}5)$ ларни топинг.

II БОБ. ЛИМИТЛАР

1-§. Сонли кетма-кетлик лимити

1. $$x_1, x_2, \ldots, x_n, \ldots \qquad (1)$$

кетма-кетлик берилган бўлсин. Ҳар бир $\varepsilon > 0$ учун шундай $N = N(\varepsilon)$ номер топилиб, барча $n > N$ лар учун $|x_n - a| < \varepsilon$ тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда a (1) кетма-кетликнинг лимити дейилади ва $\lim\limits_{n\to\infty} x_n = a$ кўринишда ёзилади.

Лимитга эга бўлган кетма-кетлик яқинлашувчи, лимитга эга бўлмаган кетма-кетлик узоқлашувчи дейилади.

2. Агар $\lim\limits_{n\to\infty} x_n=0$ бўлса, у ҳолда x_n чексиз кичик миқдор (ёки қисқача чексиз кичик) дейилади.

3. Агар исталганча катта $\Delta > 0$ учун шундай $N = N(\Delta)$ номер топилиб, $n > N$ лар учун $|x_n| > \Delta$ тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда x_n чексиз катта миқдор (ёки қисқача чексиз катта) дейилади ва $\lim\limits_{n\to\infty} x_n = \infty$ кўринишда ёзилади.

Теорема. *Агар x_n чексиз кичик бўлса, у ҳолда $y_n = \frac{1}{x_n}$ чексиз катта бўлади. Агар x_n чексиз катта бўлса, у ҳолда $y_n = \frac{1}{x_n}$ чексиз кичик бўлади.*

4. **Теорема.** *Агар $x_1, x_2, \ldots, x_n, \ldots$ ва $y_1, y_2, \ldots, y_n, \ldots$ кетма-кетликлар яқинлашувчи бўлса, у ҳолда*

а) $\lim\limits_{n\to\infty} (x_n \pm y_n) = \lim\limits_{n\to\infty} x_n \pm \lim\limits_{n\to\infty} y_n$,

б) $\lim\limits_{n\to\infty} (x_n \cdot y_n) = \lim\limits_{n\to\infty} x_n \cdot \lim\limits_{n\to\infty} y_n$,

в) $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{x_n}{y_n} = \frac{\lim\limits_{n\to\infty} x_n}{\lim\limits_{n\to\infty} y_n}$ $(\lim\limits_{n\to\infty} y_n \neq 0)$ бўлади.

5. **Теорема.** *Агар $\lim\limits_{n\to\infty} x_n = 0$ ва $\{y_n\}$ чегараланган бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{n\to\infty} (x_n \cdot y_n) = 0$ бўлади.*

1. Кетма-кетлик лимити таърифидан фойдаланиб қуйидагиларни исботланг:

а) $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{n-1}{n+1} = 1$, б) $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{4n-1}{2n+1} = 2$, в) $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{3n+1}{5n-1} = \frac{3}{5}$.

2. Кетма-кетлик лимити таърифидан фойдаланиб қуйидаги тенгликларни исботланг:

а) $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{4n-1}{5n+1} = \frac{4}{5}$, б) $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{\sqrt{n^2+n}}{n} = 1$.

3. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{2n-1}{2\quad 3n}=-\frac{2}{3}$ тенгликни исботланг. Қайси n дан бошлаб, $\left|\frac{2n-1}{2-3n}-\left(-\frac{2}{3}\right)\right|<0{,}0001$ тенгсизлик ўринли бўлади?

4. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{3n-1}{5n+1}=\frac{3}{5}$ тенгликни исботланг. Қайси n дан бошлаб, $\left|\frac{3n-1}{5n+1}-\frac{3}{5}\right|<0{,}001$ тенгсизлик ўринли бўлади?

5. а) $x_n=8n+1$, б) $x_n=n^k\,(k>0)$ ларнинг чексиз катта эканлигини исботланг.

6. а) $_n=6n-1$, б) $x_n=\sqrt{n^3+2}$ ларнинг чексиз катта эканлигини исботланг.

Қуйидаги лимитларни топинг.

7. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{3n^2+2}{4n^2-1}$.

8. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{3n^3-4}{n^3+6}$.

9. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{2n^3+3}{n^3+n-1}$.

10. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{n^2+n+1}{(n+1)^2}$.

11. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{(n+1)^3}{n^3+1}$.

12. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{(n+1)^4+(n-1)^4}{n^4+10}$.

13. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{\sqrt[3]{n^2+n}}{n+4}$.

14. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{\sqrt[3]{n^3+2n-1}}{n+2}$.

15. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{\sqrt{n^4+n^2+1}}{n^2+2n-1}$.

16. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{\sqrt{2n^2+1}}{\sqrt[4]{n^4+3n-1}}$.

17. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{n!}{(n+1)!-n!}$.

18. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{(n+1)!+n!}{(n+2)!}$.

19. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{1+\frac{1}{2}+\ldots+\frac{1}{2^n}}{1+\frac{1}{3}+\ldots+\frac{1}{3^n}}$.

20. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{1+2+\ldots+n}{n^2}$.

21. $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\frac{1}{2n}\cos n^3-\frac{3n}{6n+1}\right)$.

22. $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\frac{1}{n}\cos\frac{n\pi}{2}+1\right)$.

23. $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\frac{n}{n^2+1}\sin n!+\frac{2n^2}{1-9n^2}\right)$.

24. $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\frac{1}{3n}\sin n^2+\frac{2n}{3n+1}\right)$.

2-§. Функциянинг лимити

1. $y=f(x)$ функция X тўпламда берилиб, a X тўпламнинг лимит нуқтаси бўлсин.

Агар ҳар бир $\varepsilon>0$ учун шундай $\delta=\delta(\varepsilon)$ топилиб X тўпламнинг $0<|x-a|<\delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи барча x нуқталарида $|f(x)-A|<\varepsilon$ тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда A $f(x)$ функциянинг $x=a$ нуқтадаги лимити дейилади. У $\lim\limits_{x\to a} f(x)=A$ кўринишда ёзилади.

2. Агар ҳар бир $\varepsilon>0$ учун шундай $\Delta>0$ топилиб, $|x|>\Delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи барча x ларда $|f(x)-B|<\varepsilon$ тенгсизлик ўринли бўлса, B $f(x)$ функциянинг $x\to\infty$ даги лимити дейилади. У $\lim\limits_{x\to\infty} f(x)=B$ кўринишда ёзилади.

Агар $x>0$ бўлса, $\lim\limits_{x\to+\infty} f(x)=B$, $x<0$ бўлса, $\lim\limits_{x\to-\infty} f(x)=B$ кўринишда ёзилади.

Теорема *Агар $x=a$ нуқтада $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар лимитга эга бўлса, у ҳолда:*

1. $\lim\limits_{x\to a}[f(x)\pm g(x)]=\lim\limits_{x\to a} f(x)\pm\lim\limits_{x\to a} g(x)$.

2. $\lim\limits_{x\to a}[f(x)\cdot g(x)]=\lim\limits_{x\to a} f(x)\cdot\lim\limits_{x\to a} g(x)$.

3. $\lim\limits_{x\to a}\dfrac{f(x)}{g(x)}=\dfrac{\lim\limits_{x\to a} f(x)}{\lim\limits_{x\to a} g(x)}$ $(\lim\limits_{x\to a} g(x)\neq 0)$.

тенгликлар ўринли бўлади.

25. Функция лимити таърифидан фойдаланиб, қуйидаги тенгликларни исботланг.

а) $\lim\limits_{x\to 3}(3x-5)=4$, б) $\lim\limits_{x\to 1}(4x-1)=3$,

в) $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{x^2-2}{x^2+1}=\dfrac{2}{5}$, г) $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2}}\sin x=1$.

26. $\lim\limits_{x\to 2}(2x-1)=3$ тенгликни исботланг. δ нинг қандай қийматларида $0<|x-2|<\delta$ тенгсизликдан $|(2x-1)-3|<0{,}01$ тенгсизлик келиб чиқади?

27. $\lim\limits_{x\to 2}(x^2-1)=3$ тенгликни исботланг. δ нинг қандай қийматларида $0<|x-2|<\delta$ тенгсизликдан $|(x^2-1)-3|<0{,}001$ тенгсизлик келиб чиқади?

28. $\lim\limits_{x\to 3}\dfrac{x-1}{2(x+1)}=\dfrac{1}{4}$ тенгликни исботланг. δ нинг қандай қийматларида $0<|x-4|<\delta$ тенгсизликдан $\left|\dfrac{x-1}{2(x+1)}-\dfrac{1}{4}\right|<0{,}01$ тенгсизлик келиб чиқади?

Функциянинг чексизликдаги лимити таърифидан фойдаланиб, 29, 30-мисоллардаги тенгликларни исботланг.

29. а) $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{x^2}{x^2+1}=1$, б) $\lim\limits_{x\to+\infty}\left(\sqrt{x^2+1}-x\right)=0$.

в) $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{x+1}{2x+1}=\dfrac{3}{2}$.

30. а) $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{2x+1}{x+1} = 2$, б) $\lim\limits_{x\to+\infty} (\sqrt{x+1} - \sqrt{x}) = 0$.

Қуйидаги лимитларни топинг.

31. $\lim\limits_{x\to 2} \frac{x^2+5}{x^2+2}$ 32. $\lim\limits_{x\to 1} (5x^3 - 4x + 1)$.

33. $\lim\limits_{x\to 1} \frac{x(x-1)}{x^2-1}$. 34. $\lim\limits_{x\to 5} \frac{x^2-25}{x-5}$.

35. $\lim\limits_{x\to 2} \frac{x^2-5x+6}{x^2-12x+20}$. 36. $\lim\limits_{x\to 1} \frac{x^2-2x+1}{x^3-x}$.

37. $\lim\limits_{x\to -1} \frac{2x^3+2x^2+3x+3}{x^3+x^2+x+1}$. 38. $\lim\limits_{x\to -2} \frac{2x^2+5x+2}{3x^2-x-14}$.

39. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt{1+x^2}-1}{x}$. 40. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt{1+x}-1}{x}$.

41. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt{x+h}-\sqrt{h}}{x}$. 42. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt{1+3x^2}-1}{2x^2}$.

43. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt[3]{1+x^2}-1}{x^2}$. 44. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt[3]{1-2x}-1}{3x}$.

45. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt{1+x^2}-1}{\sqrt{16+x^2}-4}$. 46. $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sqrt{9+3x}-3}{\sqrt{25+2x}-5}$.

47. $\lim\limits_{x\to 5} \frac{\sqrt{x-1}-2}{x-5}$. 48. $\lim\limits_{x\to 2} \frac{\sqrt{5x-1}-3}{x^2-4}$.

49. $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{2x^2-5x+4}{5x^2-2x+3}$. 50. $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{x^3+x}{x^4-3x^2+1}$.

51. $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{10x^4+3x^3+1}{0{,}1x^4+1}$. 52. $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{1+x-3x^3}{1+x^2+3x^3}$.

53. $\lim\limits_{x\to\infty} \left(\frac{x^3}{x^2+1} - x\right)$. 54. $\lim\limits_{x\to\infty} \left(\frac{x^4}{x^2+4} - x^2\right)$,

55. $\lim\limits_{x\to+\infty} \frac{\sqrt{x^2+1}+\sqrt{x}}{\sqrt[4]{x^3+x}-x}$. 56. $\lim\limits_{x\to\infty} \frac{\sqrt{x^4-3x+1}}{1-x^2}$.

57. $\lim\limits_{x\to+\infty}(\sqrt{x+4} - \sqrt{x})$. 58. $\lim\limits_{x\to+\infty}(\sqrt{x-1} - \sqrt{x})$.

59. $\lim\limits_{x\to\infty} x(\sqrt{x^2+1} - \sqrt{x^2-1})$. 60. $\lim\limits_{x\to+\infty} x(\sqrt{x^2+1} - x)$.

61. $\lim\limits_{x\to-\infty} (\sqrt{x^2+1} - x)$. 62. $\lim\limits_{x\to-\infty} (\sqrt{x^2+1} + x)$.

Қуйидаги мисолларни ечишда $\lim\limits_{x\to 0} \frac{\sin x}{x} = 1$ тенгликдан фойдаланинг.

63. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin 2x}{3x}$.

64. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin 3x}{x}$.

65. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin 6x}{\sin 7x}$.

66. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin \alpha x}{\sin 3x}$.

67. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\operatorname{tg} 5x}{x}$.

68. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\operatorname{tg} kx}{x}$.

69. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\operatorname{tg} 3x}{\sin 4x}$.

70. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{4\arcsin x}{3x}$.

71. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos x}{5x}$.

72. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos 4x}{x\cdot\sin x}$.

73. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\operatorname{arctg} x}{2x}$.

74. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{2x+\arcsin x}{2x+\operatorname{arctg} x}$.

75. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{2x+\arcsin x}{\sin x+\arcsin x}$.

76. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin^3\dfrac{x}{4}}{x^3}$.

77. $\lim\limits_{x\to \frac{\pi}{2}}\dfrac{1-\sin x}{\left(\dfrac{\pi}{2}-x\right)^2}$.

78. $\lim\limits_{x\to \frac{\pi}{2}}\left(\dfrac{\pi}{2}-x\right)\operatorname{tg} x$.

79. $\lim\limits_{x\to 1}(1-x)\operatorname{tg}\dfrac{\pi x}{2}$.

80. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin(1+x)}{1+x}$.

81. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\sin x-\cos x}{1+\sin x-\cos x}$.

82. $\lim\limits_{x\to \frac{\pi}{2}}\dfrac{\cos\dfrac{x}{2}-\sin\dfrac{x}{2}}{\cos x}$.

Қуйидаги мисолларни ечишда $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1+\dfrac{1}{x}\right)^x = e$ тенгликдан фойдаланинг.

83. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x}{1+x}\right)^x$.

84. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x+1}{x-1}\right)^x$.

85. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1-\dfrac{1}{x}\right)^x$.

86. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1+\dfrac{k}{x}\right)^{mx}$.

87. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1+\dfrac{5}{x}\right)^{2x}$.

88. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1+\dfrac{3}{2x}\right)^{-x}$.

89. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2x+1}{2x-1}\right)^x$.

90. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{2x-3}{2x+4}\right)^x$.

91. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x^2-2x+1}{x^2-4x+1}\right)^x$.

92. $\lim\limits_{x\to+\infty}\left(\dfrac{x+1}{3x-1}\right)^x$.

93. $\lim\limits_{x\to 0}(1+\operatorname{tg} x)^{\operatorname{ctg} x}$.

94. $\lim\limits_{x\to 0}(1+\sin 2x)^{\operatorname{cosec} x}$.

95. $\lim\limits_{x\to+\infty}\left(1+\dfrac{1}{x}\right)^{x^2}$.

96. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1+\dfrac{1}{x}\right)^{\frac{x+1}{x}}$.

3- §. Бир томонли лимитлар

1. Агар ҳар бир $\varepsilon > 0$ учун шундай $\delta = \delta(\varepsilon)$ топилиб, $a - \delta < x < a$ $(a < x < a + \delta)$ тенгсизликни қаноатлантирувчи x ларда $|f(x) - A| < \varepsilon$ тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда A $f(x)$ функциянинг $x = a$ даги чап (ўнг) лимити дейилади. Чап лимит $f(a - 0) = \lim\limits_{x \to a-0} f(x)$, ўнг лимит $f(a + 0) = \lim\limits_{x \to a+0} f(x)$ кўринишда белгиланади.

2. $x = a$ да функция лимитга эга бўлиши учун $f(a - 0) = f(a + 0)$ тенгликнинг бажарилиши зарур ва етарлидир.

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган нуқталардаги бир томонли лимитларини топинг.

97. $f(x) = \begin{cases} x + 1, & \text{агар } 0 < x < 1, \\ 3x + 1, & \text{агар } 1 \leqslant x < 3, \end{cases}$ $x = 1$ нуқтада.

98. $f(x) = \begin{cases} 2x + 1, & \text{агар } 0 < x \leqslant 2, \\ 2x - 1, & \text{агар } 2 < x < 3, \end{cases}$ $x = 2$ нуқтада.

99. $f(x) = \begin{cases} x^2, & \text{агар } -1 < x \leqslant 2, \\ 2x + 1, & \text{агар } 2 < x < 3 \end{cases}$ $x = 2$ нуқтада.

100. $f(x) = \begin{cases} 3x, & \text{агар } -1 \leqslant x \leqslant 1, \\ 2x, & \text{агар } 1 < x \leqslant 3, \end{cases}$ $x = 1$, $x = 2$ нуқталарда.

101. $y = E(x)$, $x = -2$, $x = 0$, $x = 1$ нуқталарда.

102. $y = \{x\}$, $x = 1$, $x = 2$, $x = 3$ нуқталарда.

103. $f(x) = \dfrac{3x + 1}{x - 1}$, $x = 1$ нуқтада.

104. $f(x) = \dfrac{1}{x - 2}$, $x = 2$ нуқтада.

105. $f(x) = \begin{cases} -\dfrac{1}{x - 1}, & \text{агар } x < 0, \\ x, & \text{агар } 0 \leqslant x < 1, \\ 2, & \text{агар } 1 \leqslant x \leqslant 2, \end{cases}$ $x = 0$, $x = 1$ нуқталарда.

106. $f(x) = \begin{cases} -\sin x, & \text{агар } -\dfrac{\pi}{2} < x < 0, \\ \sin x, & \text{агар } 0 \leqslant x < \dfrac{\pi}{2}, \end{cases}$ $x = 0$ нуқтада.

107. $f(x) = \sin\dfrac{1}{x}$ нинг $x = 0$ да бир томонли лимитларининг мавжуд эмаслигини кўрсатинг.

108. $f(x)=\begin{cases} 3x, & \text{агар } -1<x\leqslant 1, \\ 2x+1, & \text{агар } 1<x<1 \end{cases}$ функция $x=1$ нуқтада лимитга эгами? Агар эга бўлса, лимитни топинг.

4- §. Чексиз кичикларни таққослаш. Эквивалент чексиз кичиклар

1. Агар $\lim\limits_{x\to a}\alpha(x)=0$ бўлса, у ҳолда $\alpha(x)$ $x\to a$ да чексиз кичик функция дейилади (қисқача — „чексиз кичик“).

$\alpha(x)$ ва $\beta(x)$ лар чексиз кичиклар бўлсин.

2. Агар $\lim\limits_{x\to a}\frac{\alpha(x)}{\beta(x)}=0$ бўлса, у ҳолда $\alpha(x)$ $\beta(x)$ га нисбатан юқори тартибли чексиз кичик дейилади ва $\alpha(x)=o\,(\beta(x))$ кўринишда ёзилади.

3. Агар $\lim\limits_{x\to a}\frac{\alpha(x)}{\beta(x)}=c$ $(c\neq 0,\ c\neq\infty)$ бўлса, у ҳолда $\alpha(x)$ ва $\beta(x)$ бир хил тартибли чексиз кичиклар дейилади. Хусусий ҳолда $\lim\limits_{x\to a}\frac{\alpha(x)}{\beta(x)}=1$ бўлса, у ҳолда $\alpha(x)$ ва $\beta(x)$ лар эквивалент чексиз кичиклар дейилади ва $\alpha(x)\sim\beta(x)$ кўринишда ёзилади.

4. **Теорема** *Агар $x=a$ нуқта атрофида $\alpha(x)$, $\beta(x)$, $\alpha_1(x)$, $\beta_1(x)$ лар чексиз кичик ва $\alpha(x)\sim\alpha_1(x)$, $\beta(x)\sim\beta_1(x)$ бўлса, у ҳолда*

$$\lim_{x\to a}\frac{\alpha(x)}{\beta(x)}=\lim_{x\to a}\frac{\alpha_1(x)}{\beta_1(x)}\qquad \textit{бўлади.}$$

109. $x\to 0$ да қуйидаги чексиз кичикларни $\beta(x)=x$ чексиз кичик билан таққосланг.

а) $\alpha(x)=3x$, б) $\alpha(x)=x^2$, в) $\alpha(x)=x+\sin x$,
г) $\alpha(x)=x^2+\operatorname{tg}x$, д) $\alpha(x)=x\sqrt{1+x^2+x^4}-x^3$.

110. $x\to 0$ да қуйидаги чексиз кичикларни $\beta(x)=x$ чексиз кичик билан таққосланг

а) $\alpha(x)=x^5$, б) $\alpha(x)=x^2+x^4$,
в) $\alpha(x)=\operatorname{tg}x+\sin x$, г) $\alpha(x)=\sqrt{1+\sin x}-1$.

111. Қуйидаги функцияларнинг қайсилари эквивалент чексиз кичиклар эканини текширинг.

а) $\alpha(x)=\sin nx$ ва $\beta(x)=nx$, $x\to 0$ да,
б) $\alpha(x)=\operatorname{tg}mx$ ва $\beta(x)=mx$, $x\to 0$ да,
в) $\alpha(x)=1-\cos x$ ва $\beta(x)=\frac{1}{2}x^2$, $x\to 0$ да,
г) $\alpha(x)=\sqrt{1+\operatorname{tg}x}-1$ ва $\beta(x)=\frac{x}{2}$, $x\to 0$ да,

д) $\alpha(x)=x^2-1$ ва $\beta(x)=2(x-1)$, $x\to 1$ да.

112. Қуйидаги функцияларнинг қайсилари эквивалент чексиз кичиклар?

а) $\alpha(x)=\sqrt{1+x}-1$ ва $\beta(x)=\frac{1}{2}x$, $x\to 0$ да,

б) $\alpha(x)=\frac{\sqrt{1+x+x^2}-1}{\sin 2x}$ ва $\beta(x)=\sin x$, $x\to 0$ да.

Эквивалент чексиз кичиклардан фойдаланиб, қуйидаги лимитларни топинг.

113. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\operatorname{tg} 6x}{\sin 3x}$. **114.** $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt{1+x}-1}{\sin 2x}$.

115. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt{1+\operatorname{tg} x}-1}{\sqrt{1+x+x^2}-1}$. **116.** $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt{1+\sin x}-1}{x-x^2}$.

117. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{1-\cos x}{x^2-x^4+x^6}$. **118.** $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt{1+x^2}-1}{1-\cos x}$.

II бобга доир аралаш масалалар

119. Монотон кетма-кетликларнинг лимити ҳақидаги теоремалардан фойдаланиб, қуйидаги кетма-кетликларнинг лимити мавжудлигини кўрсатинг.

а) $x_n=1+\frac{1}{2^2}+\ldots+\frac{1}{n^n}$, б) $x_n=1+\frac{1}{2!}+\ldots+\frac{1}{n!}$,

в) $x_n=\frac{1}{2+1}+\frac{1}{2^2+1}+\ldots+\frac{1}{2^n+1}$.

120. Қуйидаги кетма-кетликларнинг лимитлари мавжудлигини кўрсатинг ва уларни топинг.

а) $x_n=\frac{c^n}{n!}$ $(c>0)$, б) $x_n=\underbrace{\sqrt{3+\sqrt{3+\ldots+\sqrt{3}}}}_{n\text{ та}}$.

в) $\underbrace{x_n=\sin\sin\ \ldots\ \sin 1}_{n\text{ та}}$.

121. $\lim\limits_{n\to\infty}2^n\underbrace{\sqrt{2+\sqrt{2+\ldots+\sqrt{2}}}}_{n\text{ та}}$ ни топинг.

122. Қуйидаги лимитларни топинг.

а) $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\cos\frac{x}{2}\cos\frac{x}{2^2}\ldots\cos\frac{x}{2^n}\right)$, б) $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{\sin nx}{x}$, в) $\lim\limits_{x\to\infty}\left(x^2\left(1-\cos\frac{1}{x}\right)\right)$, г) $\lim\limits_{x\to 0}(\cos x)^{\frac{1}{\sin x}}$,

д) $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\ln\cos x}{x^2}$.

Агар $\lim\limits_{x\to a}f(x)=\infty$ бўлса, у ҳолда $f(x)$ $x\to a$ да чексиз катта дейилади.

Агар $f(x)$ ва $g(x)$ лар $x\to a$ да чексиз катталар бўлиб, $\lim\limits_{x\to a}\frac{f(x)}{g(x)}=\infty$ бўлса, у ҳолда $x\to a$ да $f(x)$ функция $g(x)$ га нисбатан юқори тартибли чексиз катта дейилади.

Теорема. *Агар $x\to a$ да $f(x)$ функция $f_1(x), f_2(x), \ldots, f_n(x)$ ларнинг ҳар бирига нисбатан юқори тартибли чексиз катта, $g(x)$ функция эса $g_1(x), g_2(x), \ldots, g_m(x)$ ларнинг ҳар бирига нисбатан юқори тартибли чексиз катта бўлса, у ҳолда*

$$\lim_{x\to a}\frac{f(x)+f_1(x)+\ldots+f_n(x)}{g(x)+g_1(x)+\ldots+g_m(x)}=\lim_{x\to a}\frac{f(x)}{g(x)}$$ *тенглик ўринли бўлади.*

Юқоридаги теорема ёрдамида қуйидаги лимитларни ҳисобланг.

123. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{\sqrt{x^2-1}-\sqrt{x}}{\sqrt[4]{x^3+1}-x}$. **124.** $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{\sqrt[5]{x^7+3}+\sqrt[4]{2x^3-1}}{\sqrt[6]{x^8+x^7+1}-x}$.

125. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{x^2+\sqrt{x^2+1}-\sqrt[3]{x^2+1}}{\sqrt[4]{x^4+1}-\sqrt[5]{x^4+1}+3x^2}$.

126. $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{\sqrt[3]{x^4+3}-\sqrt[5]{x^3+4}-x}{\sqrt[3]{x^3+1}+\sqrt[6]{x^9+x^5+4}}$.

III БОБ. УЗЛУКСИЗ ФУНКЦИЯЛАР

1-§. Узлуксиз функциялар. Функцияларнинг узилиш нуқталари

1. Агар $\lim\limits_{x\to x_0}f(x)=f(x_0)$ тенглик ўринли бўлса, функция x_0 нуқтада узлуксиз дейилади.

2. Аргументнинг x ва x_0 қийматлари орасидаги $x-x_0$ айирма аргументнинг x_0 нуқтадаги орттирмаси дейилади ва $\Delta x=x-x_0$ орқали белгиланади. Функциянинг $x=x_0+\Delta x$ ва x_0 нуқталардаги қийматларининг айирмаси $f(x_0+\Delta x)-f(x_0)$ эса функциянинг x_0 нуқтадаги орттирмаси дейилади ва $\Delta y=f(x_0+\Delta x)-f(x_0)$ орқали белгиланади.

Узлуксизликнинг таърифини яна қуйидагича бериш мумкин:

Агар $\lim\limits_{\Delta x\to 0}\Delta y = \lim\limits_{\Delta x\to 0}(f(x_0+\Delta x) - f(x_0)) = 0$ тенглик ўринли бўлса, функция x_0 нуқтада узлуксиз дейилади.

3. Агар $\lim\limits_{x\to x_0} f(x) \neq f(x_0)$ бўлса, у ҳолда $x = x_0$ функциянинг узилиш нуқтаси дейилади.

$x = x_0$ функциянинг узилиш нуқтаси бўлсин.

Агар $f(x_0 - o)$, $f(x_0 + o)$ бир томонли лимитлар мавжуд бўлса, у ҳолда $x = x_0$ функциянинг I тур узилиш нуқтаси дейилади.

Агар $f(x_0 - o)$, $f(x_0 + o)$ бир томонли лимитларининг камида биттаси мавжуд бўлмаса, у ҳолда $x = x_0$ функциянинг II тур узилиш нуқтаси дейилади. I тур узилиш нуқталар икки хил бўлади:

а) Агар $f(x_0 - o) = f(x_0 + o)$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда $x = x_0$ да функциянинг узлуксизлигини тиклаш мумкин. Бунинг учун $f(x_0) = f(x_0 - o) = f(x_0 + o)$ деб олиш керак

б) Агар $f(x_0 - o) \neq f(x_0 + o)$ бўлса, у ҳолда $f(x)$ функция $x = x_0$ да сакрашга эга бўлади. Сакраш катталиги $|f(x_0 + o) - f(x_0 - o)$ га тенг бўлади.

Агар $f(x_0 - o) = f(x_0)$ $(f(x_0 + o) = f(x_0))$ бўлса, $f(x)$ функция $x = x_0$ нуқтада чапдан (ўнгдан) узлуксиз дейилади.

Қуйидаги функцияларнинг узлуксизлигини таърифга биноан исботланг.

1. а) $f(x) = x^2 + x - 2$ барча $x \in]-\infty; +\infty[$ ларда,
   б) $f(x) = \sin(3x+2)$ барча $x \in]-\infty; +\infty[$ ларда,
   в) $f(x) = \dfrac{1}{x+1}$ барча $x \in]-1; +\infty[$ ларда,
2. а) $f(x) = x^3 - 3$ барча $x \in]-\infty; +\infty[$ ларда,
   б) $f(x) = \cos(2x+1)$ барча $x \in]-\infty; +\infty[$ ларда.

Қуйидаги функцияларнинг узилиш нуқталари ва уларнинг турларини аниқланг. Графикларни ясанг.

3. $$f(x) = \begin{cases} x^2, & \text{агар } x \neq 0, \\ 2, & \text{агар } x = 0. \end{cases}$$

4. $$f(x) = \begin{cases} 2x+1, & \text{агар } -1 \leqslant x \leqslant 1, \\ 1 - x, & \text{агар } 1 < x < 2. \end{cases}$$

5. $$f(x) = \begin{cases} 3x, & \text{агар } -1 \leqslant x \leqslant 1, \\ 2x, & \text{агар } 1 < x \leqslant 3. \end{cases}$$

6. $$f(x) = \begin{cases} \dfrac{x^2 - 1}{x - 1}, & \text{агар } x \neq 1, \\ 3, & \text{агар } x = 1. \end{cases}$$

7. $$f(x) = \begin{cases} 2x - 1, & \text{агар } x < 1, \\ x, & \text{агар } 1 \leqslant x < 2, \\ 3, & \text{агар } 2 \leqslant x < 4. \end{cases}$$

8. $f(x)=\frac{1}{x^2}$.

9. а) $f(x)=x+\frac{1}{x}$, б) $f(x)=\frac{1}{x^2-1}$.

10. $f(x)=\frac{|x|}{x}$.

Қуйидаги функцияларнинг $x=0$ даги қийматини шундай танлангки, функция шу нуқтада узлуксиз бўлсин.

11. а) $f(x)=\frac{\sin x}{x}$, б) $f(x)=\frac{\sin^2 x}{1-\cos x}$,

в) $f(x)=\frac{\sqrt{1+2x}-1}{\sin x}$.

12. а) $f(x)=\frac{\sqrt{1+x}-1}{x}$, б) $f(x)=\frac{5x^2-3x}{2x}$.

2-§. Кесмада узлуксиз функцияларнинг хоссалари. Тескари функция

1. **Теорема.** (Больцано—Коши). *Агар $f(x)$ функция $[a, b]$ да узлуксиз бўлиб, кесманинг учларида қарама-қарши ишорали қийматларга эга бўлса, у ҳолда $]a, b[$ да шундай c нуқта мавжудки, $f(c)=0$ бўлади.*

2. **Теорема** (*Вейерштрасс*). *Агар $f(x)$ функция $[a, b]$ да узлуксиз бўлса, у ҳолда $f(x)$ шу кесмада чегараланган бўлади.*

3. **Теорема.** *Агар $y=f(x)$ функция X оралиқда ўсувчи (камаювчи) ва узлуксиз бўлса, у ҳолда қийматлар тўплами $f(X)$ да унга тескари функция мавжуд бўлиб, бу функция ҳам ўсувчи (камаювчи) ва узлуксиз бўлади.*

Қуйидаги тенгламалар кўрсатилган кесмаларда ечимга эга эканини кўрсатинг.

13. а) $x^3+3x+1=0$, $[-1;\ 0]$,

б) $x^5-6x^2+3x-7=0$, $[0;\ 2]$,

в) $3\sin^3 x-5\sin x+1=0$, $\left[0,\ \frac{\pi}{2}\right]$,

г) $x^4-3x^2+2x-1=0$, $[1,\ 2]$.

14. а) $x^5-3x+1=0$, $[1;\ 2]$,

б) $\cos^4 x+3\cos x+1=0$, $[0;\ \pi]$.

15. Қуйидаги функциялар кўрсатилган кесмаларда чегараланган эканини исботланг.

а) $f(x)=\sin x\cdot\cos^2 x-\sqrt{x+1}$, $[0;\ 10]$,

б) $f(x)=\frac{\sqrt{x^2+3x+1}}{x-1}$, $[2;\ 7]$.

16. $f(x) = \sqrt{x^2 + 3x + 1}\cos^7 x$ функция $[0;\ 2\pi]$ кесмада чегараланганми?

Қуйидаги функцияларга тескари бўлган функцияларнинг мавжудлиги ва уларнинг монотон, узлуксиз эканлигини исботланг.

17. а) $y = -3x + 1$, б) $y = x^{2n+1}$, в) $y = x + \sin x$.

18. а) $y = x^2$, $[0;\ +\infty[$, да, б) $y = \cos 2x$, $\left[0,\ \frac{\pi}{2}\right]$ да.

3-§. Кўрсаткичли функция ва кўрсаткичли тенглама

1. $y = a^x$ $(a > 0,\ a \neq 1)$ — кўрсаткичли функция дейилади.

Кўрсаткичли функциянинг аниқланиш соҳаси $D(y) =]-\infty;\ +\infty[$ бўлиб, $a > 1$ да ўсувчи, $a < 1$ да камаювчи бўлади.

2. **Теорема.** *Агар $a > 0$ ва $a \neq 1$ бўлса, у ҳолда $a^{f(x)} = a^{g(x)}$ ва $f(x) = g(x)$ тенгламалар тенг кучли.*

Қуйидаги функцияларнинг ўсувчи ёки камаювчи эканлигини аниқланг. Графикларини чизинг.

19. а) $y = 2^x$, б) $y = \left(\frac{1}{3}\right)^x$, в) $y = \frac{1}{8} \cdot 4^{\frac{x}{2}}$.

20. а) $y = 2 \cdot 3^x$, б) $y = 3 \cdot 2^{-x}$.

Кўрсаткичли функциянинг хоссаларидан фойдаланиб, қуйидаги сонларни таққосланг (катта ёки кичиклигини аниқланг).

21. а) $(5{,}6)^{-5}$ ва $(5{,}6)^{-3}$, б) $2^{-6{,}2}$ ва $(0{,}25)^{4{,}3}$, в) $(0{,}45)^{-3}$ ва $(0{,}45)^{-1}$, г) $(2 + \sqrt{3})^{2{,}5}$ ва $\left(\sqrt{2 + \sqrt{3}}\right)^{2{,}7}$, д) $(2 - \sqrt{3})^{-3}$ ва $\left(\sqrt{2 - \sqrt{3}}\right)^2$.

22. а) $5^{1{,}41}$ ва $5^{1{,}42}$, б) $3^{\sqrt{3}}$ ва 3^2, в) $e^{1{,}2}$ ва $e^{-0{,}9}$, г) $(0{,}3)^2$ ва $(0{,}3)^{\sqrt{3}}$.

Қуйидаги тенгламаларни ечинг.

23. а) $3^{x^2-4} = 3^{3x-6}$, б) $5^x + 3 \cdot 5^{x-2} = 140$, в) $3 \cdot 4^{x+1} - 4^x = 44$, г) $7^{x+2} - 5 \cdot 7^x = 308$, д) $9^x - 4 \cdot 3^x + 3 = 0$, е) $4^{\sqrt{x-2}} + 16 = 17 \cdot 2^{\sqrt{x-2}}$.

24. а) $2 \cdot 3^{x+1} - 5 \cdot 3^{x-1} = 13$, б) $2^{3x} \cdot 3^x - 2^{3x-1} \times 3^{x+1} = -288$.

4-§. Логарифмик функция ва логарифмик тенглама

1. $y=\log_a x$ ($a>0$, $a\neq 1$) логарифмик функция дейилади. Логарифмик функциянинг аниқланиш соҳаси $D(y)=]0, +\infty[$ бўлиб, $a>1$ да ўсувчи, $a<1$ да камаювчи бўлади.

2. **Теорема.** *Агар* $a>0$, $a\neq 1$ *бўлса, у ҳолда* $\log_a f(x) = \log_a g(x)$ *тенглама ва* $\begin{cases} f(x)=g(x), \\ f(x)>0 \end{cases}$ *система тенг кучли.*

Теоремадаги $\begin{cases} f(x)=g(x), \\ f(x)>0 \end{cases}$ системанинг ўрнига $\begin{cases} f(x)=g(x), \\ g(x)>0 \end{cases}$ системани олиш ҳам мумкин.

Қуйидаги функцияларнинг ўсувчи ёки камаювчи эканлигини аниқланг. Графикларини чизинг.

25. а) $y=\ln x$, б) $y=\log_{\frac{1}{2}} x$, в) $y=\log_3 x$.

26. а) $y=\log_2 x$, б) $y=3\cdot\log_{\frac{1}{4}} x$.

Логарифмик функциянинг хоссаларидан фойдаланиб, қуйидаги сонларни таққосланг.

27. а) $\ln 3$ ва $\ln\sqrt{e+1}$, б) $\lg 101$ ва $\lg 103$, в) $\log_{\frac{1}{3}} 7$ ва $\log_{\frac{1}{3}} 6$.

28. а) $\log_3 e$ ва $\log_3 2{,}7$, б) $\log_{\frac{1}{4}} 8$ ва $\log_{\frac{1}{4}} 9$, в) $\log_{\sqrt{2}} 3$ ва $\log_{\sqrt{2}} 1{,}5$.

Қуйидаги тенгламаларни ечинг.

29. а) $\log_2(x^2-6x+1)=\log_2(13-5x)$, б) $\log_a(x-3)(x+4)=\log_a 18$ $(a>0)$, в) $4-\lg x=3\sqrt{\lg x}$, г) $\log_x 2+\log_2 x=2{,}5$.

30. а) $\log_3(x^2-7x+6)=\log_3(3-3x)$, б) $\lg\sqrt{x-5}+\lg\sqrt{2x-5}=\frac{1}{2}\lg 30$, в) $\log_5(x^2-11x+43)=2$.

5-§. Баъзи бир ажойиб лимитлар

$$\lim_{x\to 0}\frac{\ln(1+x)}{x}=1,\quad \lim_{x\to 0}\frac{a^x-1}{x}=\ln a,\quad \lim_{x\to 0}\frac{(1+x)^{\mu}-1}{x}=\mu$$

тенгликлар ёрдамида қуйидаги лимитларни топинг.

31. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\ln(1+kx)}{x}$.

32. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\ln(a+x)-\ln a}{x}$.

33. $\lim\limits_{x\to +\infty} x\ln\frac{x+a}{x}$.

34. $\lim\limits_{x\to e}\frac{\ln x-1}{x-e}$.

35. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{2x}-1}{3x}$.

36. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{-x}-1}{\sin x}$.

37. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{\sin 2x}-1}{2x}$.

38. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{x^2}-1}{1-\cos x}$.

39. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{10^{x^2}-1}{x^2+x^3}$.

40 $\lim\limits_{x\to 0}\frac{4^x-1}{\operatorname{tg} x}$.

41. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{ax}-e^{bx}}{x}$.

42. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{e^{\sin 2x}-e^{\sin x}}{x}$.

43. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt[n]{1+x}-1}{x}$.

44. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt[4]{1+\sin 3x}-1}{2x}$.

45. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt[3]{1+2x}-1}{\operatorname{tg} x}$.

46. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt[3]{1+x^2}-\sqrt{1-2x}}{3x}$.

47. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt[3]{1+x^2}-\sqrt[4]{1-2x}}{x+x^2}$.

48. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt[7]{1+\arcsin x}-1}{14x}$.

III бобга доир аралаш масалалар

49. $y=\frac{1}{\lg|x|}$ функция қайси нуқталарда узилишга эга?

50. $f(x)=\begin{cases}0, & \text{агар } x \text{ — иррационал бўлса,}\\ x, & \text{агар } x \text{ — рационал бўлса,}\end{cases}$ функция қайси нуқтада узлуксиз?

51. $D(x)=\begin{cases}1, & \text{агар } x \text{ — рационал бўлса,}\\ 0, & \text{агар } x \text{ — иррационал бўлса,}\end{cases}$ Дирихле функциясининг узлуксизлик нуқтаси борми?

52. $f(x)$ функция $[0;\ 1]$ кесмада узлуксиз ва фақат рационал қийматларга эга. Агар $f\left(\frac{1}{2}\right)=3$ бўлса, $f\left(\frac{\sqrt{2}}{2}\right)$ ни топинг.

53 Ҳар қандай тоқ даражали кўпҳад камида битта ҳақиқий илдизга эга эканини исботланг.

54. $x=a\sin x+b$ (бу ерда $a>0,\ b>0$) тенглама берилган. Бу тенгламанинг $a+b$ дан катта бўлмаган камида битта мусбат илдизи мавжуд эканини исботланг.

55. 54-масалада $0 < a < 1$, $b > 0$ бўлса, тенглама ягона ечимга эга эканини исботланг.

56. $[2, 3]$ кесмада узлуксиз ва қийматлар тўплами $f\,]2; 3] =]7; 10[$ бўладиган $f(x)$ функция мавжудми?

57. $[a, b]$ кесмада узлуксиз ва қийматлар тўплами $f[a, b] =]-\infty, +\infty[$ бўладиган $f(x)$ функция мавжудми?

IV БОБ. БИР АРГУМЕНТЛИ ФУНКЦИЯЛАР УЧУН ДИФФЕРЕНЦИАЛ ҲИСОБ

1-§. Ҳосила тушунчаси

1. Функция орттирмаси Δy нинг мос аргумент орттирмаси Δx га бўлган нисбатининг $\Delta x \to 0$ даги лимити функция ҳосиласи дейилади:

$$\lim_{\Delta x \to 0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = \lim_{\Delta x \to 0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x} = f'(x_0).$$

Агар бу лимит чекли бўлса, у ҳолда $y = f(x)$ дифференциалланувчи дейилади.

2. Функция ҳосиласини топиш коидаси.

$y = f(x)$ функция ҳосиласини топиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак:

1) $f(x)$ даги x ни $x + \Delta x$ га алмаштириб, функциянин $f(x + \Delta x) = y + \Delta y$ қийматини топамиз;

2) функциянинг кейинги қийматидан олдинги қийматини айириб, унинг Δy орттирмасини топамиз: $\Delta y = f(x + \Delta x) - f(x)$;

3) функция орттирмаси Δy ни Δx га бўламиз:

$$\frac{\Delta y}{\Delta x} = \frac{f(x + \Delta x) - f(x)}{\Delta x};$$

4) аргумент орттирмаси $\Delta x \to 0$ да $\frac{\Delta y}{\Delta x}$ нисбатнинг лимитини излаймиз: $\lim\limits_{\Delta x \to 0} \frac{y}{\Delta x}$.

3. Геометрик томондан $f'(x_0)$ ҳосила $y = f(x)$ эгри чизиқнинг $M_0(x_0, f(x_0))$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициентини ифодалайди: $f'(x_0) = \operatorname{tg} \alpha$.

4. Механик томондан $f'(x_0)$ ҳосила $y = f(x)$ ҳаракат қонунининг x_0 моментдаги ўзгариш тезлигини ифодалайди.

5. Бир томонлама ҳосилалар.

$$f'_{+}(x_0) = \lim_{\Delta x \to +0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x}, \quad f'_{-}(x_0) = \lim_{\Delta x \to -0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x}$$

лар мос ҳолда $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтада ўнг ва чап ҳосилалари дейилади.

Ҳосила мавжудлигининг зарурий ва етарли шарти $f'_+(x_0) = f'_-(x_0)$ дан иборат.

Функция ҳосиласини топиш амалига функцияни дифференциаллаш дейилади.

6. Дифференциаллашнинг асосий қоидалари.

Агар c — ўзгармас ва $u(x)$, $v(x)$ дифференциалланувчи функциялар бўлса, у ҳолда

1) $(c)' = 0.$
2) $(x)' = 1.$
3) $(cu)' = cu'.$
4) $(u \pm v)' = u' \pm v'.$
5) $(uv)' = u'v + uv'.$
6) $\left(\frac{u}{v}\right)' = \frac{u'v - uv'}{v^2}.$
6′) $\left(\frac{c}{v}\right)' = -\frac{cv'}{v^2}.$

7. Мураккаб функция ҳосиласи $y'_x = y'_u \cdot u'_x.$

8. Тескари функция ҳосиласи $y'_x = \frac{1}{x'_y}.$

9. Дифференциаллашнинг асосий формулалари.

1) $(u^\alpha)' = \alpha u^{\alpha-1} \cdot u'.$
2) $(a^u)' = a^u \ln a \cdot u'.$
2′) $(e^u)' = e^u \cdot u'.$
3) $(\log_a u)' = \frac{u'}{u \ln a}.$
3′) $(\ln u)' = \frac{u'}{u}.$
4) $(\sin u)' = \cos u \cdot u'.$
5) $(\cos u)' = -\sin u \cdot u'.$
6) $(\operatorname{tg} u)' = \frac{u'}{\cos^2 u}.$
7) $(\operatorname{ctg} u)' = -\frac{u'}{\sin^2 u}.$
8) $(\arcsin u)' = \frac{u'}{\sqrt{1 - u^2}}.$
9) $(\arccos u)' = -\frac{u'}{\sqrt{1-u^2}}.$
10) $(\operatorname{arctg} u)' = \frac{u'}{1 + u^2}.$
11) $(\operatorname{arcctg} u)' = -\frac{u'}{1 + u^2}.$
12) $(\operatorname{sh} u)' = \operatorname{ch} u \cdot u'.$
13) $(\operatorname{ch} u)' = \operatorname{sh} u \cdot u'.$
14) $(\operatorname{th} u)' = \frac{u'}{\operatorname{ch}^2 u},$
15) $(\operatorname{cth} u)' = \frac{u'}{\operatorname{sh}^2 u}.$
16) $(u^v)' = u^v \ln u \cdot v' + v u^{v-1} \cdot u'.$

1. $y = \sqrt{x}$ функция, $x = 0$ ва $\Delta x = 0{,}01$ берилган. Δy ва $\frac{\Delta y}{\Delta x}$ ни топинг.

2. $y = \frac{1}{x}$ функция, $x = 1$ ва $\Delta x = 0{,}01$ берилган. Δy ва $\frac{\Delta y}{\Delta x}$ ни топинг.

Ҳосила таърифидан фойдаланиб, қуйидаги $y=f(x)$ функциялар учун y' ҳосилани топинг.

3. $y=3x^2+4x$. **4.** $y=\frac{1}{x}$. **5.** $y=\sqrt{x}$. **6.** $y=x^3$.

7. $y=\frac{1}{x^2}$. **8.** $y=\frac{1}{\sqrt{x}}$.

9. $y=|\ln x|$ функция $x=1$ да ҳосилага эгами? Текширинг.

10. $y=|x|$ функциянинг $x=0$ да бир томонли ҳосилаларини топинг. Бу функция $x=0$ да ҳосилага эгами?

Дифференциаллашнинг қоида ва формулаларидан фойдаланиб, қуйидаги функцияларнинг ҳосилаларини топинг.

11. $y=ax^4-bx^3$.

12. $y=x^n+nx+n$.

13. $y=x^{\frac{4}{3}}+5$.

14. $y=\frac{2}{3}x^3-\frac{3}{2}x^2+4$.

15. $s=3t^{-4}-t$.

16. $y=\sqrt{3x}+\sqrt[3]{x}+\frac{1}{x}$.

17. $y=6x^{\frac{7}{2}}+4x^{\frac{5}{2}}+2x^{\frac{3}{2}}$.

18. $y=10^x+10^{0,1}$.

19. $y=\frac{2x^3}{\sqrt[5]{x^2}}-\frac{7x}{\sqrt[3]{x^4}}+$
$+8\sqrt[7]{x^3}$.

20. $y=(1+x^2)^{20}$.

21. $y=\frac{1}{\sin x}$.

22. $y=\ln\cos x$.

23. $y=\sin^2 x$.

24. $y=\sin x^2$.

25. $y=(2x^3+x^2-5)^3$.

26. $y=(2+x)^m\times$
$\times(3-x)^n$.

27. $y=x(x-1)(x+2)$.

28. $y=e^x(\sin x+\cos x)$.

29. $y=\ln(1+\sqrt{1-x})$.

30. $y=\ln\sqrt{\frac{1+x}{1-x}}$.

31. $y=\ln\sqrt{\frac{1+\sin x}{1-\sin x}}$.

32. $y=\frac{a^4+a^2x^2-4x^4}{\sqrt{a^2-x^2}}$.

33. $y=\frac{x}{\sin x}$.

34. $y=\frac{x}{\ln x}$.

35. $y=\frac{(x+1)^2}{(x+2)^3(x+3)^4}$.

36. $y=\frac{\sin x+\cos x}{\sin x-\cos x}$.

37. $y=\arcsin x^2$.

38. $y=\arcsin(\sin x)$.

39. $y = \arcsin\sqrt{1-x^2}$.

40. $y = (\arcsin x)^2$.

41. $y = a^x + x^a$.

42. $y = x^n e^{\sin x}$.

43. $y = \sqrt[3]{x\sqrt{x\sqrt{x}}}$.

44. $y = \sqrt[x]{x}$.

45. $y = x^x$.

46. $y = (\cos x)^{\sin 2x}$.

47. $y = x^{\arcsin x}$.

48. $y = \left(\frac{x}{a}\right)^{a}$.

49. $y = \operatorname{arctg}\frac{4\sin x}{3+5\cos x}$.

50. $y = \arcsin x \times \times (\sin x - \cos x)$.

51. $y = \operatorname{arctg}(\ln x) + \ln(\operatorname{arctg} x)$.

52. $y = \arcsin\frac{2x}{1+x^2}$.

53. $y = x(\sin(\ln x) - \cos(\ln x))$.

54. $y = \arccos(\cos^2 x)$.

55. $y = \frac{(2x-1)^3 \cdot \sqrt{3x+2}}{(5x+4)^2 \cdot \sqrt{1-x}}$

56. $y = \sqrt{\frac{(x-1)(x-2)}{(x-3)(x-4)}}$.

57. $y = (\ln x)^x + x^{\ln x}$.

58. $y = \ln(\ln^2(\ln^3 x))$

59. $y = e^x + e^{e^x} + e^{e^{e^x}}$.

60. $y = (4x^2-7)^{2+\sqrt{x^2-5}}$.

61. $\sin 2x = 2\sin x\cos x$ тенгликдан дифференциаллаш амалини қўллаб, $\cos 2x = \cos^2 x - \sin^2 x$ ни ҳосил қилинг.

62. $y = \sin^2 x + \cos^2 x$ функциянинг ҳосиласини топинг.

63. а) $y = x|x|$, б) $y = \ln|x|$ функцияларнинг ҳосилаларини топинг. Берилган $y = f(x)$ функцияларнинг графикларини ва $y' = f'(x)$ функцияларнинг графикларини чизинг.

64. а) $y = \sqrt[5]{x^3}$, б) $y = 3|x| + 1$ функциялар $x = 0$ нуқтада ҳосилага эга эмас.

Исботланг.

2-§. Ҳосиланинг татбиқи

1. Дифференциалланувчи $y = f(x)$ функция графигининг $M_0(x_0; y_0)$ $(y_0 = f(x_0))$ нуқтасида ўтказилган уринма тенгламаси

$$y - y_0 = f'(x_0)(x - x_0) \text{ кўринишга, } f'(x_0) \neq 0$$

да нормаль тенгламаси

$$y - y_0 = -\frac{1}{f'(x_0)}(x - x_0) \text{ кўринишга эга бўлади.}$$

2. $y = f_1(x)$ ва $y = f_2(x)$ функциялар графикларининг $M_0(x_0;$

кесишиш нуқтасида ўтказилган уринмалар орасидаги φ бурчак берилган икки эгри чизиқ орасидаги бурчакни ифодалайди ва

$$\operatorname{tg}\varphi = \frac{f_2'(x_0) - f_1'(x_0)}{1 + f_1'(x_0)\cdot f_2'(x_0)}$$

формула ёрдамида ҳисобланади.

3. Ҳаракат қонуни $s = f(t)$ бўлганда $v = s'(t_0)$, бу ҳаракатнинг t_0 моментдаги тезлигини ифодалайди.

4. Агар дифференциалланувчи функция $y = f(x)$ ошкормас кўринишда $F(x, y) = 0$ тенглама билан берилган бўлса, у ҳолда $F(x, y) = 0$ нинг чап томонини мураккаб функция деб қараб $\frac{d}{dx} F(x, y) = 0$ дан y' топилади.

65. $y = x^2 - 4$ параболанинг $x = 2$ нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициентини топинг.

66. $y = x^2 - 3x + 5$ параболанинг $M_0(2;\ 3)$ нуқтасида ўтказилган уринма ва нормаль тенгламаларини тузинг.

67. $y = 2x^3 - 6x^2 + 5$ эгри чизиқнинг $x = 1$ нуқтада ўтказилган уринманинг бурчак коэффициентини топинг ва уринма тенгламасини тузинг.

68. $y = x^2 + 2x - 1$ параболанинг $y = 2x^2$ парабола билан кесишган нуқтасида ўтказилган уринма ва нормаль тенгламаларини тузинг.

69. $y = 3x^2 - 1$ ва $y = 2x^2 + 3$ эгри чизиқларнинг кесишиш нуқтасида ўтказилган уринмалар оғмалигини аниқланг ва бу эгри чизиқлар орасидаги бурчакни топинг.

70. $y = x^2$ параболанинг қайси нуқтасида ўтказилган уринма: а) $y = 4x - 5$ тўғри чизиққа параллел; б) $2x - 6y + 5 = 0$ тўғри чизиққа перпендикуляр бўлади?

71. $y = x^2 - 5x + 6$ эгри чизиқнинг $M_0(5;\ 6)$ нуқтасида ўтказилган нормаль тенгламасини тузинг.

72. $y = x^2$ параболада $x_1 = 1$ ва $x_2 = 3$ нуқталар орқали кесувчи ўтказилган. Параболанинг қандай нуқтасида ўтказилган уринма кесувчига параллел бўлади?

73. $y = \sin x$ синусоида ва $y = \cos x$ косинусоидалар қандай бурчак остида кесишади?

74. $y = x^2$ ва $y^2 = x$ параболалар қандай бурчак остида кесишади?

75. Тўғри чизиқли ҳаракат $s = t^3 + 2t^2$ қонун билан берилган. $t = 2$ секунддаги ҳаракат тезлигини аникланг.

76. Ҳаракат қонуни $s = t\ln(1 + t)$ кўринишида берилган. $t = 2$ пайтдаги ҳаракат тезлигини аниқланг.

77. Снаряд 200 м/с бошланғич тезлик билан горизонтга нисбатан 45° бурчак остида отилади. Учинчи секунд охирида снаряд тезлигини аниқланг.

78. 8 г массали жисм $s = -1 + \ln(1+t) + (1+t)^3$ қонун бўйича тўғри чизиқли ҳаракат қилмоқда. Ҳаракат бошланишидан бир секунд кейин жисмнинг кинетик энергияси $\frac{mv^2}{2}$ ни топинг.

Қуйидаги ошкормас функцияларнинг ҳосилаларини топинг.

79. $x^3 + 3x^2 + 2y^2 = 0.$

80. $y^2 = 2px.$

81. $x^2 + 2xy - y^2 = 2x.$

82. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1.$

83. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}.$

84. $\ln x + e^{\frac{y}{x}} = c.$

85. $x^3 - 2x^2y^2 + 5x + y - 5 = 0,\ y'(1) = ?$

86. $x \sin y - \cos y + \cos 2y = 0.$

87. $\operatorname{arctg} y - y + x = 0.$

88. $e^x - e^y = y - x.$

89. $x + \sqrt{xy} + y = a.$

90. $e^x \sin y - e^{-y} \cos y = 0.$

91. $\operatorname{arctg} \frac{y}{x} = \ln \sqrt{x^2 + y^2}.$

92. $4x^3 - 3xy^2 + 6x^2 - 5xy - 8y^2 + 9x + 14 = 0$

эгри чизиқнинг $M_0(-2;\ 3)$ нуқтасида уринма ва нормаль тенгламаларини тузинг.

3- §. Юқори тартибли ҳосилалар

1. $y = f(x)$ функция ҳосиласи y' нинг ҳосиласи берилган $y = f(x)$ функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи дейилади ва орқали белгиланади.

Умуман, $y^{(n)} = f^{(n)}(x) = (f^{(n-1)}(x))'$; $(n = 2,\ 3,\ \ldots)$.

2. $s = f(t)$ ҳаракат қонунияти берилган бўлса, $\frac{d^2s}{dt^2}$ ҳаракатнинг тезланишини ифодалайди.

3. Агар $u(x)$ ва $v(x)$ n марта дифференциалланувчи функциялар бўлса, у ҳолда $(c_1u + c_2v)^{(n)} = c_1u^{(n)} + c_2v^{(n)}$ бўлиб, $(uv)^{(n)} = u^{(n)}v + nu^{(n-1)}v' + \frac{n(n-1)}{2!}u^{(n-2)}v'' + \ldots + uv^{(n)} = \sum_{k=0}^{n} C_n^k u^{(n-k)}v^{(k)}$ (Лейбниц формуласи) орқали ифодаланади. Бунда $u^{(0)} = u,\ v^{(0)} = v$; $C_n^k = \frac{n(n-1)(n-2)\ldots(n-k+1)}{k!} = \frac{n!}{k!(n-k)!}$

70. $\int\limits_0^1 \ln\left(x+\sqrt{1+x^2}\right)dx$ ни топинг.

71 Ушбу тенгсизликни исбот қилинг: $\int\limits_0^1 \frac{x}{\cos x}dx < \ln 2.$

72 $f(x) = \mathrm{tg}^2 x$ мусбат функция.

$$\int\limits_0^\pi \mathrm{tg}^2 x d x = \int\limits_0^\pi \left(\frac{1}{\cos^2 x} - 1\right)dx = [\mathrm{tg} x - x]\Big|_0^\pi = -\pi < 0.$$

Хатоликни ҳисобланг.

73. $f'(1)=8$, $f(2)+f''(2)=33$; $\int\limits_0^1 f(x)dx = \frac{7}{3}$ берилган. $f(x) = Ax^2 + Bx + C$ нинг A, B, C коэффициентларини аниқланг.

74. $f'(0)=4$, $\int\limits_0^{2\pi} f(x)dx = 3$, $f(x) = A\sin 2x + B$ нинг A ва B ларни аниқланг.

75. $\frac{9x-15}{19} < \int\limits_0^x \frac{dy}{(y+1)^2} - 1$ тенгсизликни ечинг.

76. $\int\limits_{-1}^{1} \sqrt{1-x^2}dx = \left\| \begin{matrix} x=\cos t \\ \pi \leqslant t \leqslant 2\pi \end{matrix} \right\| = \int\limits_\pi^{2\pi} \sqrt{1-\cos^2 t}(-$

$- \sin t)dt = - \int\limits_\pi^{2\pi} \sin^2 t dt = - \frac{\pi}{2}.$

$y = \sqrt{1-x^2} \geqslant 0$, $\int\limits_{-1}^{1} \sqrt{1-x^2}dx < 0$. Ҳисоблашдаги хатоликни аниқланг.

VII БОБ. АНИҚ ИНТЕГРАЛНИНГ ТАТБИҚЛАРИ

1-§. Текис (ясси) фигуралар юзларини ҳисоблаш

1. Декарт координаталар системасида юзларни ҳисоблаш.

а) $y = f(x)[f(x) \geqslant 0]$ эгри чизиқ, $x = a$ ва $x = b$ тўғри чизиқлар ҳамда Ox ўқининг $[a; b]$ кесмаси билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг юзи.

$$S = \int_a^b f(x)dx$$

формула орқали ҳисобланади.

б) $y = f(x)$ ва $y = g(x)$ $[f(x) \leqslant g(x),\ x \in [a;\ b]]$ эгри чизиқлар ҳамда $x = a$ ва $x = b$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзи

$$S = \int_a^b [g(x) - f(x)]\, dx$$

формула орқали ҳисобланади.

2. Параметрик кўринишда берилган эгри чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисоблаш.

Агар фигура $x = x(t)$, $y = y(t)$ $(0 \leqslant t \leqslant \mathrm{T})$ параметрик кўринишда берилган ёпиқ эгри чизиқ билан чегараланган бўлса, унинг юзи

$$S = -\int_0^T y(t)x'(t)dx \quad \text{ёки} \quad S = \int_0^T x(t)y'(t)dt$$

формулаларнинг бири билан ҳисобланади.

Бу икки формулани бирлаштириб

$$S = \frac{1}{2}\int_0^T [x(t)y'(t) - y(t)x'(t)]dt$$

ни ҳосил қиламиз.

3. Қутб координаталар системасида берилган узлуксиз эгри чизиқ $\rho = \rho(\theta)$ ва $\theta = \alpha$, $\theta = \beta$ $(\alpha < \beta)$ нурлар билан чегараланган фигуранинг юзи

$$S = \frac{1}{2}\int_\alpha^\beta \rho^2 d\theta$$

формула орқали ҳисобланади.

1. $y = x^2 + 1$ парабола, $y = 0$; $x = -1$ ва $x = 4$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

2. $y = \dfrac{1}{x}$ тенг ёнли гипербола, $x = 1$ ва $x = 3$ тўғри чизиқлар билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг юзини ҳисобланг.

3. $\dfrac{x^2}{a^2} + \dfrac{y^2}{b^2} = 1$ эллипс юзини ҳисобланг. Хусусий ҳолда R радиусли доиранинг юзини ҳисобланг.

4. $y = (x - 1)(x - 2)(x - 3)$ эгри чизиқ, $x = 0$ ва $y = 0$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

5. $y=x^2$ парабола ва $y=x$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

6. $y=-x^2$ парабола ва $x+y+2=0$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

7. $y=2x-x^2$ парабола $y=x$, $x=0$, $x=2$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

8. $y=-x^2$, $y=0$; $x=1$; $x=4$ чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

9. Абсцисса ўқи ва $y=\sin x$ синусоиданинг $[0; \pi]$ даги ёйи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

10. $y=\cos x$ косинусоиданинг $\left[-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2}\right]$ даги бўлаги ва $y=0$ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

11. $x^2=4y$ парабола ва $y=\frac{8}{x^2+4}$ Аньези зулфи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

12. $y=x^2$ ва $y^2=x$ параболалар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

13. $y^2=4x$ парабола ва $x^2+y^2=5$ айлана билан чегараланган фигура (кичик кисми) нинг юзини ҳисобланг.

14. $y^2=x+2$ ва $x=0$ чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

15. $x=a(t-\sin t)$, $y=a(1-\cos t)$ циклоиданинг бир аркаси ва абсцисса ўқи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

16. $y=x^2-2x+3$ парабола ва $y=3x-1$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

17. $x^{\frac{2}{3}}+y^{\frac{2}{3}}=a^{\frac{2}{3}}$ астроиданинг юзини ҳисобланг.

18. $x=2\cos t$, $y=2\sin t$ доира чорагининг юзини ҳисобланг.

19. $x^3+y^3=3axy$ Декарт япроғининг юзини ҳисобланг.

20. $x=a\cos t$, $y=b\sin t$ эллипснинг юзини топинг.

21. $\rho=a\varphi$ Архимед спиралининг бир ўрами ва қутб ўқи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

22. $y=\sin x$ ва $y=\cos x$ эгри чизиқлар ва абсцисса ўқи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

23. $\rho=2a(2+\cos\varphi)$ Паскаль чиғаноғи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

24. $\rho = a(1+\cos\varphi)$ кардиоида билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

25. $\rho^2 = a^2\cos 2\varphi$ Бернулли лемнискатасининг юзини ҳисобланг.

26. $y = e^x$, $y = e^{-x}$ эгри чизиқлар ва $x = 1$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

27. $\rho = e^{a\varphi}$ логарифмик спираль ва r_1 ва r_2 қутб радиуслари билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

28. $x^2 + y^2 + 6x - 2y + 8 = 0$ айлана ва $y = x^2 + 6x + 10$ парабола билан чегараланган ҳар бир фигуранинг юзини ҳисобланг.

2-§. Ёй узунлигини ҳисоблаш

1. Декарт тўғри бурчакли координаталарида ёй узунлиги. Агар $y = f(x)$ $[a; b]$ да силлиқ эгри чизиқ (яъни $f'(x)$ узлуксиз бўлган) бўлса, у ҳолда унинг ёйи узунлигини

$$L = \int_a^b \sqrt{1+y'^2}\,dx$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда a ва b ёй учларининг абсциссаларидир ($a < b$).

2. Параметрик кўринишда берилган эгри чизиқ ёйининг узунлиги. Агар эгри чизиқ $x = x(t)$, $y = y(t)$, $t_1 \leqslant t \leqslant t_2$ кўринишда берилган бўлиб, $x'(t)$, $y'(t)$ узлуксиз функциялар бўлса, у ҳолда эгри чизиқ ёйининг узунлиги

$$L = \int_{t_1}^{t_2} \sqrt{x'^2(t) + y'^2(t)}\,dt$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда t_1 ва t_2 лар t параметрнинг ёй учларига мос қийматларидир ($t_1 < t_2$).

3. Қутб координаталар системасида берилган силлиқ эгри чизиқ $\rho = \rho(\theta)$, $\alpha \leqslant \theta \leqslant \beta$ ёйининг узунлиги

$$L = \int_\alpha^\beta \sqrt{\rho^2 + \rho'^2}\,d\theta$$

орқали ҳисобланади. Бунда α ва β—қутб бурчаги θ нинг ёй учларидаги қийматлари ($\alpha < \beta$).

29. $y^2 = x^3$ параболанинг O (0; 0) дан A(1; 1) нуқтагача бўлган ёйи узунлигини топинг.

30. $y^2 = 4x$ параболанинг $x = 0$ дан $x = 1$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

31. $x^2 + y^2 = R^2$ айлана узунлигини топинг.

32. $y=\frac{x^2}{2}+1$ параболанинг Ox ўқи билан кесилган ёйининг узунлигини топинг.

33. $x^{\frac{2}{3}}+y^{\frac{2}{3}}=a^{\frac{2}{3}}$ астроиданинг узунлигини ҳисобланг.

34. $9y^2=4x^3$ эгри чизиқнинг $O(0;\ 0)$ дан $B(\sqrt{3};\ 2\sqrt{3})$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

35. $y=\ln x$ эгри чизиқнинг $(\sqrt{3};\ \ln\sqrt{3})$ нуқтадан $(\sqrt{8},\ \ln\sqrt{8})$ нуқтагача бўлган ёйи узунлигини топинг.

36. $y=\mathrm{ch}x$ занжир чизиқнинг $x=0$ дан $x=1$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

37. $y=\ln\sin x$ эгри чизиқнинг $x=\frac{\pi}{3}$ дан $x=\frac{\pi}{2}$ гача бўлган ёй узунлигини топинг.

38. $y=e^x$ эгри чизиқнинг $x=0$ дан $x=1$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

39. $\begin{cases} x=a(t-\sin t), \\ y=a(1-\cos t) \end{cases}$ циклоиданинг $t=0$ дан $t=2\pi$ гача бўлган ёйи узунлигини ҳисобланг.

40. $\begin{cases} x=a\cos^3 t, \\ y=a\sin^3 t \end{cases}$ астроиданинг узунлигини топинг.

41. $\begin{cases} x=a\cos t, \\ y=b\sin t \end{cases}$ эллипс узунлигини $y=\sqrt{a^2-b^2}\times$ $\times\sin\frac{x}{b}$ синусоиданинг бир тўлқин узунлигига тенглигини исбот қилинг.

42. $\begin{cases} x=r\cos t, \\ y=r\sin t \end{cases}$ айлана узунлигини ҳисобланг.

43. $\rho=a\varphi$ Архимед спирали бир ўрамининг узунлигини топинг.

44. $\rho=ae^{m\varphi}$ логарифмик спиралнинг $(\rho_0;\ \varphi_0)$ дан $(\rho_1;\ \varphi_1)$ гача ёйи узунлигини топинг.

45. $\rho=a(1+\cos\varphi)$, $a>0$, $0\leqslant\varphi\leqslant 2\pi$ кардиоида узунлигини ҳисобланг.

46. $\rho\varphi=1$ гиперболик спиралнинг $\varphi=\frac{3}{4}$ дан $\varphi=\frac{4}{3}$ гача бўлган ёйи узунлигини ҳисобланг.

47. $\theta=\sqrt{\rho}$ $(0\leqslant\rho\leqslant 5)$ нинг узунлигини ҳисобланг.

48. $\rho=R$ айлана узунлигини ҳисобланг.

3-§. Ҳажмларни ҳисоблаш

1. Маълум кўндаланг кесимлари бўйича жисм ҳажмини ҳисоблаш.

Агар жисмнинг Ox ўқига перпендикуляр текисликлар билан кесишмасида ҳосил бўлган кесим юзи $S(x)$ берилган бўлса, у ҳолда бу жисм ҳажми

$$V = \int_a^b S(x)\,dx$$

орқали ҳисобланади, бунда a ва b лар x нинг ўзгариш чегаралари бўлиб, $S(x)$ функция $[a;\ b]$ да аниқланган ва узлуксиз деб қаралади.

2. Тўғри бурчакли координаталар системасида айланма жисм ҳажми

а) Ox ўқи атрофида $a \leqslant x \leqslant b,\ 0 \leqslant y \leqslant f(x)$ текис фигурани айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_a^b f^2(x)\,dx$$

орқали ҳисобланади.

б) Oy ўқи атрофида $c \leqslant y \leqslant d,\ 0 \leqslant x \leqslant \varphi(y)$ текис фигурани айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_c^d \varphi^2(y)dy$$

орқали ҳисобланади.

в) Oy ўқи атрофида $a \leqslant x \leqslant b,\ 0 \leqslant y \leqslant y(x)$ ни айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = 2\pi \int_a^b xy(x)dx$$

орқали ҳисобланади.

3. Параметрик усулда берилган $x = x(t),\ y = y(t),\ \alpha < t < \beta$ эгри чизиқни Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_\alpha^\beta [y(t)]^2 x'(t)dt$$

орқали ҳисобланади.

4. Қутб координаталар системасида берилган $\rho = \rho(\theta)$ эгри чизиқ $\rho = \alpha,\ \rho = \beta$ радиус-векторлар билан чегараланган текис фигурани қутб ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_\alpha^\beta \rho^3 \sin^3 \theta d\theta$$

орқали ҳисобланади.

$0 < \alpha < \theta < \beta < \pi$ бўлганда $V = \frac{2\pi}{3} \int_\alpha^\beta \rho^3(\theta) \sin\theta\, d\theta$ бўлади.

49. $y^2=4x$ параболанинг $O(0;\ 0)$ ва $A(4;\ 4)$ нуқталари орасидаги ёйини Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган айланма параболоиднинг ҳажмини ҳисобланг.

50. $y^2=4ax$ парабола ва $x=$ тўғри чизиқдан ҳосил бўлган фигурани $y=-2a$ тўғри чизиқ атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

51. $y=x^2-4$ параболанинг Ox ўқи билан кесишганда ҳосил бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

52. $y=x^3$, $y=0$, $x=2$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини топинг.

53. R радиусли шарнинг ҳажмини ҳисобланг.

54. $y=x^3$, $y=0$, $x=2$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Oy ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини топинг.

55. $y=\frac{r}{h}x$ тўғри чизиқни $[0;\ h]$ да Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган конуснинг ҳажмини ҳисобланг.

56. $xy=4$, $x=1$, $x=4$, $y=1$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

57. $y=\frac{r_2-r_1}{h}x+r_1$ тўғри чизиқни $(r_2>r_1)$ $[0;\ h]$ да Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган кесик конуснинг ҳажмини ҳисобланг.

58. $x^2-y^2=4$, $y=-2$, $y=2$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

59. Шар сегментининг ҳажмини топинг.

60. $y=\sin x\ (0\leqslant x\leqslant\pi)$ синусоидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

61. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипсни Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган айланма эллипсоиднинг ҳажмини ҳисобланг.

62. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}+\frac{z^2}{c^2}=1$ эллипсоиднинг ҳажмини топинг.

63. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ гиперболани $(0\leqslant y\leqslant b)$ Oy ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

64. $y = x^2$ ва $y^2 = x$ параболалар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

65 $\begin{cases} x = a(t - \sin t), \\ y = a(1 - \cos t) \end{cases}$ циклоиданинг бир аркасининг Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

66. $\begin{cases} x = a\sin^3 t, \\ y = a\cos^3 t \end{cases}$ астроидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

67. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$ астроидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

68. $\rho = a\varphi$ Архимед спиралининг ярим айланасини ($a > 0$, $0 \leqslant \varphi \leqslant \pi$) қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

69. $y^2 = 2px$ параболанинг $\left|0; \frac{p}{2}\right|$ даги ёйини Oy ва Ox ўқлари атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисм ҳажмини топинг.

70. $\rho = e^{\varphi}(0 \leqslant \varphi \leqslant \pi)$ логарифмик спиралнинг қутб ўқи билан чегараланган ёйи ташкил қилган фигурани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисм ҳажмини топинг.

71. $y = \frac{a}{2}\left(e^{\frac{x}{a}} + e^{-\frac{x}{a}}\right)$ занжир чизиғи ва $x = -a$, $x = a$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисм ҳажмини топинг.

72. Шар секторининг ҳажмини топинг.

73. $x^2 + (y - b)^2 = r^2$, $(b > r)$ доирани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган тор ҳажмини ҳисобланг.

74. Шар қатлами (камари нинг ҳажмини топинг.

4-§. Айланма жисм сиртининг юзи

1. Тўғри бурчакли координаталар системасида $y=f(x)$ силлиқ эгри чизиқ ёйини ($a \leqslant x \leqslant b$) Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм сиртининг юзи

$$S=2\pi\int_{a}^{b} y\sqrt{1+y'^2}dx$$

орқали ҳисобланади.

2. Параметрик кўринишда берилган эгри чизиқ учун $\begin{cases} x=x(t), \\ y=y(t) \end{cases}$ ($t_1 < t \leqslant t_2$) сирт юзи $S=2\pi\int_{t_1}^{t_2} y(t)\sqrt{x'^2+y'^2}\,dt$ орқали ҳисобланади.

3. Қутб координаталар системасида силлиқ эгри чизиқ $\rho=\rho(\theta)$ ($\alpha < \theta \leqslant \beta$) берилган бўлса, уни қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисм сиртининг юзи

$$S=2\pi\int_{\alpha}^{\beta} \rho\sin\theta\sqrt{\rho^2+\rho^{12}}\,d\theta$$

формула орқали ҳисобланади.

75. $y=\sin x$ синусоиданинг $x=0$ дан $x=\frac{\pi}{2}$ гача бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини топинг.

76. $y=\operatorname{tg}x\ \left(0 \leqslant x \leqslant \frac{\pi}{4}\right)$ ни Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини топинг.

77. $y=2\operatorname{ch}\frac{x}{4}$ нинг $x=0$ дан $x=2$ гача бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

78. $y^2=2x$, $(0 \leqslant x \leqslant 2)$ параболани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

79. $y=x^3$ параболанинг $x=0$ дан $x=1$ гача бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

80. $x^2+y^2-2rx=0$ доирани Ox ўқи атрофида ($0 \leqslant x \leqslant h < 2r$) айлантиришдан ҳосил бўлган шар қисмининг юзини топинг.

81. R радиусли шар ($x^2+y^2+z^2=R^2$) сиртининг юзини ҳисобланг.

82. $\rho=a(1+\cos\Theta)$ кардиоидани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

83. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипсни Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

84. $\rho^2=a^2\cos 2\varphi$ лемнискатани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

85. $\begin{cases} x=a(t-\sin t), \\ y=a(1-\cos t) \end{cases}$ $(0\leqslant t\leqslant 2\pi)$ циклоиданинг бир аркасини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

86. Радиуси r, баландлиги h бўлган конуснинг сирт юзини ҳисобланг.

87. $\begin{cases} x=a\cos^3 t, \\ y=a\sin^3 t \end{cases}$ астроидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

88. $\rho=R$ айланани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сферик сирт юзини ҳисобланг.

89. $\begin{cases} x=r\cos t, \\ y=r\sin t \end{cases}$ айланани ўз диаметри атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган r радиусли сферик сирт юзини ҳисобланг.

90. Сферик камар сиртининг юзини ҳисобланг.

91. $x^2+(y-b)^2=a^2$ $(b>a)$ айланани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган тор сиртининг юзини ҳисобланг.

92. Сферик сегментнинг юзини ҳисобланг.

5-§. Ясси эгри чизиқ ва фигураларнинг оғирлик маркази. Гюльден теоремалари

1. Агар масса $y=f(x)$ эгри чизиқ ёйи бўйича текис тақсимланган (зичлик $\rho=1$) бўлса, у ҳолда $y=f(x)\geqslant 0$, $(a\leqslant x< b)$ эгри чизиқнинг Ox ва Oy ўқларга нисбатан статик моментлари мос ҳолда

$$M_x=\int_a^b y\,dl,\quad M_y=\int_a^b x\,dl$$

бўлади, бунда $dl=\sqrt{dx^2+dy^2}$.

Шу ёй оғирлик марказининг координаталари эса

$$\bar{x}=\frac{1}{L}\int_a^b x\,dl,\quad \bar{y}=\frac{1}{L}\int_a^b y\,dl$$

бўлади, бунда $dl=\sqrt{dx^2+dy^2}$ ва L— ёй узунлиги.

2. $y=f(x)$ силлиқ эгри чизиқ, $x=a$, $x=b$ тўғри чизиқлар ва Oy ўқи билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг Ox ва Oy ўқларига нисбатан статик моментлари мос ҳолда

$$M_x=\frac{1}{2}\int_a^b y^2dx,\quad M_y=\int_a^b xydx$$

бўлади. Шу фигура оғирлик марказининг координаталари эса

$$\bar{x}=\frac{1}{S}\int_a^b xds=\frac{1}{S}\int_a^b xydx,$$

$$\bar{y}=\frac{1}{2S}\int_a^b yds=\frac{1}{2S}\int_a^b y^2dx$$

бўлади, бунда S—жисм сиртининг юзи.

3. $y=f(x)\,(a\leqslant x\leqslant b)$ силлиқ эгри чизиқ ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзи шу ёй узунлиги билан унинг оғирлик маркази чизган айлана узунлигининг кўпайтмасига тенг (Гюльденнинг 1-теоремаси):

$$2\pi\bar{y}\cdot L=2\pi\int_a^b y\sqrt{1+y'^2}\,dx.$$

4. $y=f(x)$ эгри чизиқ, $x=a$, $x=b$ тўғри чизиқлар ва Ox ўқи билан чегараланган текис фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган фигуранинг ҳажми берилган фигура юзи билан унинг оғирлик маркази чизган айлана узунлигининг кўпайтмасига тенг (Гюльденнинг 2-теоремаси):

$$2\pi\bar{y}\cdot S=\pi\int_a^b f^2(x)dx.$$

93. $y=\cos x$ косинусоиданинг $\left(-\frac{\pi}{2}\leqslant x\leqslant\frac{\pi}{2}\right)$ Ox га нисбатан статик моментини топинг.

94. $y=\cos x\left(-\frac{\pi}{2}\leqslant x\leqslant\frac{\pi}{2}\right)$ косинусоида ва Ox ўқи билан чегараланган фигуранинг оғирлик марказини топинг.

95. $x^2+y^2=r^2\,(y\geqslant 0)$ ярим айлананинг оғирлик маркази координаталарини топинг.

96. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипснинг Ox ўқи устидаги ёйининг Ox ўққа нисбатан статик моментини аниқланг.

97. $x^2+y^2\leqslant r^2\,(y\geqslant 0)$ ярим доиранинг оғирлик марказини аниқланг.

98. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипс юзининг биринчи квадрантдаги бўлагининг оғирлик марказини топинг.

99. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипс ёйининг биринчи квадрантдаги бўлагининг оғирлик марказини топинг.

100. $x^{\frac{2}{3}}+y^{\frac{2}{3}}=a^{\frac{2}{3}}$ астроида ёйининг биринчи квадрантдаги қисмининг оғирлик марказини топинг.

101. $\begin{cases} x=a(t-\sin t), \\ y=a(1-\cos t) \end{cases}$ циклоида бир аркаси ва Ox ўқи билан чегараланган фигуранинг оғирлик марказини топинг.

102. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, $x^2+(y-b)^2=a^2$ $(a<b)$ доирани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган тор ҳажмини топинг.

103. $\rho=a(1+\cos\varphi)$ кардиоида ёйининг оғирлик марказини топинг.

104. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, r радиусли ярим айлананинг оғирлик марказини аниқланг.

105. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, шарнинг сирт юзини ҳисобланг.

106. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, доиравий конуснинг ҳажми ва ён сиртини топинг.

6-§. Чегараланмаган кесмада аниқланган функциянинг хосмас интеграли

1. $f(x)$ функция x нинг барча $x \geqslant a$ қийматларида аниқланган ва $[a; n]$ да интегралланувчи бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{n\to+\infty}\int_a^n f(x)dx$ лимит $f(x)$ функциянинг a дан $+\infty$ гача олинган хосмас интеграли дейилади ва $\int_a^{+\infty} f(x)dx$ орқали белгиланади. Шунга ўхшаш

$$\lim_{n\to-\infty}\int_n^b f(x)dx=\int_{-\infty}^b f(x)dx,$$

$$\lim_{\alpha\to-\infty}\int_\alpha^c f(x)dx+\lim_{\beta\to-\infty}\int_c^\beta f(x)dx=\int_{-\infty}^{+\infty} f(x)dx.$$

Агар кўрсатилган лимитлар мавжуд ва чекли бўлса, хосмас интеграллар яқинлашувчи, акс ҳолда узоқлашувчи дейилади.

2. Солиштириш аломати

$f(x)$ ва $g(x)$ функциялар $x \geqslant a$ да аниқланган ва $[a; n]$ да интегралланувчи. Агар $\forall x \geqslant a$ учун $0 < f(x) \leqslant g(x)$ бўлса, $\int\limits_a^{+\infty} g(x)dx$ нинг яқинлашишидан $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ нинг ҳам яқинлашиши келиб чиқади ва $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx \leqslant \int\limits_a^{+\infty} g(x)dx$, $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ нинг узоқлашишидан $\int\limits_a^{+\infty} g(x)dx$ нинг ҳам узоқлашувчи бўлиши келиб чиқади.

3. Абсолют яқинлашиш аломати

$f(x)$ функция $\forall x \geqslant a$ учун аниқланган. Агар $\int\limits_a^{+\infty} |f(x)|\,dx$ яқинлашувчи бўлса, $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ ҳам яқинлашувчи бўлади ва у абсолют яқинлашувчи дейилади. Агар $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ яқинлашувчи, $\int\limits_a^{+\infty} |f(x)|\,dx$ узоқлашувчи бўлса, у ҳолда $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ шартли яқинлашувчи дейилади.

Хосмас интегралларни ҳисобланг:

107. $\int\limits_2^{+\infty} \frac{xdx}{\sqrt{(x^2-3)^3}}$.

108. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{xdx}{1+x^2}$.

109. $\int\limits_0^{+\infty} \sin xdx$.

110. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x^2}$.

111. $\int\limits_a^{+\infty} \frac{dx}{1+x^2}$.

112. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{\sqrt{x}}$.

113. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x+x^3}$.

114. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x^{\frac{3}{2}}}$.

Қуйидаги интегралларнинг яқинлашишини текширинг.

115. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x^p}$.

116. $\int\limits_0^{+\infty} e^{-px}dx$.

Солиштириш аломатидан фойдаланиб, яқинлашишни текширинг.

117. $\int\limits_{1}^{+\infty} \frac{dx}{1+x^8}$. **118.** $\int\limits_{0}^{+\infty} e^{-x^2} dx$.

Хосмас интегралларни текширинг.

119. $\int\limits_{1}^{+\infty} \frac{\operatorname{arctg} x}{x^2} dx$. **120.** $\int\limits_{0}^{+\infty} \frac{x dx}{(1+x)^3}$.

121. $\int\limits_{1}^{+\infty} \frac{\sin x}{x^2} dx$. **122.** $\int\limits_{0}^{+\infty} \frac{dx}{1+x^4}$.

7-§. Чегараланмаган функцияларнинг хосмас интеграллари

1. $f(x)$ функция $[a;\ b[$ да аниқланган ва $[a;\ b-\varepsilon](\varepsilon > 0)$ да интегралланувчи, лекин $]b-\varepsilon,\ b\ [$ да чегараланмаган бўлса, у ҳолда

$$\int\limits_{a}^{b} f(x)dx = \lim_{\varepsilon \to 0+} \int\limits_{a}^{b-\varepsilon} f(x)dx$$

деб олинади. Агар бу лимит мавжуд ва чекли бўлса, хосмас интеграл яқинлашувчи, акс ҳолда узоқлашувчи дейилади. Шунга ўхшаш

$$\int\limits_{a}^{b} f(x)dx = \lim_{\varepsilon \to 0+} \int\limits_{a+\varepsilon}^{b} f(x)dx$$

ва

$$\int\limits_{a}^{b} f(x)dx = \lim_{\varepsilon \to 0+} \int\limits_{a}^{c-\varepsilon} f(x)dx + \lim_{\delta \to 0+} \int\limits_{c+\delta}^{b} f(x)dx$$

таърифланади, охиргида c нуқта атрофида $f(x)$ функция чегараланмаган.

2. Агар $[a;\ b]$ да $f(x) > 0$, $\alpha < 1$ ва $\lim\limits_{x \to b-0} f(x)(b-x)^{\alpha} < \infty$ бўлса, $\int\limits_{a}^{b} f(x)dx$ яқинлашувчи, $f(x) > 0$, $\alpha \geqslant 1$ ва $\lim\limits_{x \to b-0} f(x)(b-x)^{\alpha} > 0$ бўлса, $\int\limits_{a}^{b} f(x)dx$ узоқлашувчи бўлади.

3. Агар $f(x)$ ва $\varphi(x)$ функциялар $[a;\ c]$ нинг c нуқтасида узилишга эга ва $\varphi(x) \geqslant f(x) \geqslant 0$ бўлса, у ҳолда $\int\limits_{a}^{c} \varphi(x)dx$ нинг яқинла-

шувчи бўлишидан $\int_a^c f(x)dx$ нинг ҳам яқинлашувчи экани келиб чиқади.

Чегараланмаган функциялар хосмас интегралларини текширинг.

123. $\int_0^1 \frac{dx}{x}$.

124. $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x}}$.

125. $\int_{-1}^1 \frac{dx}{\sqrt[3]{x}}$.

126. $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{1-x^2}}$.

127. $\int_0^{\pi/2} \frac{dx}{\sin x}$.

128. $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{1-x}}$.

129. $\int_{-1}^0 \frac{e^{\frac{1}{x}}}{x^3}\,dx$.

130. $\int_{-1}^1 \frac{dx}{x^2}$.

131. $\int_1^e \frac{dx}{x\sqrt{\ln x}}$.

132. $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x}+4x^3}$.

VII бобга доир аралаш масалалар

133. $y=\ln(x+\sqrt{1+x})$, $x=3$, $x=8$, $y=0$ чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

134. $\rho=a\sin k\varphi(k=3,\ k=4)$ тенглама билан аниқланган „атиргул“ эгри чизиғининг бир япроғининг юзини топинг.

135. $x^2+y^2=ax$ цилиндрнинг $x^2+y^2+z^2=a^2$ сфера ичидаги сирт юзини топинг.

136. $x^2+y^2=a^2$, $x^2+z^2=a^2$ цилиндрларнинг кесишмасида ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини топинг.

137. Баландлиги h, асоси эса ярим ўқлари a ва b бўлган эллипсдан иборат, эллиптик тўғри конуснинг ҳажмини топинг.

138. R радиусли шарнинг ҳажмини топинг (айланма жисм деб қаралмасин).

139. Асоси ва баландлиги мос ҳолда сферик сегментнинг асос ва баландлигига тенг бўлган цилиндрнинг ён сирти сферик сегментнинг сирт юзига тенглигини исбот қилинг.

140. $y=2x-x^2$ парабола, $y=2^x$ эгри чизиқ ва $x=0$, $x=2$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини топинг.

141. $\rho=a(1+\cos\theta)$ кардиоидани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

142. $f(x)=\frac{3x^2-1}{x^3-x+2}$, $g(x)=\frac{3x^2+1}{x^3+x+2}$ эгри чизиқлар, $x=2$ ва $x=3$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

143. $A(0;\ 4)$, $B(1;\ 9)$, $C(3;\ 7)$ нуқталар орқали $y=ax^2+bx+c$ парабола ўтган. A нуқтадан ўтган тўғри чизиқ тенгламаси топилиши керак, бу тўғри чизиқ ва парабола ташкил қилган фигуранинг юзи 9 га тенг.

144. $y=x^n(0\leqslant x\leqslant 1)$ функция графигининг белгили нуқтаси орқали абсцисса ўқига параллел ўтказилган.

Қандай нуқта учун $y=x^n$ нинг графигига ўтказилган тўғри чизиқ ва $x=0$, $x=1$ тўғри чизиқлар ҳосил қилган иккита эгри чизиқли учбурчаклар юзларининг йиғиндиси энг кичик бўлади?

145. Дифференциалланувчи ва қатъий ўсувчи $y=f(x)$ функция графигининг $t\in\,]a;\ b[$ нуқтаси орқали Ox ўқига параллел гўри чизиқ ўтказилган. $y=f(x)$ нинг графиги, ўтказилган тўғри чизиқ, $x=a$, $x=b$ тўғри чизиқлар ҳосил қиладиган иккита эгри чизиқли учбурчаклар юзларининг йиғиндиси t нинг қандай қийматида энг кичик бўлади?

VIII БОБ. СОНЛИ ҚАТОРЛАР

1-§. Асосий тушунчалар

Агар u_1, u_2, u_3, . . . , u_n, ... — сонлар кетма-кетлиги бўлса, у ҳолда

$$u_1+u_2+u_3+\ \ldots\ +u_n+\ \ldots \qquad (1)$$

сонли қатор дейилади. u_1, u_2, ... , u_n, ...— қатор ҳадлари, u_n — қаторнинг умумий ҳади дейилади. Кўп ҳолларда (1) қисқача $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n$ орқали белгиланади.

1. Қаторнинг биринчи n та ҳади йигиндиси унинг хусусий йиғиндиси дейилади:

$$S_n = u_1 + u_2 + \dots + u_n.$$

Агар $\lim\limits_{n\to\infty} S_n = S$ чекли бўлса, (1) қатор яқинлашувчи қатор дейилади ва S (1) қаторнинг йиғиндиси дейилади. Агар $\lim\limits_{n\to\infty} S_n$ чексиз бўлса ёки мавжуд бўлмаса, у ҳолда (1) қатор узоқлашувчи қатор дейилади.

$$2.\ u_{n+1} + u_{n+2} + \dots + u_{n+k} + \dots \tag{2}$$

кўринишдаги қатор (1) нинг n-ҳаддан кейинги қолдиғи дейилади ва қисқача $r_n = \sum\limits_{k=n+1}^{\infty} u_k$ орқали белгиланади.

Бунда:

а) Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (2) қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва аксинча;

б) Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $au_1 + au_2 + \dots + au_n + \dots$ қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва йиғиндиси aS га тенг бўлади;

в) Агар $S = u_1 + u_2 + \dots + u_n + \dots$ ва $\sigma = v_1 + v_2 + \dots + v_n + \dots$ қаторлар яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $(u_1 + v_1) + (u_2 + v_2) + \dots + (u_n + v_n) + \dots$ қатор яқинлашувчи бўлади ва йиғиндиси $S + \sigma$ га тенг бўлади;

г) Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{n\to\infty} u_n = 0$ бўлади (қатор яқинлашишининг зарурий шарти).

Агар $\lim\limits_{n\to\infty} u_n \neq 0$ бўлса, у ҳолда қатор узоқлашувчи бўлади.

Қаторнинг умумий ҳади a_n берилган. Унинг биринчи учта ҳадини ёзинг.

1. $a_n = \dfrac{3^n}{n!}$.
2. $a_n = \dfrac{n}{2^n(n+1)}$.

3. $a_n = \dfrac{(2n-1)!!}{(2n)!!}$
4. $a_n = \dfrac{2n-1}{4n^2+1}$.

Қаторнинг биринчи бир неча ҳадига кўра унинг умумий ҳадини ёзинг.

5. $\dfrac{1}{3} + \dfrac{1}{6} + \dfrac{1}{11} + \dfrac{1}{20} + \dots$

6. $1 + \dfrac{4}{2} + \dfrac{9}{6} + \dfrac{16}{24} + \dfrac{25}{120} + \dots$

7. $\dfrac{1}{1 \cdot 3} + \dfrac{1}{3 \cdot 5} + \dfrac{1}{5 \cdot 7} + \dots$

8. $\dfrac{1}{2} + \dfrac{2}{5} + \dfrac{3}{8} + \dfrac{4}{11} + \dots$

Қаторларнинг йиғиндиларини **топинг.**

9. $1+\frac{1}{3}+\frac{1}{9}+\frac{1}{27}+\frac{1}{81}+\ldots$

10. $1-\frac{1}{3}+\frac{1}{9}-\frac{1}{27}+\frac{1}{81}-\ldots$

11. $\frac{1}{1\cdot 2}+\frac{1}{2\cdot 3}+\frac{1}{3\cdot 4}+\ldots$

12. $\frac{1}{1\cdot 3}+\frac{1}{3\cdot 5}+\frac{1}{5\cdot 7}+\ldots$

13. $\frac{3}{1\cdot 4}+\frac{5}{4\cdot 9}+\frac{7}{9\cdot 16}+\ldots$

14. $\frac{1}{1\cdot 2\cdot 3}+\frac{1}{2\cdot 3\cdot 4}+\frac{1}{3\cdot 4\cdot 5}+\ldots$

Қатор яқинлашишининг зарурий шартидан фойдаланиб, қуйидаги қаторларнинг узоқлашишини кўрсатинг.

15. $0{,}6+0{,}51+0{,}501+0{,}5001+\ldots$

16. $\frac{1}{2}+\frac{2}{5}+\frac{3}{8}+\frac{4}{11}+\ldots$

17. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{n+1}{2n+4}$. 18. $\sum_{n=1}^{\infty}\cos\frac{1}{2n}$.

19. $\sum_{n=1}^{\infty}\left(1+\frac{1}{n}\right)^n$. 20. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{\left(1-\frac{1}{n}\right)^n}$.

2- §. Мусбат ҳадли қаторлар

$a_1+a_2+\ldots+a_n+\ldots$ (1), $b_1+b_2+\ldots+b_n+\ldots$ (2)

мусбат ҳадли қаторлар берилган бўлсин, яъни $a_n \geqslant 0$, $b_n \geqslant 0$. $\forall n \in N$.

1) Солиштириш аломати. Агар $\forall n \in N$ учун $a_n \leqslant b$ ўринли бўлиб, (2) қатор яқинлашувчи бўлса, (1) қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва (1) қатор узоқлашувчи бўлганда (2) қатор ҳам узоқлашувчи бўлади.

Бу аломат n нинг бирор $n_0 \in N$ қийматидан бошлаб барча $n > n_0$ учун $a_n \leqslant b_n$ бўлганда ҳам ўринлидир.

2) 2-солиштириш аломати. Агар чекли $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{a_n}{b_n}=K\neq 0$ мавжуд бўлса, у ҳолда (1) ва (2) қаторлар бир вақтда ё яқинлашувчи, ё узоқлашувчи бўлади.

3) **Коши аломати.** Агар (1) учун $\lim\limits_{n\to\infty} \sqrt[n]{a_n} = l$ мавжуд бўлиб, $l < 1$ бўлса, у ҳолда (1) қатор яқинлашувчи, $l > 1$ да эса узоқлашувчи бўлади.

4) **Даламбер аломати.** Агар (1) учун $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{a_{n+1}}{a_n} = l$ мавжуд бўлиб, $l < 1$ бўлса, қатор яқинлашувчи, $l > 1$ да узоқлашувчи бўлади.

5) **Коши интеграл аломати.** Агар $f(x)$ функция $[1; +\infty]$ да узлуксиз, камаювчи, мусбат бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} f(n)$ қатор ва $\int\limits_1^{+\infty} f(x)dx$ хосмас интеграл бир вақтда ё яқинлашувчи, ё узоқлашувчи бўлади.

6) **Раабе аломати.** Агар (1) қатор учун $\lim\limits_{n\to\infty} n\left(\frac{a_n}{a_{n+1}} - 1\right) = l$ бўлиб, $l > 1$ бўлса, қатор яқинлашувчи, $l < 1$ да узоқлашувчи бўлади.

7) **Гаусс аломати.** Агар (1) қатор учун $\frac{a_{n+1}}{a_n} = \frac{n^m + b_1 n^{m-1} + \ldots + b_m}{n^m + c_1 n^{m-1} + \ldots + c_m}$ бўлиб, $c_1 - b_1 > 1$ бўлса, қатор яқинлашувчи, $c_1 - b_1 \leqslant 1$ бўлганда узоқлашувчи бўлади.

Солиштириш аломатидан фойдаланиб, қаторларнинг яқинлашиши ёки узоқлашишини кўрсатинг.

21. $\frac{1}{3} + \frac{1}{5} + \frac{1}{9} + \ldots + \frac{1}{2^n + 1} + \ldots$

22. $\frac{1}{\ln 2} + \frac{1}{\ln 3} + \frac{1}{\ln 4} + \ldots + \frac{1}{\ln(n+1)} + \ldots$

23. $1 + \frac{1}{2^p} + \ldots + \frac{1}{n^p} + \ldots \ (p < 1).$

24. $\frac{3}{1 \cdot 4} + \frac{5}{4 \cdot 9} + \frac{7}{9 \cdot 16} + \ldots + \frac{2n+1}{n^2(n+1)^2} + \ldots$

25. $\sin^2\alpha + \frac{\sin^2 2\alpha}{8} + \ldots + \frac{\sin^2 n\alpha}{n^3} + \ldots$

26. $1 + \frac{1}{2 \cdot 5} + \frac{1}{3 \cdot 5^2} + \ldots + \frac{1}{n \cdot 5^{n-1}} + \ldots.$

Коши аломатидан фойдаланиб, қаторларни текширинг.

27. $\frac{1}{3} + \left(\frac{2}{5}\right)^2 + \left(\frac{3}{7}\right)^3 + \ldots + \left(\frac{n}{2n+1}\right)^n + \ldots$

28. $1+\frac{1}{2^2}+\frac{1}{3^3}+\ldots+\frac{1}{n^n}+\ldots$

29. $\sin\frac{1}{2}+4\cdot\sin^2\frac{1}{4}+27\cdot\sin^3\frac{1}{6}+\ldots+n^n\sin^n\frac{2}{2n}+\ldots$

30. $\arcsin 1+\arcsin^2\frac{1}{2}+\arcsin^3\frac{1}{3}+\ldots+$

$+\arcsin^n\frac{1}{n}+\ldots$

Даламбер аломатидан фойдаланиб, қаторларни текширинг.

31. $1+\frac{1}{2^2}+\frac{1}{3^2}+\ldots+\frac{1}{n^2}+\ldots$

32. $\frac{10}{1!}+\frac{10^2}{2!}+\frac{10^3}{3!}+\ldots+\frac{10^n}{n!}+\ldots$

33. $\frac{1}{2}+\frac{\sqrt{2}}{2^2}+\ldots+\frac{\sqrt{n}}{2^n}+\ldots$

34. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(2n-1)!!}{(2n)!!}\cdot\frac{1}{n}.$

Коши интеграл аломатидан фойдаланиб, қаторларни текширинг.

35. $\frac{1}{2\ln 2}+\frac{1}{3\ln 3}+\ldots+\frac{1}{(n+1)\ln(n+1)}+\ldots$

36. $1+\frac{1}{2^2}+\frac{1}{3^2}+\ldots+\frac{1}{n^2}+\ldots$

37. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n^p}.$

38. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n}.$

39. $\frac{\ln 2}{4}+\frac{\ln 3}{9}+\ldots+\frac{\ln(n+1)}{(n+1)^2}+\ldots$

40. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n\ln n\ln\ln n}.$

3- §. Ихтиёрий ҳадли қаторлар

1. Ҳар қандай икки қўшни ҳади қарама-қарши ишорали қийматларга эга бўлган қатор ишора алмашинувчи дейилади. Ишора алмашинувчи қатор

$$a_1-a_2+a_3-\ldots+(-1)^{n-1}a_n+\ldots;\quad (1)\quad (a_n>0,\ n\in N)$$

каби ифодаланади.

Лейбниц аломати. Агар (1)да $\forall n \in N$ учун $a_n \geqslant a_{n+1}$ (2) тенгсизлик ўрин бўлиб, $\lim a_n = 0$ (3) бўлса, у ҳолда (1) қатор яқинлашувчи бўлади. Агар $r_n = S - S_n$ бўлса, у ҳолда $|r_n| < a_{n+1}$ бўлади, яъни қатор йиғиндиси S ни унинг хусусий йиғиндиси S_n билан алмаштирганда хато биринчи ташланган ҳад a_{n+1} нинг модулидан катта бўлмайди.

2. Ихтиёрий ишорали ҳадларга эга қатор

$$a_1 + a_2 + a_3 + \ldots + a_n + \ldots \tag{4}$$

берилган ва

$$|a_1| + |a_2| + |a_3| + \ldots + |a_n| + \ldots \tag{5}$$

модуллардан тузилган қатор бўлсин.

Агар (5) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (4) қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва (4) қатор абсолют яқинлашувчи дейилади.

Агар (4) қатор яқинлашувчи, (5) қатор эса узоқлашувчи бўлса, у ҳолда (4) қатор шартли яқинлашувчи дейилади.

3. Агар (4) қатор абсолют яқинлашувчи бўлса, унинг ҳадлари ўрнини алмаштирганда яна абсолют яқинлашувчи қатор ҳосил бўлади ва йиғиндиси ўзгармайди.

Агар (4) қатор шартли яқинлашувчи бўлса, ҳар қандай B сон учун қатор ҳадларининг ўрнини тегишлича алмаштирганда, унинг йиғиндиси худди B сондан иборат бўлади. (Риман теоремаси.)

4.

$$a_1 + a_2 + \ldots + a_n + \ldots = A \tag{4'}$$

ва

$$b_1 + b_2 + \ldots + b_n + \ldots = B \tag{6}$$

қаторлар учун

$$a_1b_1 + (a_1b_2 + a_2b_1) + (a_1b_3 + a_2b_2 + a_3b_1) + \ldots + (a_1b_n + \ldots + a_nb_1) + \ldots \tag{7}$$

қатор (4) ва (6) нинг кўпайтмаси дейилади.

(4) ва (6) абсолют яқинлашувчи бўлганда, (7) ҳам яқинлашувчи бўлади ва (7) нинг йиғиндиси $C = A \cdot B$ бўлади.

Ишора алмашинувчи қаторларнинг абсолют, шартли яқинлашишини ёки узоқлашишини текширинг.

41. $1 - \frac{1}{2\sqrt[3]{2}} + \frac{1}{3\sqrt[3]{3}} - \ldots$

42. $1 - \frac{1}{3} + \frac{1}{9} - \frac{1}{27} + \ldots$

43. $\frac{1}{10} - \frac{1}{20} + \frac{1}{30} - \ldots$

44. $\frac{1}{\ln 2} - \frac{1}{\ln 3} + \frac{1}{\ln 4} - \ldots$

45. $\sum_{n=1}^{\infty} \frac{\cos n\alpha}{2^n}$.

46. $\sum_{n=1}^{\infty} \sin\frac{n\pi}{3}$.

47. $\sum\limits_{n=2}^{\infty}(-1)^{n-1}\frac{\ln n}{n}$.

48. $\sum\limits_{n=2}^{\infty}\frac{(-1)^n}{\ln n}$.

49. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n+1}}{2^n}$.

50. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n+1}}{n^p}$.

Лейбниц аломатидан фойдаланиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб, қаторларнинг яқинлашишини текширинг.

51. $1-\frac{1}{3}+\frac{1}{2}-\frac{1}{3^3}+\frac{1}{2^2}-\frac{1}{3^5}+\ldots$

52. $1-\frac{1}{3}+\frac{1}{3}-\frac{1}{3^2}+\frac{1}{5}-\frac{1}{3^3}+\ldots$

53. $1-\frac{1}{2^3}+\frac{1}{3^4}-\frac{1}{4^3}+\frac{1}{5^4}-\ldots+\frac{1}{(2n-1)^4}-\frac{1}{(2n)^3}+\ldots$

54. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}(-1)^{n-1}\left(1+\frac{1}{n}\right)^n$.

Қатор йиғиндисини 0,01 аниқлик билан топинг.

55. $1-\frac{1}{2^4}+\frac{1}{3^4}-\frac{1}{4^4}+\ldots$

56. $-\frac{1}{2}+\frac{1}{9}-\frac{1}{28}+\frac{1}{65}-\frac{1}{126}+\ldots$

57. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n-1}}{3^n}$.

58. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n-1}}{n^2}$.

$1-\frac{1}{2}+\frac{1}{3}-\frac{1}{4}+\ldots=\ln 2$ қатор ҳадлари ўринларини алмаштиришдан ҳосил бўлган қуйидаги қаторлар йиғиндиларини аниқланг.

59. $1-\frac{1}{2}-\frac{1}{4}+\frac{1}{3}-\frac{1}{6}-\frac{1}{8}+\frac{1}{5}-\ldots$

60. $1-\frac{1}{2}-\frac{1}{4}-\frac{1}{6}+\frac{1}{3}-\frac{1}{8}-\frac{1}{10}-\frac{1}{12}+\ldots$,

VIII бобга доир аралаш масалалар

61. $\frac{1}{\sqrt{2}-1}-\frac{1}{\sqrt{2}+1}+\frac{1}{\sqrt{3}-1}-\ldots+\frac{1}{\sqrt{n}-1}-\frac{1}{\sqrt{n}+1}+$ $+\ldots$ ни текширинг.

62. Яқинлашувчи $1-\frac{1}{\sqrt{2}}+\frac{1}{3}-\frac{1}{\sqrt{4}}+\ldots$ қатор ҳадларининг ўрнини шундай алмаштирингки, узоқлашувчи қатор ҳосил бўлсин.

63. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n!}$ ва $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^n}{n!}$ қаторларнинг кўпайтмаси 1 га тенг бўлишини кўрсатинг.

64. $\left(\sum_{n=0}^{\infty}\frac{1}{n!}\right)^2=\sum_{n=0}^{\infty}\frac{2^n}{n!}$ эканлигини кўрсатинг.

65. $1-\frac{1}{\sqrt[3]{2}}+\frac{1}{\sqrt[3]{3}}-\frac{1}{\sqrt[3]{4}}+\ldots$ — шартли яқинлашувчи қаторнинг квадрати яқинлашувчи бўладими?

66. Агар $\sum_{n=1}^{\infty}a_n^2$ ва $\sum_{n=1}^{\infty}b_n^2$ қаторлар яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $\sum_{n=1}^{\infty}a_nb_n$ абсолют яқинлашувчи бўлишини исботланг.

67. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n}$ ва $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{2n}$ қаторларнинг айирмаси яқинлашувчими?

68. Йиғиндиси яқинлашувчи, айирмаси эса узоқлашувчи бўлган иккита қатор топинг.

69. Бири яқинлашувчи, иккинчиси узоқлашувчи бўлган икки қаторнинг йиғиндиси қандай қатор бўлади? Ҳар иккаласи узоқлашувчи бўлганда-чи?

70. $1-\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{8}{2}\right)^n$ ва $1+\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{3}{2}\right)^{n-1}\left(2^n+\frac{1}{2^{n+1}}\right)$ узоқлашувчи қаторлардир. *Уларнинг* кўпайтмаси абсолют яқинлашувчи бўлишини кўрсатинг.

IX БОБ. ФУНКЦИОНАЛ ҚАТОРЛАР

1-§. Функционал қаторнинг яқинлашиш соҳаси. Текис яқинлашиш

1. $u_1(x), u_2(x), \dots, u_n(x), \dots$ функциялар бирор E соҳада аниқланган бўлсин.

$$u_1(x)+u_2(x)+\dots+u_n(x)+\dots \qquad (1)$$

функционал қатор $x=x_0\in E$ да сонли қатор $u_1(x_0)+u_2(x_0)+\dots+u_n(x_0)+\dots$ (2) га айланади.

Агар (2) яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (1) функционал қатор x_0 да яқинлашади ёки x_0 (1) нинг яқинлашиш нуқтаси дейилади. (1) қаторнинг барча яқинлашиш нуқталарининг тўплами (1) нинг яқинлашиш соҳаси дейилади ва $S(x)=\lim\limits_{n\to\infty} S_n(x)=\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ — (1) қаторнинг йиғиндиси дейилади. $R_n(x)=S(x)-S_n(x)$ — қаторнинг қолдиғи дейилади.

2. Агар $\forall\varepsilon>0\ \exists N n>N$ ва $\forall\ x\in E \Longrightarrow |R_n(x)|<\varepsilon$ бўлса, $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қатор E тўпламда текис яқинлашувчи дейилади.

Функционал қаторнинг текис яқинлашиш критерийси:

Агар $\forall\ \varepsilon>0\ \ \exists N\ n>N$ ва $\forall x\in E \Longrightarrow |u_{n+1}(x)+\dots+u_{n+m}(x)|<\varepsilon$ бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ функционал қатор E да текис яқинлашувчи бўлади ва аксинча.

Вейерштрасс аломати.

Агар берилган $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ функционал қатор учун $\forall n\in N$ $\forall x\in E \Longrightarrow |u_n(x)|\leqslant c_n$ ни қаноатлантирадиган яқинлашувчи сонли қатор $\sum\limits_{n=1}^{\infty} c_n$ мавжуд бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қатор E да текис яқинлашувчи ва ҳар бир $x\in E$ нуқтада абсолют яқинлашувчи бўлади.

3. Текис яқинлашувчи қаторларнинг асосий хоссалари:

а) ҳадлари узлуксиз функциялардан тузилган текис яқинлашувчи қаторнинг йиғиндиси ўша соҳада узлуксиз функция бўлади.

б) узлуксиз функциялардан тузилган текис яқинлашувчи қаторни ҳадлаб интеграллаш мумкин, яъни $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\int\limits_a^b u_n(x)dx =$

$$=\int\limits_a^b\left(\sum_{n=1}^{\infty} u_n(x)\right)dx.$$

в) Агар $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қаторнинг ҳар бир ҳади J ораликда узлуксиз дифференциалланувчи ва J да яқинлашувчи, $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n'(x)$ қатор J да текис яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қаторни ҳадлаб дифференциаллаш мумкин, яъни $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n'(x) = \left(\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)\right)'$.

Функционал қаторларнинг яқинлашиш соҳасини топинг.

1. $1 + 2!x + 3!x^2 + \ldots + n!x^{n-1} + \ldots$
2. $1 + \frac{1}{x} + \frac{1}{x^2} + \ldots + \frac{1}{x^n} + \ldots$
3. $\frac{x+2}{x+3} + \left(\frac{x+2}{x+3}\right)^2 + \ldots + \left(\frac{x+2}{x+3}\right)^n + \ldots$
4. $\frac{1}{x} + \frac{1}{3x^3} + \frac{1}{5x^5} + \ldots + \frac{1}{(2n-1)x^{2n-1}} + \ldots$
5. $1 + \frac{1}{2^x} + \frac{1}{3^x} + \ldots + \frac{1}{n^x} + \ldots$
6. $\frac{x}{x+1} + \frac{1}{2}\left(\frac{x}{x+1}\right)^2 + \ldots + \frac{1}{n}\left(\frac{x}{x+1}\right)^n + \ldots$

Функционал қаторларнинг текис яқинлашишини текширинг.

7. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} a^n \cos n^2 x \; (|a| < 1)$. 8. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{1}{x^2+2^n}$.

9. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{(-1)^{n+1}}{x^{2n}+n}$.

10. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} x^n$ қатор $]-1;\ 1[$ да текис яқинлашувчи эмас. Текширинг.

Вейерштрасс аломати ёрдамида текширинг.

11. $\sin 2x + \frac{1}{2^2}\sin^2 2x + \frac{1}{3^2}\sin^3 2x + \ldots$

12. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{\cos nx}{3^n}$.

13. $1+\frac{\cos x}{1!}+\frac{\cos^2 x}{2!}+\ldots+\frac{\cos^n x}{n!}+\ldots$ қаторни ҳадлаб интеграллаш мумкинми?

14. $\sin x+\frac{\sin 2x}{2^5}+\frac{\sin 3x}{3^5}+\ldots+\frac{\sin nx}{n^5}+\ldots$ қаторни ҳадлаб дифференциаллаш мумкинми?

Ушбу функционал қаторлар йиғиндиси узлуксизми, текширинг:

15. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{x^n}{2^n(1+x^{2n})}$.

16. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n^4+n^2x^2}$.

2-§. Даражали қаторлар

1. $a_0+a_1(x-x_0)+a_2(x-x_0)^2+\ldots+a_n(x-x_0)^n+\ldots$ **(1)**
кўринишдаги қатор даражали қатор дейилади.

$$x_0=0 \text{ да } a_0+a_1x+a_2x^2+\ldots+a_nx^n+\ldots \qquad \textbf{(2)}$$

қатор x нинг даражалари бўйича ёйилган қатор дейилади.

(2) нинг яқинлашиш радиуси деб шундай R сонга айтиладики, $|x|<R$ да (2) қатор яқинлашувчи ва $|x|>R$ да узоқлашувчи бўлади. $]-R;\ R[$ эса (2) қаторнинг яқинлашиш интервали дейилади.

(2) қаторнинг яқинлашиш радиуси Коши—Адамар формулалари ёрдамида ҳисобланади:

$$R=\overline{\lim_{n\to\infty}}\left|\frac{a_n}{a_{n+1}}\right|,\quad R=\frac{1}{\overline{\lim\limits_{n\to\infty}}\sqrt[n]{|a_n|}}.$$

(1) қаторнинг яқинлашиш интервали $]x_0-R;\ x_0+R[$ бўлади.

2. а) $]-R;\ R[$ яқинлашиш интервалида жойлашган ҳар қандай $[a;\ b]$ да (2) қатор текис яқинлашувчи бўлади.

б) Яқинлашиш интервалида (2) қатор йиғиндиси узлуксиз функция бўлади.

в) (2) қаторни яқинлашиш интервалида жойлашган ҳар қандай кесмада ҳадлаб интеграллаш мумкин:

$$\int_{-r}^{r}\sum_{n=0}^{\infty}a_nx^ndx=\sum_{n=0}^{\infty}a_n\int_{-r}^{r}x^ndx,\quad \forall[-r;\ r]\subset]-R;\ R[.$$

г) $a_0+a_1x+a_2x^2+\ldots+a_nx^n+\ldots$ **(2)** ва $a_1+2a_2x+\ldots+na_nx^{n-1}+\ldots$ **(2′)**
қаторлар бир хил яқинлашиш радиусларига эга.

(2) қаторни $\forall[-r, r]\subset]-R;\ R[$ да ҳадлаб дифференциаллаш мумкин:

$$\left(\sum_{n=0}^{\infty} a_n x^n\right)' = \sum_{n=0}^{\infty} n a_n x^{n-1}.$$

Даражали қаторларнинг яқинлашиш радиусларини, яқинлашиш интервалларини ва яқинлашиш соҳаларини топинг.

17. $1 - 3x + 9x^2 - 27x^3 + \ldots$

18. $1 + 5x + 2\cdot 25x^2 + 3\cdot 125x^3 + \ldots$

19. $x + 2!x^2 + 3!x^3 + \ldots$

20. $(x+5) + \frac{(x+5)^2}{2^4} + \frac{(x+5)^3}{3^4} + \ldots$

21. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} 10^{2n}(2x-3)^{2n-1}.$

22. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{n!\,2^n}{(2n)!} x^{2n}.$

23. $\sum\limits_{n=0}^{\infty} (-2)^n x^{2n}.$

24. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{n^5}{(n+1)!}(x+5)^{2n+1}.$

Қаторларнинг йиғиндиларини топинг.

25. $1 + 2x + 3x^2 + 4x^3 + \ldots$

26. $x + x^3 + x^4 + \ldots$

27. $1\cdot 2 + 2\cdot 3x + 3\cdot 4x^2 + \ldots$

28. $-2x + 4x^3 - 6x^5 + 8x^7 - \ldots$

29. $x + \frac{x^3}{3} + \frac{x^5}{5} + \ldots$

30. $x + (x^2 - x) + (x^3 - x^2) + \ldots$

3-§. Тейлор қатори

1. Агар $f(x)$ функция x_0 нуқтанинг бирор $u(x_0, \delta)$ атрофида исталган марта дифференциалланувчи ва шу оралиқда $|f^n(x)| < M$ тенсизлик ўринли бўлиб, M сони n га боғлиқ бўлмаса, у ҳолда $f(x)$ функция ўзининг Тейлор қаторига ёйилади дейилади:

$$f(x) = f(x_0) + \frac{f'(x_0)}{1!}(x - x_0) + \frac{f''(x_0)}{2!}(x - x_0)^2 + \\ + \ldots + \frac{f^{(n)}(x_0)}{n!}(x - x_0)^n + \ldots \qquad (1)$$

$x_0 = 0$ да

$$f(x) = f(0) + \frac{f'(0)}{1!}x + \frac{f''(0)}{2!}x^2 + \ldots + \frac{f^{(n)}(0)}{n!}x^n + \ldots \quad \mathbf{(2)}$$

(2) қатор Маклорен қатори деб юритилади.

2. Қуйида баъзи функцияларнинг Тейлор қаторига ёйилмаларини келтирамиз:

$$e^x = 1 + \frac{x}{1!} + \frac{x^2}{2!} + \ldots + \frac{x^n}{n!} + \ldots, \; x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\sin x = \frac{x}{1!} - \frac{x^3}{3!} + \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^{2n-1}}{(2n-1)!} + \ldots; \; x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\cos x = 1 - \frac{x^2}{2!} + \frac{x^4}{4!} - \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^{2n}}{2n!} + \ldots;$$
$$x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\mathrm{sh}x = \frac{x}{1!} + \frac{x^3}{3!} + \frac{x^5}{5!} + \ldots + \frac{x^{2n-1}}{(2n-1)!} + \ldots; \; x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\mathrm{ch}\, x = 1 + \frac{x^2}{2!} + \frac{x^4}{4!} + \ldots + \frac{x^{2n}}{2n!} + \ldots; \; x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$(1+x)^{\alpha} = 1 + \frac{\alpha}{1!}x + \frac{\alpha(\alpha-1)}{2!}x^2 + \ldots +$$
$$+ \frac{\alpha(\alpha-1)\ldots(\alpha-n+1)}{n!}x^n + \ldots; \; x \in]-1; 1[.$$

$$\ln(1+x) = x - \frac{x^2}{2} + \frac{x^3}{3} - \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^n}{n} + \ldots; \; x \in]-1; 1[.$$

$$\mathrm{arctg}\, x = x - \frac{x^3}{3} + \frac{x^5}{5} - \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^{2n-1}}{2n-1} + \ldots;$$
$$x \in [-1; 1].$$

$$\arcsin x = x + \frac{1}{2}\cdot\frac{x^3}{3} + \frac{1\cdot 3}{2\cdot 4}\frac{x^5}{5} + \ldots +$$
$$+ \frac{(2n-1)!!}{(2n)!!}\,\frac{x^{2n+1}}{2n+1} + \ldots; \; x \in]-1; 1[.$$

$$\mathrm{tg}\, x = x + \frac{1}{3}x^3 + \frac{2}{15}x^5 + \frac{17}{315}x^7 + \frac{62}{2835}x^9 + \ldots;$$
$$x \in \left] -\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2} \right[.$$

Қуйидаги функцияларни турли усуллардан (алгебраик, ҳадлаб интеграллаш ва дифференциаллаш) фойдаланиб, x нинг даражалари бўйича Тейлор (Маклорен) қаторига ёйинг.

31. $f(x) = e^{-x^2}$. **32.** $f(x) = \frac{\sin x}{x}$.

33. $f(x)=\frac{e^x-1}{x}$. 34. $f(x)=\frac{\arcsin x}{x}$.

$x-a$ даражалари бўйича Тейлор қаторига ёйинг.

35. $f(x)=\ln x$; $a=1$.

36. $f(x)=e^x$; $a=-4$.

37. $f(x)=x^4+2x^3+5x^2+2x+4$; $a=-3$.

38. $f(x)=\frac{1}{x}$; $a=-2$.

x нинг даражалари бўйича ёйилганда қаторнинг биринчи тўрт ҳадини топинг.

39. $f(x)=\sec x$. 40. $f(x)=e^{\cos x}$.

41. $f(x)=\operatorname{th} x$. 42. $f(x)=\ln\cos x$.

Қаторларнинг кўпайтириш қоидасидан фойдаланиб, x нинг даражалари бўйича ёйилмаларни топинг.

43. $f(x)=e^x\sin x$. 44. $f(x)=\cos^2 x$.

45. $f(x)=\operatorname{arctg}^2 x$. 46. $f(x)=\frac{\arcsin^2 x}{x^2}$.

Қуйидаги функцияларни Маклорен қаторига ёйиб бўладими?

47. $f(x)=\frac{1}{x+1}$. 48. $f(x)=\ln x$.

49. $f(x)=|x|$. 50. $f(x)=\sqrt{x}$.

4-§. Тақрибий ҳисоблашлар

Агар берилган $f(x)$ функция қаторга ёйилган бўлса, бу функциянинг бирор $x=x_0$ нуқтадаги тақрибий қийматини топиш учун: 1) қаторнинг биринчи n та ҳади йиғиндиси $S_n=\sum_{k=1}^{n}a_k x_0^k$ топилади; 2) қатор йиғиндисининг аниқ қиймати S билан S_n орасидаги $S-S_n$ фарқ, яъни R_n қолдиқ баҳоланади.

Тақрибий ҳисоблашларни бажаринг:

51. $\sin 18°$ ни 0,001 аниқликкача.

52. $\cos 1°$ ни 0,0001 аниқликкача.

53. $\sqrt[3]{30}$ ни 0,001 аниқликкача.

54. $\sqrt[5]{1,1}$ ни 0,0001 аниқликкача.

55. $\sqrt{e}$ ни 0,0001 аниқликкача.

56. $\ln 2$ ни 0,0001 аниқликкача.

57. $\sqrt[3]{1,06}$ ни 0,0001 аниқликкача.

58. $\frac{\pi}{4} = \operatorname{arctg}\frac{1}{2} + \operatorname{arctg}\frac{1}{3}$ дан π ни 0,001 аниқликкача ҳисобланг.

Қуйидаги интегралларни 0,001 аниқликкача тақрибий ҳисобланг:

59. $\int\limits_0^1 e^{-t^2}\,dt.$ 60. $\int\limits_0^1 \frac{\sin x}{x}\,dx.$

61. $\int\limits_0^{0,1} \frac{e^x - 1}{x}\,dx.$ 62. $\int\limits_0^{0,5} \frac{\arcsin t}{t}\,dt.$

Лимитларни ҳисобланг:

63. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{2e^x - 2 - 2x - x^2}{x - \sin x}.$ 64. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sin x - \operatorname{arctg} x}{x}.$

IX бобга доир аралаш масалалар

65. $y = \sum\limits_{n=0}^{\infty}\frac{x^n}{(n!)^2}$ қатор $xy'' + y' - y = 0$ тенгламани қаноатлантиришини текширинг.

66. $y = \sum\limits_{n=0}^{\infty}\frac{x^{4n}}{(4n)!}$ қатор $y^{IV} = y$ тенгламани қаноатлантиришини текширинг.

67. $y = \frac{x}{1 + x - 2x^2}$ ни x нинг даражалари бўйича ёйинг.

68. $y = x^x$ ни $x - 1$ нинг даражалари бўйича ёйилганда биринчи 3 та ҳадини топинг.

69. $$1 + \frac{\alpha\cdot\beta}{1\cdot\gamma}x + \frac{\alpha(\alpha+1)\beta(\beta+1)}{1\cdot 2\cdot\gamma(\gamma+1)}x^2 + \ldots +$$
$$+ \frac{\alpha(\alpha+1)\ldots(\alpha+n-1)\beta(\beta+1)\ldots(\beta+n-1)}{1\cdot 2\ldots n\cdot\gamma(\gamma+1)\ldots(\gamma+n-1)}x^n + \ldots$$

гипергеометрик қаторнинг яқинлашиш соҳасини аниқланг.

70. $f(x)=\sqrt{1-x^2}\arcsin x$ ни Маклорен қаторига ёйинг.

71. $\varphi(x)=\frac{1}{\sqrt{1+x^2}}$ функциянинг Маклорен қаторига ёйилмасидан фойдаланиб, $f(x)=\ln(x+\sqrt{1+x^2})$ нинг ёйилмасини топинг.

72. $2\sin x-\cos x=0$ тригонометрик тенгламани қаноатлантирадиган x нинг энг кичик мусбат қийматини топинг.

X БОБ. КОМПЛЕКС ҲАДЛИ ҚАТОРЛАР

1-§. Комплекс ҳадли сонли қаторлар

1. $W_1, W_2, \ldots, W_n, \ldots$ (1)
комплекс сонлар кетма-кетлиги берилган.

$$W_1+W_2+\ldots+W_n+\ldots=\sum_{n=1}^{\infty}W_n \qquad (2)$$

кўринишдаги ифода комплекс ҳадли қатор дейилади.

$S_n=W_1+\ldots+W_n$ ифода (2) қаторнинг хусусий йиғиндиси дейилади.

Агар $\lim\limits_{n\to\infty}S_n=S$ бўлса, у ҳолда (2) қатор яқинлашувчи ва S унинг йиғиндиси дейилади.

$\sum\limits_{n=1}^{\infty}W_n=\sum\limits_{n=1}^{\infty}(u_n+iv_n)$ комплекс ҳадли қаторнинг яқинлашувчи бўлиши учун $\sum\limits_{n=1}^{\infty}u_n$, $\sum\limits_{n=1}^{\infty}v_n$ қаторларнинг яқинлашувчи бўлиши зарур ва етарлидир.

Агар $\sum\limits_{n=1}^{\infty}|W_n|$ яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (2) қатор абсолют яқинлашувчи дейилади.

2. Даламбер аломати.

Агар $\lim\limits_{n\to\infty}\left|\frac{W_{n+1}}{W_n}\right|=l$ бўлиб, $l<1$ бўлса, (2) абсолют яқинлашувчи бўлади.

3. Коши аломати. Агар $\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{|W_n|}=l$ бўлиб, $l<1$ бўлса, (2) абсолют яқинлашувчи бўлади.

Қаторларнинг яқинлашишини текширинг.

1. $(1+i)+\left(\frac{1}{2}+\frac{1}{3}i\right)+\left(\frac{1}{4}+\frac{1}{9}i\right)+\ldots$

2. $(1+0{,}1i)+\left(\frac{1}{2}+0{,}01i\right)+\left(\frac{1}{3}+0{,}001i\right)+\ldots$

3. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{\sqrt{n}+i}$.

4. $\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{1}{\sqrt{n}}+\frac{i}{7^n}\right)$.

5. $\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{n-1}{n}+\frac{n}{n+1}i\right)$.

6. $\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{1}{n^3}+\frac{i}{n^2}\right)$.

7. $\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{1+i}{2}\right)^n$.

8. $\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{\cos n^2}{n^3}+i\frac{\sin n\alpha}{n^4}\right)$.

9. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{i^n}{n}$.

10. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n(3+i)^n}$.

2-§. Комплекс ҳадли функционал қаторлар

1. Комплекс ҳадли даражали қаторлар

$$c_0+c_1z+c_2z^2+\ldots+c_nz^n+\ldots \qquad (1)$$

кўринишдаги қатор комплекс ҳадли даражали қатор дейилади. Бунда c_n — комплекс сонлар, z — комплекс ўзгарувчи.

Умумий ҳолда $\sum_{n=0}^{\infty}a_n(z-z_0)^n$ (2) қатор қаралади. (2) қатор учун маркази $M_0(z_0)$ нуқтада R радиусли доира мавжудки, бу доирада ($|z-z_0|<R$) (2) яқинлашувчи, доира ташқарисида ($|z-z_0|>R$) (2) узоқлашувчи бўлади, айрим ҳолларда $R=+\infty$ бўлиши мумкин, бунда (2) нинг яқинлашиш соҳаси C дан иборат бўлади Бу доира (2) нинг яқинлашиш доираси, R — яқинлашиш радиуси дейилади.

2. Яқинлашиш радиуси қуйидагича топилади:

$$R=\lim_{n\to\infty}\left|\frac{a_n}{a_{n+1}}\right|.$$

3. Маълум функцияларнинг даражали қаторга ёйилмалари:

$$e^z=1+\frac{z}{1!}+\frac{z^2}{2!}+\ldots+\frac{z^n}{n!}+\ldots$$

$$\sin z=z-\frac{z^3}{3!}+\ldots+(-1)^{n+1}\frac{z^{2n-1}}{(2n-1)!}+\ldots$$

$$\cos z=1-\frac{z^2}{2!}+\ldots+(-1)^{n+1}\frac{z^{2n}}{2n!}+\ldots$$

70. $\int\limits_0^1 \ln(x+\sqrt{1+x^2})\,dx$ ни топинг.

71. Ушбу тенгсизликни исбот қилинг: $\int\limits_0^1 \frac{x}{\cos x}dx < \ln 2.$

72. $f(x) = \mathrm{tg}^2 x$ мусбат функция.

$$\int\limits_0^{\pi} \mathrm{tg}^2 x d\,x = \int\limits_0^{\pi}\left(\frac{1}{\cos^2 x} - 1\right)dx = [\mathrm{tg} x - x]\Big|_0^{\pi} = -\pi < 0.$$

Хатоликни ҳисобланг.

73. $f'(1)=8,\ f(2)+f''(2)=33;\ \int\limits_0^1 f(x)dx = \frac{7}{3}$ берилган.

$f(x) = Ax^2 + Bx + C$ нинг A, B, C коэффициентларини аниқланг.

74. $f'(0)=4,\ \int\limits_0^{2\pi} f(x)dx = 3,\ f(x) = A\sin 2x + B$ нинг A ва B ларни аниқланг.

75. $\frac{9x-15}{19} < \int\limits_0^{x} \frac{dy}{(y+1)^2} - 1$ тенгсизликни ечинг.

76. $\int\limits_{-1}^{1} \sqrt{1-x^2}dx = \left\| \begin{matrix} x = \cos t \\ \pi \leqslant t \leqslant 2\pi \end{matrix} \right\| = \int\limits_{\pi}^{2\pi} \sqrt{1-\cos^2 t}(-$

$- \sin t)dt = -\int\limits_{\pi}^{2\pi} \sin^2 t dt = -\frac{\pi}{2}.$

$y = \sqrt{1-x^2} \geqslant 0,\ \int\limits_{-1}^{1} \sqrt{1-x^2}\,dx < 0.$ Ҳисоблашдаги хатоликни аниқланг.

VII БОБ. АНИҚ ИНТЕГРАЛНИНГ ТАТБИҚЛАРИ

1-§. Текис (ясси) фигуралар юзларини ҳисоблаш

1. Декарт координаталар системасида юзларни ҳисоблаш.

а) $y = f(x)[f(x) \geqslant 0]$ эгри чизиқ, $x = a$ ва $x = b$ тўғри чизиқлар ҳамда Ox ўқининг $[a;\ b]$ кесмаси билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг юзи.

$$S=\int_a^b f(x)dx$$

формула орқали ҳисобланади.

б) $y=f(x)$ ва $y=g(x)$ $[f(x)\leqslant g(x),\ x\in[a;\ b]]$ эгри чизиқлар ҳамда $x=a$ ва $x=b$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзи

$$S=\int_a^b [g(x)-f(x)]\,dx$$

формула орқали ҳисобланади.

2. Параметрик кўринишда берилган эгри чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисоблаш.

Агар фигура $x=x(t)$, $y=y(t)$ $(0\leqslant t\leqslant \mathrm{T})$ параметрик кўринишда берилган ёпиқ эгри чизиқ билан чегараланган бўлса, унинг юзи

$$S=-\int_0^T y(t)x'(t)dx \quad \text{ёки} \quad S=\int_0^T x(t)y'(t)dt$$

формулаларнинг бири билан ҳисобланади.

Бу икки формулани бирлаштириб

$$S=\frac{1}{2}\int_0^T [x(t)y'(t)-y(t)x'(t)]dt$$

ни ҳосил қиламиз.

3. Қутб координаталар системасида берилган узлуксиз эгри чизиқ $\rho=\rho(\theta)$ ва $\theta=\alpha$, $\theta=\beta$ $(\alpha<\beta)$ нурлар билан чегараланган фигуранинг юзи

$$S=\frac{1}{2}\int_\alpha^\beta \rho^2 d\theta$$

формула орқали ҳисобланади.

1. $y=x^2+1$ парабола, $y=0$; $x=-1$ ва $x=4$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

2. $y=\frac{1}{x}$ тенг ёнли гипербола, $x=1$ ва $x=3$ тўғри чизиқлар билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг юзини ҳисобланг.

3. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипс юзини ҳисобланг. Хусусий ҳолда R радиусли доиранинг юзини ҳисобланг.

4 $y=(x-1)(x-2)(x-3)$ эгри чизиқ, $x=0$ ва $y=0$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

5. $y=x^2$ парабола ва $y=x$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

6. $y=-x^2$ парабола ва $x+y+2=0$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

7. $y=2x-x^2$ парабола $y=x$, $x=0$, $x=2$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

8. $y=-x^2$, $y=0$; $x=1$; $x=4$ чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

9. Абсцисса ўқи ва $y=\sin x$ синусоиданинг $[0;\ \pi]$ даги ёйи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

10. $y=\cos x$ косинусоиданинг $\left[-\frac{\pi}{2};\ \frac{\pi}{2}\right]$ даги бўлаги ва $y=0$ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

11. $x^2=4y$ парабола ва $y=\frac{8}{x^2+4}$ Аньези зулфи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

12. $y=x^2$ ва $y^2=x$ параболалар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

13. $y^2=4x$ парабола ва $x^2+y^2=5$ айлана билан чегараланган фигура (кичик қисми) нинг юзини ҳисобланг.

14. $y^2=x+2$ ва $x=0$ чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

15. $x=a(t-\sin t)$, $y=a(1-\cos t)$ циклоиданинг бир аркаси ва абсцисса ўқи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

16. $y=x^2-2x+3$ парабола ва $y=3x-1$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

17. $x^{\frac{2}{3}}+y^{\frac{2}{3}}=a^{\frac{2}{3}}$ астроиданинг юзини ҳисобланг.

18. $x=2\cos t$, $y=2\sin t$ доира чорагининг юзини ҳисобланг.

19 $x^3+y^3=3axy$ Декарт япроғининг юзини ҳисобланг.

20. $x=a\cos t$, $y=b\sin t$ эллипснинг юзини топинг.

21. $\rho=a\varphi$ Архимед спиралининг бир ўрами ва қутб ўқи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

22. $y=\sin x$ ва $y=\cos x$ эгри чизиқлар ва абсцисса ўқи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

23. $\rho=2a(2+\cos\varphi)$ Паскаль чиғаноғи билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

24. $\rho=a(1+\cos\varphi)$ кардиоида билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

25. $\rho^2=a^2\cos2\varphi$ Бернулли лемнискатасининг юзини ҳисобланг.

26. $y=e^x$, $y=e^{-x}$ эгри чизиқлар ва $x=1$ тўғри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

27. $\rho=e^{a\varphi}$ логарифмик спираль ва r_1 ва r_2 қутб радиуслари билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

28. $x^2+y^2+6x-2y+8=0$ айлана ва $y=x^2+6x+10$ парабола билан чегараланган ҳар бир фигуранинг юзини ҳисобланг.

2-§. Ёй узунлигини ҳисоблаш

1. Декарт тўғри бурчакли координаталарида ёй узунлиги. Агар $y=f(x)$ $[a;\ b]$ да силлиқ эгри чизиқ (яъни $f'(x)$ узлуксиз бўлган) бўлса, у ҳолда унинг ёйи узунлигини

$$L=\int_a^b\sqrt{1+y'^2}\,dx$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда a ва b ёй учларининг абсциссаларидир ($a<b$).

2. Параметрик кўринишда берилган эгри чизиқ ёйининг узунлиги. Агар эгри чизиқ $x=x(t)$, $y=y(t)$, $t_1\leqslant t\leqslant t_2$ кўринишда берилган бўлиб, $x'(t)$, $y'(t)$ узлуксиз функциялар бўлса, у ҳолда эгри чизиқ ёйининг узунлиги

$$L=\int_{t_1}^{t_2}\sqrt{x'^2(t)+y'^2(t)}\,dt$$

формула орқали ҳисобланади. Бунда t_1 ва t_2 лар t параметрнинг ёй учларига мос қийматларидир ($t_1<t_2$).

3. Қутб координаталар системасида берилган силлиқ эгри чизиқ $\rho=\rho(\theta)$, $\alpha\leqslant\theta\leqslant\beta$ ёйининг узунлиги

$$L=\int_\alpha^\beta\sqrt{\rho^2+\rho'^2}\,d\theta$$

орқали ҳисобланади. Бунда α ва β—қутб бурчаги θ нинг ёй учларидаги қийматлари ($\alpha<\beta$).

29. $y^2=x^3$ параболанинг O (0; 0) дан $A(1;\ 1)$ нуқтагача бўлган ёйи узунлигини топинг.

30. $y^2=4x$ параболанинг $x=0$ дан $x=1$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

31. $x^2+y^2=R^2$ айлана узунлигини топинг.

32. $y=\frac{x^2}{2}+1$ параболанинг Ox ўқи билан кесилган ёйининг узунлигини топинг.

33. $x^{\frac{2}{3}}+y^{\frac{2}{3}}=a^{\frac{2}{3}}$ астроиданинг узунлигини ҳисобланг.

34. $9y^2=4x^3$ эгри чизиқнинг $O\,(0;\ 0)$ дан $B(\sqrt{3};\ 2\sqrt{3})$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

35. $y=\ln x$ эгри чизиқнинг $(\sqrt{3};\ \ln\sqrt{3})$ нуқтадан $(\sqrt{8},\ \ln\sqrt{8})$ нуқтагача бўлган ёйи узунлигини топинг.

36. $y=\operatorname{ch}x$ занжир чизиқнинг $x=0$ дан $x=1$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

37. $y=\ln\sin x$ эгри чизиқнинг $x=\frac{\pi}{3}$ дан $x=\frac{\pi}{2}$ гача бўлган ёй узунлигини топинг.

38. $y=e^x$ эгри чизиқнинг $x=0$ дан $x=1$ гача бўлган ёйи узунлигини топинг.

39. $\begin{cases} x=a(t-\sin t), \\ y=a(1-\cos t) \end{cases}$ циклоиданинг $t=0$ дан $t=2\pi$ гача бўлган ёйи узунлигини ҳисобланг.

40. $\begin{cases} x=a\cos^3 t, \\ y=a\sin^3 t \end{cases}$ астроиданинг узунлигини топинг.

41. $\begin{cases} x=a\cos t, \\ y=b\sin t \end{cases}$ эллипс узунлигини $y=\sqrt{a^2-b^2}\times$ $\times\sin\frac{x}{b}$ синусоиданинг бир тўлқин узунлигига тенглигини исбот қилинг.

42. $\begin{cases} x=r\cos t, \\ y=r\sin t \end{cases}$ айлана узунлигини ҳисобланг.

43. $\rho=a\varphi$ Архимед спирали бир ўрамининг узунлигини топинг.

44. $\rho=ae^{m\varphi}$ логарифмик спиралнинг $(\rho_0;\ \varphi_0)$ дан $(\rho_1;\ \varphi_1)$ гача ёйи узунлигини топинг.

45. $\rho=a(1+\cos\varphi)$, $a>0$, $0\leqslant\varphi\leqslant 2\pi$ кардиоида узунлигини ҳисобланг.

46. $\rho\varphi=1$ гиперболик спиралнинг $\varphi=\frac{3}{4}$ дан $\varphi=\frac{4}{3}$ гача бўлган ёйи узунлигини ҳисобланг.

47. $\theta=\sqrt{\rho}$ $(0\leqslant\rho\leqslant 5)$ нинг узунлигини ҳисобланг.

48. $\rho=R$ айлана узунлигини ҳисобланг.

3-§. Ҳажмларни ҳисоблаш

1. Маълум кўндаланг кесимлари бўйича жисм ҳажмини ҳисоблаш.

Агар жисмнинг Ox ўқига перпендикуляр текисликлар билан кесишмасида ҳосил бўлган кесим юзи $S(x)$ берилган бўлса, у ҳолда бу жисм ҳажми

$$V = \int_a^b S(x)\,dx$$

орқали ҳисобланади, бунда a ва b лар x нинг ўзгариш чегаралари бўлиб, $S(x)$ функция $[a; b]$ да аниқланган ва узлуксиз деб қаралади.

2. Тўғри бурчакли координаталар системасида айланма жисм ҳажми

а) Ox ўқи атрофида $a \leqslant x \leqslant b$, $0 \leqslant y \leqslant f(x)$ текис фигурани айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_a^b f^2(x)\,dx$$

орқали ҳисобланади.

б) Oy ўқи атрофида $c \leqslant y \leqslant d$, $0 \leqslant x \leqslant \varphi(y)$ текис фигурани айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_c^d \varphi^2(y)dy$$

орқали ҳисобланади.

в) Oy ўқи атрофида $a \leqslant x \leqslant b$, $0 \leqslant y \leqslant y(x)$ ни айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = 2\pi \int_a^b xy(x)dx$$

орқали ҳисобланади.

3. Параметрик усулда берилган $x = x(t)$, $y = y(t)$, $\alpha \leqslant t \leqslant \beta$ эгри чизиқни Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_\alpha^\beta [y(t)]^2 x'(t)dt$$

орқали хисобланади.

4. Қутб координаталар системасида берилган $\rho = \rho(\theta)$ эгри чизиқ $\rho = \alpha$, $\rho = \beta$ радиус-векторлар билан чегараланган текис фигурани қутб ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм ҳажми

$$V = \pi \int_\alpha^\beta \rho^3 \sin^3 \theta d\theta$$

орқали ҳисобланади.

$0 \leqslant \alpha \leqslant \theta \leqslant \beta \leqslant \pi$ бўлганда $V = \dfrac{2\pi}{3} \int_\alpha^\beta \rho^3(\theta) \sin\theta \, d\theta$ бўлади.

49. $y^2=4x$ параболанинг $O(0;\ 0)$ ва $A(4;\ 4)$ нуқталари орасидаги ёйини Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган айланма параболоиднинг ҳажмини ҳисобланг.

50. $y^2=4ax$ парабола ва $x=a$ тўғри чизиқдан ҳосил бўлган фигурани $y=-2a$ тўғри чизиқ атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

51. $y=x^2-4$ параболанинг Ox ўқи билан кесишганда ҳосил бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

52. $y=x^3$, $y=0$, $x=2$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини топинг.

53. R радиусли шарнинг ҳажмини ҳисобланг.

54. $y=x^3$, $y=0$, $x=2$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Oy ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини топинг.

55. $y=\frac{r}{h}x$ тўғри чизиқни $[0;\ h]$ да Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган конуснинг ҳажмини ҳисобланг.

56. $xy=4$, $x=1$, $x=4$, $y=1$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

57. $y=\frac{r_2-r_1}{h}x+r_1$ тўғри чизиқни $(r_2>r_1)$ $[0;\ h]$ да Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган кесик конуснинг ҳажмини ҳисобланг.

58. $x^2-y^2=4$, $y=-2$, $y=2$ чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

59. Шар сегментининг ҳажмини топинг.

60. $y=\sin x\ (0\leqslant x\leqslant\pi)$ синусоидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

61. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипсни Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган айланма эллипсоиднинг ҳажмини ҳисобланг.

62. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}+\frac{z^2}{c^2}=1$ эллипсоиднинг ҳажмини топинг.

63. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ гиперболани $(0\leqslant y\leqslant b)$ Oy ўқи атро-

фида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

64. $y = x^2$ ва $y^2 = x$ параболалар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

65 $\begin{cases} x = a(t - \sin t), \\ y = a(1 - \cos t) \end{cases}$ циклоиданинг бир аркасининг Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

66. $\begin{cases} x = a\sin^3 t, \\ y = a\cos^3 t \end{cases}$ астроидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

67. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}$ астроидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

68. $\rho = a\varphi$ Архимед спиралининг ярим айланасини $(a > 0,\ 0 \leqslant \varphi \leqslant \pi)$ қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисмнинг ҳажмини топинг.

69. $y^2 = 2px$ параболанинг $\left[0; \frac{p}{2}\right]$ даги ёйини Oy ва Ox ўқлари атрофида айлантиришдан ҳосил бўладиган жисм ҳажмини топинг.

70. $\rho = e^{\varphi}(0 \leqslant \varphi \leqslant \pi)$ логарифмик спиралнинг қутб ўқи билан чегараланган ёйи ташкил қилган фигурани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисм ҳажмини топинг.

71. $y = \frac{a}{2}\left(e^{\frac{x}{a}} + e^{-\frac{x}{a}}\right)$ занжир чизиғи ва $x = -a$, $x = a$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисм ҳажмини топинг.

72. Шар секторининг ҳажмини топинг.

73. $x^2 + (y - b)^2 = r^2$, $(b > r)$ доирани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган тор ҳажмини ҳисобланг.

74. Шар қатлами (камари нинг ҳажмини топинг.

4-§. Айланма жисм сиртининг юзи

1. Тўғри бурчакли координаталар системасида $y=f(x)$ силлиқ эгри чизиқ ёйини ($a \leqslant x \leqslant b$) Ox ўқи атрофида айлантириш натижасида ҳосил бўладиган жисм сиртининг юзи

$$S = 2\pi \int_a^b y\sqrt{1+y'^2}dx$$

орқали ҳисобланади.

2. Параметрик кўринишда берилган эгри чизиқ учун $\begin{cases} x = x(t), \\ y = y(t) \end{cases}$ ($t_1 \leqslant t \leqslant t_2$) сирт юзи $S = 2\pi \int_{t_1}^{t_2} y(t)\sqrt{x'^2+y'^2}\,dt$ орқали ҳисобланади.

3. Қутб координаталар системасида силлиқ эгри чизиқ $\rho=\rho(\theta)$ ($\alpha \leqslant \theta \leqslant \beta$) берилган бўлса, уни қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисм сиртининг юзи

$$S=2\pi \int_\alpha^\beta \rho\sin\theta\sqrt{\rho^2+\rho'^2}\,d\theta$$

формула орқали ҳисобланади.

75. $y=\sin x$ синусоиданинг $x=0$ дан $x=\frac{\pi}{2}$ гача бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини топинг.

76. $y=\operatorname{tg}x$ $\left(0\leqslant x\leqslant \frac{\pi}{4}\right)$ ни Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини топинг.

77. $y=2\operatorname{ch}\frac{x}{4}$ нинг $x=0$ дан $x=2$ гача бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

78. $y^2=2x$, $(0\leqslant x\leqslant 2)$ параболани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

79. $y=x^3$ параболанинг $x=0$ дан $x=1$ гача бўлган ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

80. $x^2+y^2-2rx=0$ доирани Ox ўқи атрофида $(0\leqslant x\leqslant h<2r)$ айлантиришдан ҳосил бўлган шар қисмининг юзини топинг.

81. R радиусли шар $(x^2+y^2+z^2=R^2)$ сиртининг юзини ҳисобланг.

82. $\rho=a(1+\cos\theta)$ кардиоидани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

83. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипсни Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

84. $\rho^2=a^2\cos 2\varphi$ лемнискатани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

85. $\begin{cases} x=a(t-\sin t), \\ y=a(1-\cos t) \end{cases}$ $(0\leqslant t\leqslant 2\pi)$ циклоиданинг бир аркасини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

86. Радиуси r, баландлиги h бўлган конуснинг сирт юзини ҳисобланг.

87. $\begin{cases} x=a\cos^3 t, \\ y=a\sin^3 t \end{cases}$ астроидани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзини ҳисобланг.

88. $\rho=R$ айланани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сферик сирт юзини ҳисобланг.

89. $\begin{cases} x=r\cos t, \\ y=r\sin t \end{cases}$ айланани ўз диаметри атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган r радиусли сферик сирт юзини ҳисобланг.

90. Сферик камар сиртининг юзини ҳисобланг.

91. $x^2+(y-b)^2=a^2$ $(b\geqslant a)$ айланани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган тор сиртининг юзини ҳисобланг.

92. Сферик сегментнинг юзини ҳисобланг.

5-§. Ясси эгри чизиқ ва фигураларнинг оғирлик маркази. Гюльден теоремалари

1. Агар масса $y=f(x)$ эгри чизиқ ёйи бўйича текис тақсимланган (зичлик $\rho=1$) бўлса, у ҳолда $y=f(x)\geqslant 0$, $(a\leqslant x<b)$ эгри чизиқнинг Ox ва Oy ўқларга нисбатан статик моментлари мос ҳолда

$$M_x=\int_a^b ydl,\quad M_y=\int_a^b xdl$$

бўлади, бунда $dl=\sqrt{dx^2+dy^2}$.

Шу ёй оғирлик марказининг координаталари эса

$$\bar{x}=\frac{1}{L}\int_a^b xdl,\quad \bar{y}=\frac{1}{L}\int_a^b ydl$$

бўлади, бунда $dl=\sqrt{dx^2+dy^2}$ ва L— ёй узунлиги.

2. $y=f(x)$ силлиқ эгри чизиқ, $x=a$, $x=b$ тўғри чизиқлар ва Oy ўқи билан чегараланган эгри чизиқли трапециянинг Ox ва Oy ўқларига нисбатан статик моментлари мос ҳолда

$$M_x=\frac{1}{2}\int_a^b y^2dx,\quad M_y=\int_a^b xydx$$

бўлади. Шу фигура оғирлик марказининг координаталари эса

$$\bar{x}=\frac{1}{S}\int_a^b xds=\frac{1}{S}\int_a^b xydx,$$

$$\bar{y}=\frac{1}{2S}\int_a^b yds=\frac{1}{2S}\int_a^b y^2dx$$

бўлади, бунда S—жисм сиртининг юзи.

3. $y=f(x)\,(a\leqslant x\leqslant b)$ силлиқ эгри чизиқ ёйини Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сирт юзи шу ёй узунлиги билан унинг оғирлик маркази чизган айлана узунлигининг кўпайтмасига тенг (Гюльденнинг 1-теоремаси):

$$2\pi\bar{y}\cdot L=2\pi\int_a^b y\sqrt{1+y'^2}\,dx.$$

4. $y=f(x)$ эгри чизиқ, $x=a$, $x=b$ тўғри чизиқлар ва Ox ўқи билан чегараланган текис фигурани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган фигуранинг ҳажми берилган фигура юзи билан унинг оғирлик маркази чизган айлана узунлигининг кўпайтмасига тенг (Гюльденнинг 2-теоремаси):

$$2\pi\bar{y}\cdot S=\pi\int_a^b f^2(x)dx.$$

93. $y=\cos x$ косинусоиданинг $\left(-\frac{\pi}{2}\leqslant x\leqslant\frac{\pi}{2}\right)$ Ox га нисбатан статик моментини топинг.

94. $y=\cos x\left(-\frac{\pi}{2}\leqslant x\leqslant\frac{\pi}{2}\right)$ косинусоида ва Ox ўқи билан чегараланган фигуранинг оғирлик марказини топинг.

95. $x^2+y^2=r^2\,(y\geqslant 0)$ ярим айлананинг оғирлик маркази координаталарини топинг.

96. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипснинг Ox ўқи устидаги ёйининг Ox ўққа нисбатан статик моментини аниқланг.

97. $x^2+y^2\leqslant r^2\,(y\geqslant 0)$ ярим доиранинг оғирлик марказини аниқланг.

98. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипс юзининг биринчи квадрантдаги бўлагининг оғирлик марказини топинг.

99. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипс ёйининг биринчи квадрантдаги бўлагининг оғирлик марказини топинг.

100. $x^{\frac{2}{3}}+y^{\frac{2}{3}}=a^{\frac{2}{3}}$ астроида ёйининг биринчи квадрантдаги қисмининг оғирлик марказини топинг.

101. $\begin{cases} x=a(t-\sin t), \\ y=a(1-\cos t) \end{cases}$ циклоида бир аркаси ва Ox ўқи билан чегараланган фигуранинг оғирлик марказини топинг.

102. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, $x^2+(y-b)^2=a^2$ $(a<b)$ доирани Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган тор ҳажмини топинг.

103. $\rho=a(1+\cos\varphi)$ кардиоида ёйининг оғирлик марказини топинг.

104. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, r радиусли ярим айлананинг оғирлик марказини аниқланг.

105. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, шарнинг сирт юзини ҳисобланг.

106. Гюльден теоремасидан фойдаланиб, доиравий конуснинг ҳажми ва ён сиртини топинг.

6-§. Чегараланмаган кесмада аниқланган функциянинг хосмас интеграли

1. $f(x)$ функция x нинг барча $x \geqslant a$ қийматларида аниқланган ва $[a; n]$ да интегралланувчи бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{n\to+\infty}\int_a^n f(x)dx$ лимит $f(x)$ функциянинг a дан $+\infty$ гача олинган хосмас интеграли дейилади ва $\int_a^{+\infty} f(x)dx$ орқали белгиланади. Шунга ўхшаш

$$\lim_{n\to-\infty}\int_n^b f(x)dx=\int_{-\infty}^b f(x)dx,$$

$$\lim_{\alpha\to-\infty}\int_\alpha^c f(x)dx+\lim_{\beta\to-\infty}\int_c^\beta f(x)dx=\int_{-\infty}^{+\infty} f(x)dx.$$

Агар кўрсатилган лимитлар мавжуд ва чекли бўлса, хосмас интеграллар яқинлашувчи, акс ҳолда узоқлашувчи дейилади.

2. Солиштириш аломати

$f(x)$ ва $g(x)$ функциялар $x \geqslant a$ да аниқланган ва $[a; n]$ да интегралланувчи. Агар $\forall x \geqslant a$ учун $0 \leqslant f(x) \leqslant g(x)$ бўлса, $\int\limits_a^{+\infty} g(x)dx$ нинг яқинлашишидан $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ нинг ҳам яқинлашиши келиб чиқади ва $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx \leqslant \int\limits_a^{+\infty} g(x)dx$, $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ нинг узоқлашишидан $\int\limits_a^{+\infty} g(x)dx$ нинг ҳам узоқлашувчи бўлиши келиб чиқади.

3. Абсолют яқинлашиш аломати

$f(x)$ функция $\forall x \geqslant a$ учун аниқланган. Агар $\int\limits_a^{+\infty} |f(x)|\, dx$ яқинлашувчи бўлса, $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ ҳам яқинлашувчи бўлади ва у абсолют яқинлашувчи дейилади. Агар $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ яқинлашувчи, $\int\limits_a^{+\infty} |f(x)|\, dx$ узоқлашувчи бўлса, у ҳолда $\int\limits_a^{+\infty} f(x)dx$ шартли яқинлашувчи дейилади.

Хосмас интегралларни ҳисобланг:

107. $\int\limits_2^{+\infty} \frac{xdx}{\sqrt{(x^2-3)^3}}$.

108. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{xdx}{1+x^2}$.

109. $\int\limits_0^{+\infty} \sin xdx$.

110. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x^2}$.

111. $\int\limits_a^{+\infty} \frac{dx}{1+x^2}$.

112. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{\sqrt{x}}$.

113. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x+x^3}$.

114. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x^{\frac{3}{2}}}$.

Қуйидаги интегралларнинг яқинлашишини текширинг.

115. $\int\limits_1^{+\infty} \frac{dx}{x^p}$.

116. $\int\limits_0^{+\infty} e^{-px}dx$.

Солиштириш аломатидан фойдаланиб, яқинлашишни текширинг.

117. $\int\limits_{1}^{+\infty} \frac{dx}{1+x^8}$. **118.** $\int\limits_{0}^{+\infty} e^{-x^2}dx$.

Хосмас интегралларни текширинг.

119. $\int\limits_{1}^{+\infty} \frac{\operatorname{arctg} x}{x^2}\,dx$. **120.** $\int\limits_{0}^{+\infty} \frac{xdx}{(1+x)^3}$.

121. $\int\limits_{1}^{+\infty} \frac{\sin x}{x^2}\,dx$. **122.** $\int\limits_{0}^{+\infty} \frac{dx}{1+x^4}$.

7-§. Чегараланмаган функцияларнинг хосмас интеграллари

1. $f(x)$ функция $[a;\ b[$ да аниқланган ва $[a;\ b-\varepsilon](\varepsilon>0)$ да интегралланувчи, лекин $]b-\varepsilon,\ b\,[$ да чегараланмаган бўлса, у ҳолда

$$\int\limits_{a}^{b} f(x)dx = \lim_{\varepsilon\to 0+} \int\limits_{a}^{b-\varepsilon} f(x)dx$$

деб олинади. Агар бу лимит мавжуд ва чекли бўлса, хосмас интеграл яқинлашувчи, акс ҳолда узоқлашувчи дейилади. Шунга ўхшаш

$$\int\limits_{a}^{b} f(x)dx = \lim_{\varepsilon\to 0+} \int\limits_{a+\varepsilon}^{b} f(x)dx$$

ва

$$\int\limits_{a}^{b} f(x)\,dx = \lim_{\varepsilon\to 0+} \int\limits_{a}^{c-\varepsilon} f(x)dx + \lim_{\delta\to 0+} \int\limits_{c+\delta}^{b} f(x)dx$$

таърифланади, охиргида c нуқта атрофида $f(x)$ функция чегараланмаган.

2. Агар $[a;\ b]$ да $f(x)>0$, $\alpha<1$ ва $\lim\limits_{x\to b-0} f(x)(b-x)^{\alpha}<\infty$ бўлса, $\int\limits_{a}^{b} f(x)dx$ яқинлашувчи, $f(x)>0$, $\alpha\geqslant 1$ ва $\lim\limits_{x\to b-0} f(x)\,(b-x)^{\alpha}>0$ бўлса, $\int\limits_{a}^{b} f(x)dx$ узоқлашувчи бўлади.

3. Агар $f(x)$ ва $\varphi(x)$ функциялар $[a;\ c]$ нинг c нуқтасида узилишга эга ва $\varphi(x)\geqslant f(x)\geqslant 0$ бўлса, у ҳолда $\int\limits_{a}^{c} \varphi(x)dx$ нинг яқинла-

шувчи бўлишидан $\int\limits_a^c f(x)dx$ нинг ҳам яқинлашувчи экани келиб чиқади.

Чегараланмаган функциялар хосмас интегралларини текширинг.

123. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{x}$.

124. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x}}$.

125. $\int\limits_{-1}^1 \frac{dx}{\sqrt[3]{x}}$.

126. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{1-x^2}}$.

127. $\int\limits_0^{\pi/2} \frac{dx}{\sin x}$.

128. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{1-x}}$.

129. $\int\limits_{-1}^0 \frac{e^{\frac{1}{x}}}{x^3}\,dx$.

130. $\int\limits_{-1}^1 \frac{dx}{x^2}$.

131. $\int\limits_1^e \frac{dx}{x\sqrt{\ln x}}$.

132. $\int\limits_0^1 \frac{dx}{\sqrt{x}+4x^3}$.

VII бобга доир аралаш масалалар

133. $y=\ln(x+\sqrt{1+x})$, $x=3$, $x=8$, $y=0$ чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

134. $\rho=a\sin k\varphi(k=3,\ k=4)$ тенглама билан аниқланган „атиргул“ эгри чизиғининг бир япроғининг юзини топинг.

135. $x^2+y^2=ax$ цилиндрнинг $x^2+y^2+z^2=a^2$ сфера ичидаги сирт юзини топинг.

136. $x^2+y^2=a^2$, $x^2+z^2=a^2$ цилиндрларнинг кесишмасида ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини топинг.

137. Баландлиги h, асоси эса ярим ўқлари a ва b бўлган эллипсдан иборат, эллиптик тўғри конуснинг ҳажмини топинг.

138. R радиусли шарнинг ҳажмини топинг (айланма жисм деб қаралмасин).

139. Асоси ва баландлиги мос ҳолда сферик сегментнинг асос ва баландлигига тенг бўлган цилиндрнинг ён сирти сферик сегментнинг сирт юзига тенглигини исбот қилинг.

140 $y = 2x - x^2$ парабола, $y = 2^x$ эгри чизиқ ва $x = 0$, $x = 2$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини топинг.

141. $\rho = a(1 + \cos\theta)$ кардиоидани қутб ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисмнинг ҳажмини ҳисобланг.

142. $f(x) = \frac{3x^2 - 1}{x^3 - x + 2}$, $g(x) = \frac{3x^2 + 1}{x^3 + x + 2}$ эгри чизиқлар, $x = 2$ ва $x = 3$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигуранинг юзини ҳисобланг.

143. $A(0; 4)$, $B(1; 9)$, $C(3; 7)$ нуқталар орқали $y = ax^2 + bx + c$ парабола ўтган. A нуқтадан ўтган тўғри чизиқ тенгламаси топилиши керак, бу тўғри чизиқ ва парабола ташкил қилган фигуранинг юзи 9 га тенг.

144. $y = x^n (0 \leqslant x \leqslant 1)$ функция графигининг белгили нуқтаси орқали абсцисса ўқига параллел ўтказилган.

Қандай нуқта учун $y = x^n$ нинг графигига ўтказилган тўғри чизиқ ва $x = 0$, $x = 1$ тўғри чизиқлар ҳосил қилган иккита эгри чизиқли учбурчаклар юзларининг йиғиндиси энг кичик бўлади?

145. Дифференциалланувчи ва қатъий ўсувчи $y = f(x)$ функция графигининг $t \in [a; b]$ нуқтаси орқали Ox ўқига параллел тўғри чизиқ ўтказилган. $y = f(x)$ нинг графиги, ўтказилган тўғри чизиқ, $x = a$, $x = b$ тўғри чизиқлар ҳосил қиладиган иккита эгри чизиқли учбурчаклар юзларининг йиғиндиси t нинг қандай қийматида энг кичик бўлади?

VIII БОБ. СОНЛИ ҚАТОРЛАР

1-§. Асосий тушунчалар

Агар $u_1, u_2, u_3, \ldots, u_n, \ldots$ — сонлар кетма-кетлиги бўлса, у ҳолда

$$u_1 + u_2 + u_3 + \ldots + u_n + \ldots \qquad (1)$$

сонли қатор дейилади. $u_1, u_2, \ldots, u_n, \ldots$ — қатор ҳадлари, u_n — қаторнинг умумий ҳади дейилади. Кўп ҳолларда (1) қисқача $\sum_{n=1}^{\infty} u_n$ орқали белгиланади.

1. Қаторнинг биринчи n та ҳади йиғиндиси унинг хусусий йиғиндиси дейилади:

$$S_n = u_1 + u_2 + \dots + u_n.$$

Агар $\lim\limits_{n\to\infty} S_n = S$ чекли бўлса, (1) қатор яқинлашувчи қатор дейилади ва S (1) қаторнинг йиғиндиси дейилади. Агар $\lim\limits_{n\to\infty} S_n$ чексиз бўлса ёки мавжуд бўлмаса, у ҳолда (1) қатор узоқлашувчи қатор дейилади.

2. $u_{n+1} + u_{n+2} + \dots + u_{n+k} + \dots$ (2)

кўринишдаги қатор (1) нинг n-ҳаддан кейинги қолдиғи дейилади ва қисқача $r_n = \sum\limits_{k=n+1}^{\infty} u_k$ орқали белгиланади.

Бунда:

а) Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (2) қатор хам яқинлашувчи бўлади ва аксинча;

б) Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $au_1 + au_2 + \dots + au_n + \dots$ қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва йиғиндиси aS га тенг бўлади;

в) Агар $S = u_1 + u_2 + \dots + u_n + \dots$ ва $\sigma = v_1 + v_2 + \dots + v_n + \dots$ қаторлар яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $(u_1 + v_1) + (u_2 + v_2) + \dots + (u_n + v_n) + \dots$ қатор яқинлашувчи бўлади ва йиғиндиси $S + \sigma$ га тенг бўлади;

г) Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{n\to\infty} u_n = 0$ бўлади (қатор яқинлашишининг зарурий шарти).

Агар $\lim\limits_{n\to\infty} u_n \neq 0$ бўлса, у ҳолда қатор узоқлашувчи бўлади.

Қаторнинг умумий ҳади a_n берилган. Унинг биринчи учта ҳадини ёзинг.

1. $a_n = \dfrac{3^n}{n!}$.
2. $a_n = \dfrac{n}{2^n(n+1)}$.
3. $a_n = \dfrac{(2n-1)!!}{(2n)!!}$
4. $a_n = \dfrac{2n-1}{4n^2+1}$.

Қаторнинг биринчи бир неча ҳадига кўра унинг умумий ҳадини ёзинг.

5. $\frac{1}{3} + \frac{1}{6} + \frac{1}{11} + \frac{1}{20} + \dots$
6. $1 + \frac{4}{2} + \frac{9}{6} + \frac{16}{24} + \frac{25}{120} + \dots$
7. $\frac{1}{1\cdot 3} + \frac{1}{3\cdot 5} + \frac{1}{5\cdot 7} + \dots$
8. $\frac{1}{2} + \frac{2}{5} + \frac{3}{8} + \frac{4}{11} + \dots$

Қаторларнинг йиғиндиларини топинг.

9. $1 + \frac{1}{3} + \frac{1}{9} + \frac{1}{27} + \frac{1}{81} + \dots$

10. $1 - \frac{1}{3} + \frac{1}{9} - \frac{1}{27} + \frac{1}{81} - \dots$

11. $\frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \frac{1}{3 \cdot 4} + \dots$

12 $\frac{1}{1 \cdot 3} + \frac{1}{3 \cdot 5} + \frac{1}{5 \cdot 7} + \dots$

13. $\frac{3}{1 \cdot 4} + \frac{5}{4 \cdot 9} + \frac{7}{9 \cdot 16} + \dots$

14. $\frac{1}{1 \cdot 2 \cdot 3} + \frac{1}{2 \cdot 3 \cdot 4} + \frac{1}{3 \cdot 4 \cdot 5} + \dots$

Қатор яқинлашишининг зарурий шартидан фойдаланиб, қуйидаги қаторларнинг узоқлашишини кўрсатинг.

15. $0{,}6 + 0{,}51 + 0{,}501 + 0{,}5001 + \dots$

16. $\frac{1}{2} + \frac{2}{5} + \frac{3}{8} + \frac{4}{11} + \dots$

17. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{n+1}{2n+4}$. 18. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \cos \frac{1}{2n}$.

19. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n$. 20 $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{1}{\left(1 - \frac{1}{n}\right)^n}$.

2- §. Мусбат ҳадли қаторлар

$$a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots \quad (1), \quad b_1 + b_2 + \dots + b_n + \dots \quad (2)$$

мусбат ҳадли қаторлар берилган бўлсин, яъни $a_n \geqslant 0$, $b_n \geqslant 0$ $\forall n \in N$.

1) Солиштириш аломати. Агар $\forall n \in N$ учун $a_n \leqslant l$ ўринли бўлиб, (2) қатор яқинлашувчи бўлса, (1) қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва (1) қатор узоқлашувчи бўлганда (2) қатор ҳам узоқлашувчи бўлади.

Бу аломат n нинг бирор $n_0 \in N$ қийматидан бошлаб барча $n > n_0$ учун $a_n \leqslant b_n$ бўлганда ҳам ўринлидир.

2) 2-солиштириш аломати. Агар чекли $\lim\limits_{n \to \infty} \frac{a_n}{b_n} = K \neq 0$ мавжуд бўлса, у ҳолда (1) ва (2) қаторлар бир вақтда ё яқинлашувчи, ё узоқлашувчи бўлади.

3) **Коши аломати.** Агар (1) учун $\lim\limits_{n\to\infty} \sqrt[n]{a_n} = l$ мавжуд бўлиб, $l < 1$ бўлса, у ҳолда (1) қатор яқинлашувчи, $l > 1$ да эса узоқлашувчи бўлади.

4) **Даламбер аломати.** Агар (1) учун $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{a_{n+1}}{a_n} = l$ мавжуд бўлиб, $l < 1$ бўлса, қатор яқинлашувчи, $l > 1$ да узоқлашувчи бўлади.

5) **Коши интеграл аломати.** Агар $f(x)$ функция $[1; +\infty]$ да узлуксиз, камаювчи, мусбат бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} f(n)$ қатор ва $\int\limits_1^{+\infty} f(x)dx$ хосмас интеграл бир вақтда ё яқинлашувчи, ё узоқлашувчи бўлади.

6) **Раабе аломати.** Агар (1) қатор учун $\lim\limits_{n\to\infty} n\left(\frac{a_n}{a_{n+1}} - 1\right) = l$ бўлиб, $l > 1$ бўлса, қатор яқинлашувчи, $l < 1$ да узоқлашувчи бўлади.

7) **Гаусс аломати.** Агар (1) қатор учун $\frac{a_{n+1}}{a_n} = \frac{n^m + b_1 n^{m-1} + \ldots + b_m}{n^m + c_1 n^{m-1} + \ldots + c_m}$ бўлиб, $c_1 - b_1 > 1$ бўлса, қатор яқинлашувчи, $c_1 - b_1 \leqslant 1$ бўлганда узоқлашувчи бўлади.

Солиштириш аломатидан фойдаланиб, қаторларнинг яқинлашиши ёки узоқлашишини кўрсатинг.

21. $\frac{1}{3} + \frac{1}{5} + \frac{1}{9} + \ldots + \frac{1}{2^n + 1} + \ldots$

22. $\frac{1}{\ln 2} + \frac{1}{\ln 3} + \frac{1}{\ln 4} + \ldots + \frac{1}{\ln(n+1)} + \ldots$

23. $1 + \frac{1}{2^p} + \ldots + \frac{1}{n^p} + \ldots \ (p < 1).$

24. $\frac{3}{1 \cdot 4} + \frac{5}{4 \cdot 9} + \frac{7}{9 \cdot 16} + \ldots + \frac{2n+1}{n^2(n+1)^2} + \ldots$

25. $\sin^2\alpha + \frac{\sin^2 2\alpha}{8} + \ldots + \frac{\sin^2 n\alpha}{n^3} + \ldots$

26. $1 + \frac{1}{2 \cdot 5} + \frac{1}{3 \cdot 5^2} + \ldots + \frac{1}{n \cdot 5^{n-1}} + \ldots.$

Коши аломатидан фойдаланиб, қаторларни текширинг.

27. $\frac{1}{3} + \left(\frac{2}{5}\right)^2 + \left(\frac{3}{7}\right)^3 + \ldots + \left(\frac{n}{2n+1}\right)^n + \ldots$

28. $1+\frac{1}{2^2}+\frac{1}{3^3}+\ldots+\frac{1}{n^n}+\ldots$

29. $\sin\frac{1}{2}+4\cdot\sin^2\frac{1}{4}+27\cdot\sin^3\frac{1}{6}+\ldots+n^n\sin n\frac{2}{2n}+\ldots$

30. $\arcsin 1+\arcsin^2\frac{1}{2}+\arcsin^3\frac{1}{3}+\ldots+$

$+\arcsin^n\frac{1}{n}+\ldots$

Даламбер аломатидан фойдаланиб, қаторларни текширинг.

31. $1+\frac{1}{2^2}+\frac{1}{3^2}+\ldots+\frac{1}{n^2}+\ldots$

32. $\frac{10}{1!}+\frac{10^2}{2!}+\frac{10^3}{3!}+\ldots+\frac{10^n}{n!}+\ldots$

33. $\frac{1}{2}+\frac{\sqrt{2}}{2^2}+\ldots+\frac{\sqrt{n}}{2^n}+\ldots$

34. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{(2n-1)!!}{(2n)!!}\cdot\frac{1}{n}$.

Коши интеграл аломатидан фойдаланиб, қаторларни текширинг.

35. $\frac{1}{2\ln 2}+\frac{1}{3\ln 3}+\ldots+\frac{1}{(n+1)\ln(n+1)}+\ldots$

36. $1+\frac{1}{2^2}+\frac{1}{3^2}+\ldots+\frac{1}{n^2}+\ldots$

37. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n^p}$.

38. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n}$.

39. $\frac{\ln 2}{4}+\frac{\ln 3}{9}+\ldots+\frac{\ln(n+1)}{(n+1)^2}+\ldots$

40. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n\ln n\ln\ln n}$.

3- §. Ихтиёрий ҳадли қаторлар

1. Ҳар қандай икки қўшни ҳади қарама-қарши ишорали қийматларга эга бўлган қатор ишора алмашинувчи дейилади. Ишора алмашинувчи қатор

$$a_1-a_2+a_3-\ldots+(-1)^{n-1}a_n+\ldots;\ (1)\ (a_n>0,\ n\in N)$$

каби ифодаланади.

Лейбниц аломати. Агар (1)да $\forall n \in N$ учун $a_n \geqslant a_{n+1}$ (2) тенгсизлик ўрин булиб, $\lim a_n = 0$ (3) бўлса, у ҳолда (1) қатор яқинлашувчи бўлади. Агар $r_n = S - S_n$ бўлса, у ҳолда $|r_n| < a_{n+1}$ бўлади, яъни қатор йиғиндиси S ни унинг хусусий йиғиндиси S_n билан алмаштирганда хато биринчи ташланган ҳад a_{n+1} нинг модулидан катта бўлмайди.

2. Ихтиёрий ишорали ҳадларга эга қатор

$$a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_n + \dots \tag{4}$$

берилган ва

$$|a_1| + |a_2| + |a_3| + \dots + |a_n| + \dots \tag{5}$$

модуллардан тузилган қатор бўлсин.

Агар (5) қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (4) қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва (4) қатор абсолют яқинлашувчи дейилади.

Агар (4) қатор яқинлашувчи, (5) қатор эса узоқлашувчи бўлса, у ҳолда (4) қатор шартли яқинлашувчи дейилади.

3. Агар (4) қатор абсолют яқинлашувчи бўлса, унинг ҳадлари ўрнини алмаштирганда яна абсолют яқинлашувчи қатор ҳосил бўлади ва йиғиндиси ўзгармайди.

Агар (4) қатор шартли яқинлашувчи бўлса, ҳар қандай B сон учун қатор ҳадларининг ўрнини тегишлича алмаштирганда, унинг йиғиндиси худди B сондан иборат бўлади. (Риман теоремаси.)

4.

$$a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots = A \tag{4'}$$

ва

$$b_1 + b_2 + \dots + b_n + \dots = B \tag{6}$$

қаторлар учун

$$a_1b_1 + (a_1b_2 + a_2b_1) + (a_1b_3 + a_2b_2 + a_3b_1) + \dots + (a_1b_n + \dots + a_nb_1) + \dots \tag{7}$$

қатор (4) ва (6) нинг кўпайтмаси дейилади.

(4) ва (6) абсолют яқинлашувчи бўлганда, (7) ҳам яқинлашувчи бўлади ва (7) нинг йиғиндиси $C = A \cdot B$ бўлади.

Ишора алмашинувчи қаторларнинг абсолют, шартли яқинлашишини ёки узоқлашишини текширинг.

41. $1 - \frac{1}{2\sqrt[3]{2}} + \frac{1}{3\sqrt[3]{3}} - \dots$

42. $1 - \frac{1}{3} + \frac{1}{9} - \frac{1}{27} + \dots$

43. $\frac{1}{10} - \frac{1}{20} + \frac{1}{30} - \dots$

44. $\frac{1}{\ln 2} - \frac{1}{\ln 3} + \frac{1}{\ln 4} - \dots$

45. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{\cos na}{2^n}$.

46. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \sin \frac{n\pi}{3}$.

47. $\sum\limits_{n=2}^{\infty}(-1)^{n-1}\frac{\ln n}{n}$.　　48. $\sum\limits_{n=2}^{\infty}\frac{(-1)^n}{\ln n}$.

49. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n+1}}{2^n}$.　　50. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n+1}}{n^p}$.

Лейбниц аломатидан фойдаланиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб, қаторларнинг яқинлашишини текширинг.

51. $1-\frac{1}{3}+\frac{1}{2}-\frac{1}{3^3}+\frac{1}{2^2}-\frac{1}{3^5}+\ldots$

52. $1-\frac{1}{3}+\frac{1}{3}-\frac{1}{3^2}+\frac{1}{5}-\frac{1}{3^3}+\ldots$

53. $1-\frac{1}{2^3}+\frac{1}{3^4}-\frac{1}{4^3}+\frac{1}{5^4}-\ldots+\frac{1}{(2n-1)^4}-\frac{1}{(2n)^3}+\ldots$

54. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}(-1)^{n-1}\left(1+\frac{1}{n}\right)^n$.

Қатор йиғиндисини 0,01 аниқлик билан топинг.

55. $1-\frac{1}{2^4}+\frac{1}{3^4}-\frac{1}{4^4}+\ldots$

56. $-\frac{1}{2}+\frac{1}{9}-\frac{1}{28}+\frac{1}{65}-\frac{1}{126}+\ldots$

57. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n-1}}{3^n}$.　　58. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^{n-1}}{n^2}$.

$1-\frac{1}{2}+\frac{1}{3}-\frac{1}{4}+\ldots=\ln 2$ қатор ҳадлари ўринларини алмаштиришдан ҳосил бўлган қуйидаги қаторлар йиғиндиларини аниқланг.

59. $1-\frac{1}{2}-\frac{1}{4}+\frac{1}{3}-\frac{1}{6}-\frac{1}{8}+\frac{1}{5}-\ldots$

60. $1-\frac{1}{2}-\frac{1}{4}-\frac{1}{6}+\frac{1}{3}-\frac{1}{8}-\frac{1}{10}-\frac{1}{12}+\ldots$,

61. $\frac{1}{\sqrt{2}-1}-\frac{1}{\sqrt{2}+1}+\frac{1}{\sqrt{3}-1}-\ldots+\frac{1}{\sqrt{n}-1}-\frac{1}{\sqrt{n}+1}+$ $+\ldots$ ни текширинг.

62. Яқинлашувчи $1-\frac{1}{\sqrt{2}}+\frac{1}{3}-\frac{1}{\sqrt{4}}+\ldots$ қатор ҳадларининг ўрнини шундай алмаштирингки, узоқлашувчи қатор ҳосил бўлсин.

63. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n!}$ ва $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{(-1)^n}{n!}$ қаторларнинг кўпайтмаси 1 га тенг бўлишини кўрсатинг.

64. $\left(\sum_{n=0}^{\infty}\frac{1}{n!}\right)^2=\sum_{n=0}^{\infty}\frac{2^n}{n!}$ эканлигини кўрсатинг.

65. $1-\frac{1}{\sqrt[3]{2}}+\frac{1}{\sqrt[3]{3}}-\frac{1}{\sqrt[3]{4}}+\ldots$ — шартли яқинлашувчи қаторнинг квадрати яқинлашувчи бўладими?

66. Агар $\sum_{n=1}^{\infty}a_n^2$ ва $\sum_{n=1}^{\infty}b_n^2$ қаторлар яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $\sum_{n=1}^{\infty}a_nb_n$ абсолют яқинлашувчи бўлишини исботланг.

67. $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n}$ ва $\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1}{2n}$ қаторларнинг айирмаси яқинлашувчими?

68. Йиғиндиси яқинлашувчи, айирмаси эса узоқлашувчи бўлган иккита қатор топинг.

69. Бири яқинлашувчи, иккинчиси узоқлашувчи бўлган икки қаторнинг йиғиндиси қандай қатор бўлади? Ҳар иккаласи узоқлашувчи бўлганда-чи?

70. $1-\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{8}{2}\right)^n$ ва $1+\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{3}{2}\right)^{n-1}\left(2^n+\frac{1}{2^{n+1}}\right)$ узоқлашувчи қатордардир. Уларнинг кўпайтмаси абсолют яқинлашувчи бўлишини кўрсатинг.

IX БОБ. ФУНКЦИОНАЛ ҚАТОРЛАР

1-§. Функционал қаторнинг яқинлашиш соҳаси. Текис яқинлашиш

1. $u_1(x)$, $u_2(x)$, $\ldots$, $u_n(x)$, $\ldots$ функциялар бирор E соҳада аниқланган бўлсин.

$$u_1(x) + u_2(x) + \ldots + u_n(x) + \ldots \qquad (1)$$

функционал қатор $x = x_0 \in E$ да сонли қатор $u_1(x_0) + u_2(x_0) + \ldots + u_n(x_0) + \ldots$ (2) га айланади.

Агар (2) яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (1) функционал қатор x_0 да яқинлашади ёки x_0 (1) нинг яқинлашиш нуқтаси дейилади. (1) қаторнинг барча яқинлашиш нуқталарининг тўплами (1) нинг яқинлашиш соҳаси дейилади ва $S(x) = \lim\limits_{n\to\infty} S_n(x) = \sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ — (1) қаторнинг йиғиндиси дейилади. $R_n(x) = S(x) - S_n(x)$ — қаторнинг қолдиғи дейилади.

2. Агар $\forall \varepsilon > 0\ \exists N n > N$ ва $\forall\ x \in E \Longrightarrow |R_n(x)| < \varepsilon$ бўлса, $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қатор E тўпламда текис яқинлашувчи дейилади.

Функционал қаторнинг текис яқинлашиш критерийси:

Агар $\forall\ \varepsilon > 0\ \exists N\ n > N$ ва $\forall x \in E \Longrightarrow |u_{n+1}(x) + \ldots + u_{n+m}(x)| < \varepsilon$ бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ функционал қатор Eда текис яқинлашувчи бўлади ва аксинча.

Вейерштрасс аломати.

Агар берилган $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ функционал қатор учун $\forall n \in N$ $\forall x \in E \Longrightarrow |u_n(x)| \leqslant c_n$ ни қаноатлантирадиган яқинлашувчи сонли қатор $\sum\limits_{n=1}^{\infty} c_n$ мавжуд бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қатор E да текис яқинлашувчи ва ҳар бир $x \in E$ нуқтада абсолют яқинлашувчи бўлади.

3. Текис яқинлашувчи қаторларнинг асосий хоссалари:

а) ҳадлари узлуксиз функциялардан тузилган текис яқинлашувчи қаторнинг йиғиндиси ўша соҳада узлуксиз функция бўлади.

б) узлуксиз функциялардан тузилган текис яқинлашувчи қаторни ҳадлаб интеграллаш мумкин, яъни $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \int\limits_a^b u_n(x)dx =$

$$= \int\limits_a^b \left(\sum_{n=1}^{\infty} u_n(x) \right) dx.$$

в) Агар $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қаторнинг ҳар бир ҳади J оралиқда узлуксиз дифференциалланувчи ва J да яқинлашувчи, $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n'(x)$ қатор J да текис яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)$ қаторни ҳадлаб дифференциаллаш мумкин, яъни $\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n'(x) = \left(\sum\limits_{n=1}^{\infty} u_n(x)\right)'$.

Функционал қаторларнинг яқинлашиш соҳасини топинг.

1. $1 + 2!x + 3!x^2 + \ldots + n!x^{n-1} + \ldots$

2. $1 + \frac{1}{x} + \frac{1}{x^2} + \ldots + \frac{1}{x^n} + \ldots$

3. $\frac{x+2}{x+3} + \left(\frac{x+2}{x+3}\right)^2 + \ldots + \left(\frac{x+2}{x+3}\right)^n + \ldots$

4. $\frac{1}{x} + \frac{1}{3x^3} + \frac{1}{5x^5} + \ldots + \frac{1}{(2n-1)x^{2n-1}} + \ldots$

5. $1 + \frac{1}{2^x} + \frac{1}{3^x} + \ldots + \frac{1}{n^x} + \ldots$

6. $\frac{x}{x+1} + \frac{1}{2}\left(\frac{x}{x+1}\right)^2 + \ldots + \frac{1}{n}\left(\frac{x}{x+1}\right)^n + \ldots$

Функционал қаторларнинг текис яқинлашишини текширинг.

7. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} a^n \cos n^2 x \ (|a| < 1)$. 8. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{1}{x^2+2^n}$.

9. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{(-1)^{n+1}}{x^{2n}+n}$.

10. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} x^n$ қатор]-1; 1[да текис яқинлашувчи эмас. Текширинг.

Вейерштрасс аломати ёрдамида текширинг.

11. $\sin 2x + \frac{1}{2^2}\sin^2 2x + \frac{1}{3^2}\sin^3 2x + \ldots$

12. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{\cos nx}{3^n}$.

13. $1+\frac{\cos x}{1!}+\frac{\cos^2 x}{2!}+\dots+\frac{\cos^n x}{n!}+\dots$ қаторни ҳадлаб интеграллаш мумкинми?

14. $\sin x+\frac{\sin 2x}{2^5}+\frac{\sin 3x}{3^5}+\dots+\frac{\sin nx}{n^5}+\dots$ қаторни ҳадлаб дифференциаллаш мумкинми?

Ушбу функционал қаторлар йиғиндиси узлуксизми, текширинг:

15. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{x^n}{2^n(1+x^{2n})}$.

16. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n^4+n^2x^2}$.

2-§. Даражали қаторлар

1. $a_0+a_1(x-x_0)+a_2(x-x_0)^2+\dots+a_n(x-x_0)^n+\dots$ (1)
кўринишдаги қатор даражали қатор дейилади.

$$x_0=0 \text{ да } a_0+a_1x+a_2x^2+\dots+a_nx^n+\dots \qquad (2)$$

қатор x нин даражалари бўйича ёйилган қатор дейилади.

(2) нинг яқинлашиш радиуси деб шундай R сонга айтиладики, $|x|<R$ да (2) қатор яқинлашувчи ва $|x|>R$ да узоқлашувчи бўлади. $]-R; R[$ эса (2) қаторнинг яқинлашиш интервали дейилади.

(2) қаторнин яқинлашиш радиуси Коши—Адамар формулалари ёрдамида ҳисобланади:

$$R=\overline{\lim_{n\to\infty}}\left|\frac{a_n}{a_{n+1}}\right|,\quad R=\frac{1}{\overline{\lim\limits_{n\to\infty}}\sqrt[n]{|a_n|}}.$$

(1) қаторнинг яқинлашиш интервали $]x_0-R; x_0+R[$ бўлади.

2. а) $]-R; R[$ яқинлашиш интервалида жойлашган ҳар қандай $[a; b]$ да (2) қатор текис яқинлашувчи бўлади.

б) Яқинлашиш интервалида (2) қатор йиғиндиси узлуксиз функция бўлади.

в) (2) қаторни яқинлашиш интервалида жойлашган ҳар қандай кесмада ҳадлаб интеграллаш мумкин:

$$\int_{-r}^{r}\sum_{n=0}^{\infty}a_nx^ndx=\sum_{n=0}^{\infty}a_n\int_{-r}^{r}x^ndx,\quad \forall[-r; r]\subset]-R; R[.$$

г) $a_0+a_1x+a_2x^2+\dots+a_nx^n+\dots$ (2) ва $a_1+2a_2x+\dots+na_nx^{n-1}+\dots$ (2′)
қаторлар бир хил яқинлашиш радиусларига эга.

(2) қаторни $\forall[-r, r]\subset]-R;\ R[$ да ҳадлаб дифференциаллаш мумкин:

$$\left(\sum_{n=0}^{\infty} a_n x^n\right)' = \sum_{n=0}^{\infty} n a_n x^{n-1}.$$

Даражали қаторларнинг яқинлашиш радиусларини, яқинлашиш интервалларини ва яқинлашиш соҳаларини топинг.

17. $1-3x+9x^2-27x^3+\dots$

18. $1+5x+2\cdot 25x^2+3\cdot 125x^3+\dots$

19. $x+2!x^2+3!x^3+\dots$

20. $(x+5)+\frac{(x+5)^2}{2^4}+\frac{(x+5)^3}{3^4}+\dots$

21. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} 10^{2n}(2x-3)^{2n-1}.$

22 $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{n!\,2^n}{(2n)!}x^{2n}.$

23. $\sum\limits_{n=0}^{\infty} (-2)^n x^{2n}.$

24. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{n^5}{(n+1)!}(x+5)^{2n+1}.$

Қаторларнинг йиғиндиларини топинг.

25. $1+2x+3x^2+4x^3+\dots$

26. $x+x^3+x^4+\dots$

27. $1\cdot 2+2\cdot 3x+3\cdot 4x^2+\dots$

28. $-2x+4x^3-6x^5+8x^7-\dots$

29. $x+\frac{x^3}{3}+\frac{x^5}{5}+\dots$

30 $x+(x^2-x)+(x^3-x^2)+\dots$

3-§. Тейлор қатори

1. Агар $f(x)$ функция x_0 нуқтанинг бирор $u(x_0, \delta)$ атрофида исталган марта дифференциалланувчи ва шу оралиқда $|f^n(x)|<M$ тенгсизлик ўринли бўлиб, M сони n га боғлиқ бўлмаса, у ҳолда $f(x)$ функция ўзининг Тейлор қаторига ёйилади дейилади:

$$f(x)=f(x_0)+\frac{f'(x_0)}{1!}(x-x_0)+\frac{f''(x_0)}{2!}(x-x_0)^2+$$
$$+\dots+\frac{f^{(n)}(x_0)}{n!}(x-x_0)^n+\dots \qquad (1)$$

$x_0 = 0$ да

$$f(x) = f(0) + \frac{f'(0)}{1!}x + \frac{f''(0)}{2!}x^2 + \ldots + \frac{f^{(n)}(0)}{n!}x^n + \ldots \quad (2)$$

(2) қатор Маклорен қатори деб юритилади.

2. Қуйида баъзи функцияларнинг Тейлор қаторига ёйилмаларини келтирамиз:

$$e^x = 1 + \frac{x}{1!} + \frac{x^2}{2!} + \ldots + \frac{x^n}{n!} + \ldots, \ x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\sin x = \frac{x}{1!} - \frac{x^3}{3!} + \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^{2n-1}}{(2n-1)!} + \ldots; \ x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\cos x = 1 - \frac{x^2}{2!} + \frac{x^4}{4!} - \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^{2n}}{2n!} + \ldots;$$

$$x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\operatorname{sh} x = \frac{x}{1!} + \frac{x^3}{3!} + \frac{x^5}{5!} + \ldots + \frac{x^{2n-1}}{(2n-1)!} + \ldots; \ x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$\operatorname{ch} x = 1 + \frac{x^2}{2!} + \frac{x^4}{4!} + \ldots + \frac{x^{2n}}{2n!} + \ldots; \ x \in]-\infty; +\infty[.$$

$$(1+x)^\alpha = 1 + \frac{\alpha}{1!}x + \frac{\alpha(\alpha-1)}{2!}x^2 + \ldots +$$

$$+ \frac{\alpha(\alpha-1)\ldots(\alpha-n+1)}{n!}x^n + \ldots; \ x \in]-1; 1[.$$

$$\ln(1+x) = x - \frac{x^2}{2} + \frac{x^3}{3} - \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^n}{n} + \ldots; \ x \in]-1; 1[.$$

$$\operatorname{arctg} x = x - \frac{x^3}{3} + \frac{x^5}{5} - \ldots + (-1)^{n-1}\frac{x^{2n-1}}{2n-1} + \ldots;$$

$$x \in [-1; 1].$$

$$\arcsin x = x + \frac{1}{2}\cdot\frac{x^3}{3} + \frac{1\cdot 3}{2\cdot 4}\frac{x^5}{5} + \ldots +$$

$$+ \frac{(2n-1)!!}{(2n)!!}\frac{x^{2n+1}}{2n+1} + \ldots; \ x \in]-1; 1[.$$

$$\operatorname{tg} x = x + \frac{1}{3}x^3 + \frac{2}{15}x^5 + \frac{17}{315}x^7 + \frac{62}{2835}x^9 + \ldots;$$

$$x \in \left]-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2}\right[.$$

Қуйидаги функцияларни турли усуллардан (алгебраик, ҳадлаб интеграллаш ва дифференциаллаш) фойдаланиб, x нинг даражалари бўйича Тейлор (Маклорен) қаторига ёйинг.

31. $f(x) = e^{-x^2}$. **32.** $f(x) = \frac{\sin x}{x}$.

33. $f(x)=\frac{e^x-1}{x}$. 34. $f(x)=\frac{\arcsin x}{x}$.

$x-a$ даражалари бўйича Тейлор қаторига ёйинг.

35. $f(x)=\ln x$; $a=1$.

36 $f(x)=e^x$; $a=-4$.

37. $f(x)=x^4+2x^3+5x^2+2x+4$; $a=-3$.

38. $f(x)=\frac{1}{x}$; $a=-2$.

x нинг даражалари бўйича ёйилганда қаторнинг биринчи тўрт ҳадини топинг.

39. $f(x)=\sec x$. 40. $f(x)=e^{\cos x}$.

41. $f(x)=\operatorname{th} x$. 42. $f(x)=\ln\cos x$.

Қаторларнинг кўпайтириш қоидасидан фойдаланиб, x нинг даражалари бўйича ёйилмаларни топинг.

43. $f(x)=e^x\sin x$. 44. $f(x)=\cos^2 x$.

45. $f(x)=\operatorname{arctg}^2 x$. 46. $f(x)=\frac{\arcsin^2 x}{x^2}$.

Қуйидаги функцияларни Маклорен қаторига ёйиб бўладими?

47. $f(x)=\frac{1}{x+1}$. 48. $f(x)=\ln x$.

49. $f(x)=|x|$. 50. $f(x)=\sqrt{x}$.

4-§. Тақрибий ҳисоблашлар

Агар берилган $f(x)$ функция қаторга ёйилган бўлса, бу функциянинг бирор $x=x_0$ нуқтадаги тақрибий қийматини топиш учун: 1) қаторнинг биринчи n та ҳади йиғиндиси $S_n=\sum_{k=1}^{n}a_k x_0^k$ топилади; 2) қатор йиғиндисининг аниқ қиймати S билан S_n орасидаги $S-S_n$ фарқ, яъни R_n қолдиқ баҳоланади.

Тақрибий ҳисоблашларни бажаринг:

51. $\sin 18^\circ$ ни 0,001 аниқликкача.

52. $\cos 1^\circ$ ни 0,0001 аниқликкача.

53. $\sqrt[3]{30}$ ни 0,001 аниқликкача.

54. $\sqrt[5]{1,1}$ ни 0,0001 аниқликкача.

55. $\sqrt{e}$ ни 0,0001 аниқликкача.

56. $\ln 2$ ни 0,0001 аниқликкача.

57. $\sqrt[3]{1,06}$ ни 0,0001 аниқликкача.

58. $\frac{\pi}{4} = \operatorname{arctg}\frac{1}{2} + \operatorname{arctg}\frac{1}{3}$ дан π ни 0,001 аниқликкача ҳисобланг.

Қуйидаги интегралларни 0,001 аниқликкача тақрибий ҳисобланг:

59. $\int\limits_0^1 e^{-t^2}\,dt.$ 60. $\int\limits_0^1 \frac{\sin x}{x}\,dx.$

61. $\int\limits_0^{0,1} \frac{e^x - 1}{x}\,dx.$ 62. $\int\limits_0^{0,5} \frac{\arcsin t}{t}\,dt.$

Лимитларни ҳисобланг:

63. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{2e^x - 2 - 2x - x^2}{x - \sin x}.$ 64. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sin x - \operatorname{arctg} x}{x}.$

IX бобга доир аралаш масалалар

65. $y = \sum\limits_{n=0}^{\infty}\frac{x^n}{(n!)^2}$ қатор $xy'' + y' - y = 0$ тенгламани қаноатлантиришини текширинг.

66. $y = \sum\limits_{n=0}^{\infty}\frac{x^{4n}}{(4n)!}$ қатор $y^{\mathrm{IV}} = y$ тенгламани қаноатлантиришини текширинг.

67. $y = \frac{x}{1 + x - 2x^2}$ ни x нинг даражалари бўйича ёйинг.

68. $y = x^x$ ни $x - 1$ нинг даражалари бўйича ёйилганда биринчи 3 та ҳадини топинг.

69. $1 + \frac{\alpha\cdot\beta}{1\cdot\gamma}x + \frac{\alpha(\alpha+1)\beta(\beta+1)}{1\cdot 2\cdot\gamma(\gamma+1)}x^2 + \ldots +$
$+ \frac{\alpha(\alpha+1)\ldots(\alpha+n-1)\beta(\beta+1)\ldots(\beta+n-1)}{1\cdot 2\ldots n\cdot\gamma(\gamma+1)\ldots(\gamma+n-1)}x^n + \ldots$

гипергеометрик қаторнинг яқинлашиш соҳасини аниқланг.

70. $f(x)=\sqrt{1-x^2}\arcsin x$ ни Маклорен қаторига ёйинг.

71. $\varphi(x)=\frac{1}{\sqrt{1+x^2}}$ функциянинг Маклорен қаторига ёйилмасидан фойдаланиб, $f(x)=\ln(x+\sqrt{1+x^2})$ нинг ёйилмасини топинг.

72. $2\sin x-\cos x=0$ тригонометрик тенгламани қаноатлантирадиган x нинг энг кичик мусбат қийматини топинг.

X БОБ. КОМПЛЕКС ҲАДЛИ ҚАТОРЛАР

1-§. Комплекс ҳадли сонли қаторлар

1. $W_1, W_2, \dots, W_n, \dots$ (1)
комплекс сонлар кетма-кетлиги берилган.

$$W_1+W_2+\dots+W_n+\dots=\sum_{n=1}^{\infty}W_n \qquad (2)$$

кўринишдаги ифода комплекс ҳадли қатор дейилади.
$S_n=W_1+\dots+W_n$ ифода (2) қаторнинг хусусий йиғиндиси дейилади.

Агар $\lim\limits_{n\to\infty}S_n=S$ бўлса, у ҳолда (2) қатор яқинлашувчи ва S унинг йиғиндиси дейилади.

$\sum\limits_{n=1}^{\infty}W_n=\sum\limits_{n=1}^{\infty}(u_n+iv_n)$ комплекс ҳадли қаторнинг яқинлашувчи бўлиши учун $\sum\limits_{n=1}^{\infty}u_n$, $\sum\limits_{n=1}^{\infty}v_n$ қаторларнинг яқинлашувчи бўлиши зарур ва етарлидир.

Агар $\sum\limits_{n=1}^{\infty}|W_n|$ яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (2) қатор абсолют яқинлашувчи дейилади.

2. Даламбер аломати.

Агар $\lim\limits_{n\to\infty}\left|\frac{W_{n+1}}{W_n}\right|=l$ *бўлиб,* $l<1$ *бўлса, (2) абсолют яқинлашувчи бўлади.*

3. Коши аломати. Агар $\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{|W_n|}=l$ **бўлиб,** $l<1$ **бўлса, (2) абсолют яқинлашувчи бўлади.**

Қаторларнинг яқинлашишини текширинг.

1. $(1+i)+\left(\frac{1}{2}+\frac{1}{3}i\right)+\left(\frac{1}{4}+\frac{1}{9}i\right)+\ldots$

2. $(1+0{,}1i)+\left(\frac{1}{2}+0{,}01i\right)+\left(\frac{1}{3}+0{,}001i\right)+\ldots$

3. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{1}{\sqrt{n+i}}$.

4. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\left(\frac{1}{\sqrt{n}}+\frac{i}{7^n}\right)$.

5. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\left(\frac{n-1}{n}+\frac{n}{n+1}i\right)$.

6. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\left(\frac{1}{n^3}+\frac{i}{n^2}\right)$.

7. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\left(\frac{1+i}{2}\right)^n$.

8. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\left(\frac{\cos n^2}{n^3}+i\frac{\sin n\alpha}{n^4}\right)$.

9. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{i^n}{n}$.

10. $\sum\limits_{n=1}^{\infty}\frac{1}{n(3+i)^n}$.

2-§. Комплекс ҳадли функционал қаторлар

1. Комплекс ҳадли даражали қаторлар

$$c_0+c_1z+c_2z^2+\ldots+c_nz^n+\ldots \tag{1}$$

кўринишдаги катор комплекс ҳадли даражали қатор дейилади. Бунда c_n — комплекс сонлар, z — комплекс ўзгарувчи.

Умумий ҳолда $\sum\limits_{n=0}^{\infty}a_n(z-z_0)^n$ (2) қатор қаралади. (2) катор учун маркази $M_0(z_0)$ нуқтада R радиусли доира мавжудки, бу доирада ($|z-z_0|<R$) (2) яқинлашувчи, доира ташқарисида ($|z-z_0|>R$) (2) узоқлашувчи бўлади, айрим ҳолларда $R=+\infty$ бўлиши мумкин, бунда (2) нинг яқинлашиш соҳаси C дан иборат бўлади Бу доира (2) нинг яқинлашиш доираси, R — яқинлашиш радиуси дейилади.

2. Яқинлашиш радиуси қуйидагича топилади:

$$R=\lim_{n\to\infty}\left|\frac{a_n}{a_{n+1}}\right|.$$

3. Маълум функцияларнинг даражали қаторга ёйилмалари:

$$e^z=1+\frac{z}{1!}+\frac{z^2}{2!}+\ldots+\frac{z^n}{n!}+\ldots$$

$$\sin z=z-\frac{z^3}{3!}+\ldots+(-1)^{n+1}\frac{z^{2n-1}}{(2n-1)!}+\ldots$$

$$\cos z=1-\frac{z^2}{2!}+\ldots+(-1)^{n+1}\frac{z^{2n}}{2n!}+\ldots$$

4. Эйлер формулалари

$$e^{iz} = \cos z + i \sin z; \qquad (1)$$

$$\cos z = \frac{e^{iz} + e^{-iz}}{2}; \qquad (2)$$

$$\sin z = \frac{e^{iz} - e^{-iz}}{2i}; \qquad (3)$$

$$e^{z} = e^{x} (\cos y + i \sin y); \qquad (4)$$

$$e^{-iz} = \cos z - i \sin z; \qquad (5)$$

$$\operatorname{ch} z = \frac{e^{z} + e^{-z}}{2}; \qquad (6)$$

$$\operatorname{sh} z = \frac{e^{z} - e^{-z}}{2}; \qquad (7)$$

$$\cos z = \operatorname{ch} iz; \qquad (8)$$

$$i \sin z = \operatorname{sh} iz. \qquad (9)$$

Қаторларнинг яқинлашиш радиусини, яқинлашиш соҳасини топинг.

11. $\sum\limits_{n=0}^{\infty} z^{n}$. **12.** $\sum\limits_{n=0}^{\infty} \frac{1}{z^{n}}$.

13. $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{(z - z_0)^{n}}{n}$. **14.** $\sum\limits_{n=1}^{\infty} \frac{(z - z_0)^{n}}{n^{2}}$.

Қуйидагиларни каррали ёй тригонометрик функциялари орқали ифодаланг.

15. $f(x) = \sin^{6} x$. **16.** $f(x) = \sin^{3} x \cos^{4} x$.

17. $f(x) = \cos^{3} x$. **18.** $f(x) = \sin^{4} x$.

19. Эйлер формулалари ёрдамида i^{i} нинг чексиз кўп ҳақиқий қийматлари борлигини кўрсатинг.

20. $e^{2\pi i} = 1$ эканини кўрсатинг.

X бобга доир аралаш масалалар

21. $z = x + iy$ учун $\cos z = \cos x \operatorname{ch} y - i \sin x \operatorname{sh} y$ ва $\sin z = \sin x \operatorname{ch} y + i \cos x \operatorname{sh} y$ ни келтириб чиқаринг.

22. $z = x + iy$ учун $\operatorname{ch} z = \operatorname{ch} x \cos y + i \operatorname{sh} x \sin y$ ва $\operatorname{sh} z = \operatorname{sh} x \cos y + i \operatorname{ch} x \sin y$ ни келтириб чиқаринг.

23. $\sin z = 0$ тенгламани ечинг.

24. $\operatorname{ch} z = 0$ ни ечинг.

XI БОБ. КЎП АРГУМЕНТЛИ ФУНКЦИЯЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ҲИСОБИ

1-§. Метрик фазолар

1. n та $x_1, x_2, \dots, x_n$ ҳақиқий сонларнинг тартибланган $x = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ системаси n ўлчовли арифметик нуқта дейилади. Барча n ўлчовли арифметик нуқталар тўплами n ўлчовли арифметик фазо дейилади. Агар иккита $x = (x_1, x_2, \dots, x_n)$ ва $y = (y_1, y_2, \dots, y_n)$ нуқталар орасидаги масофа

$$\rho(x,y) = \sqrt{(x_1 - y_1)^2 + (x_2 - y_2)^2 + \dots + (x_n - y_n)^2}$$

формула билан аниқланса, ҳосил бўлган фазо n ўлчовли Евклид фазоси дейилади ва R^n билан белгиланади.

2. l_2 — ҳақиқий фазо. $x = (x_1, x_2, \dots, x_n, \dots)$—ҳақиқий сонлар кетма-кетлиги учун $\sum\limits_{n=1}^{\infty} x_n^2$, қатор яқинлашувчи бўлса, x l_2 нинг нуқтаси бўлади. Агар $x = (x_1, x_2, \dots, x_n, \dots)$ ва $y = (y_1, y_2, \dots, y_n, \dots)$ лар l_2 нинг нуқталари бўлса, у ҳолда улар орасидаги масофа $\rho(x, y) = \sqrt{\sum\limits_{n=1}^{\infty}(x_n - y_n)^2}$ формула билан аниқланади.

3. $C = C[a; b]$ — фазо. $[a; b]$ сегментда узлуксиз бўлган барча ҳақиқий функциялар тўплами. $C[a, b]$ да f, $g \in C$ лар орасидаги масофа $\rho(f, g) = \max\limits_{a \leqslant x \leqslant b} |f(x) - g(x)|$ формула билан аниқланади.

1. R^2 да координаталари $|x - 2| \leqslant 1$, $|y + 1| \leqslant 1$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи нуқталар тўплами қандай соҳани ифодалайди? Чизмани чизинг.

2. R^2 да координаталари $|x - 1| \leqslant 2$, $|y - 2| \leqslant 1$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи нуқталар тўплами қандай соҳани ифодалайди? Чизмани чизинг.

Текисликда қуйидаги тенгсизликлар билан берилган соҳаларнинг чизмаларини чизинг:

3. а) $y \leqslant 2x + 4$,

б) $(x-4)^2 + (y+6)^2 \leqslant 25$,

в) $\begin{cases} x^2 + y^2 \geqslant 9, \\ x^2 + y^2 \leqslant 16, \end{cases}$

4. а) $y^2 \leqslant 6x$,

б) $(x+3)^2 + (y-6)^2 \leqslant 36$,

в) $\begin{cases} x^2 + y^2 \leqslant 25, \\ y > 2x^2. \end{cases}$

Қуйидаги кетма-кетликларнинг лимитларини топинг:

5. а) $\left(M_k\left(\frac{1}{3k}, \frac{3k - 1}{5k + 1}\right)\right)$,

б) $\left(M_k\left(\frac{1}{2^k}, 1 + \frac{1}{k}\right)\right)$, в) $\left(M_k\left(\frac{1}{k}\cos\frac{k\pi}{2}, \frac{(-1)^k}{k}\right)\right)$,

г) $\left(M_k\left(\frac{k+1}{k^2+1}, \frac{1}{k}, \frac{2k-1}{3-4k}\right)\right)$,

д) $\left(M_k\left(\left(1+\frac{1}{k}\right)^{k+4}, \frac{2k}{4k^2-1}, \frac{\sin k}{k}\right)\right)$.

6. а) $\left(M_k\left(\frac{2}{k}, \frac{1}{2}-\frac{1}{k}\right)\right)$,

б) $\left(M_k\left(\frac{3k+1}{2k-1}, 5\right)\right)$,

в) $\left(M_k\left(\frac{k}{k+1}, \frac{2k}{3k+1}, \frac{1}{3k}\right)\right)$.

Қуйидаги кетма-кетликларнинг қайсилари l_2 фазонинг нуқтаси бўлади?

7. а) $x=\left(\frac{1}{2}, \frac{1}{4}, \ldots, \frac{1}{2^n}, \ldots\right)$,

б) $x=\left(\frac{1}{2}, \frac{2}{2^2}, \ldots, \frac{n}{2^n}, \ldots\right)$,

в) $x=\left(1, \frac{1}{2}, \ldots, \frac{1}{n}, \ldots\right)$,

г) $x=\left(\sqrt{2}, \sqrt{\frac{3}{2}}, \ldots, \sqrt{\frac{n+1}{n}}, \ldots\right)$.

8. а) $x=\left(\frac{1}{\sqrt{2!}}, \frac{1}{\sqrt{3!}}, \ldots, \frac{1}{\sqrt{n!}}, \ldots\right)$,

б) $x=\left(1, \frac{1}{\sqrt{2}}, \ldots, \frac{1}{\sqrt{n}}, \ldots\right)$,

в) $x=\left(-\frac{1}{2}, \frac{1}{2^2}, -\frac{1}{2^3}, \ldots, \frac{(-1)^n}{2^n}, \ldots\right)$.

9. $x=\left(1+\frac{1}{2}, \frac{1}{2^2}+\frac{1}{2^2}, \ldots, \frac{1}{n^2}+\frac{1}{2^n}, \ldots\right)$ ва $y=\left(1, \frac{1}{2^2}, \ldots, \frac{1}{n^2}, \ldots\right)$ нуқталар орасидаги масофа $\rho(x, y)$ ни топинг.

10. $x=\left(1+\frac{1}{3}, \frac{1}{2^2}+\frac{1}{3^2}, \ldots, \frac{1}{n^2}+\frac{1}{3^n}, \ldots\right)$ ва $y=\left(1, \frac{1}{2^2}, \ldots, \frac{1}{n^2}, \ldots\right)$ нуқталар орасидаги масофани топинг.

Икки функция орасидаги масофани топинг:

11. а) $f(x)=x^4+3$, $g(x)=8x^2$, $[-2;\ 2]$ кесмада,

б) $f(x)=e^{2x}$, $g(x)=e^{-2x}$ $[-2;\ 1]$ кесмада,

в) $f(x)=x^3+6x$, $g(x)=3x^2+2$, $[-1;\ 1]$ кесмада.

12. а) $f(x)=x^4$, $g(x)=2x^2-5$, $[-2;\ 2]$ кесмада,

б) $f(x)=x^5+1$, $g(x)=5x^4-5x^3$, $[-1;\ 2]$ кесмада.

2-§. Кўп аргументли функциялар

1. Берилган доимий C сони учун xOy текисликдаги $f(x,\ y)=C$ тенгликни қаноатлантирувчи барча нуқталар тўплами $z=f(x,\ y)$ функциянинг сатҳ чизиғи дейилади.

2. Берилган доимий C сони учун фазодаги $f(x,\ y,\ z)=C$ тенгликни қаноатлантирувчи барча нуқталар тўплами $u=f(x,\ y,\ z)$ функциянинг юксаклик сирти дейилади.

13. а) $f(x,\ y)=\frac{x+2y}{x-y}$, $f(2,1)$, $f(-3,\ -1)$, $f(a,\ b)$ $(a\neq b)$ ларни топинг.

б) $f(x,\ y)=e^{\sin(x+y)}$, $f\left(\frac{\pi}{2},\ \frac{\pi}{2}\right)$, $f\left(\frac{\pi}{2},\ \pi\right)$ ларни топинг.

14. а) $f(x,\ y)=\frac{y}{1+x}$, $f(0,1)$, $f(4,2)$, $f(a,\ b)$ ларни топинг.

б) $f(x,\ y)=y^x+x^{y-1}$, $f(1,\ 1)$, $f(1,\ 2)$, $f(2,\ 2)$ ларни топинг.

Функцияларнинг аниқланиш соҳаларини топинг.

15. $z=\frac{1}{x-y}$. 16. $z=\frac{1}{x+y}$.

17. $z=\sqrt{x+y}$. 18. $z=\sqrt{x-y}$.

19. $z=\sqrt{x+y}-\sqrt{x-y}$. 20. $z=\sqrt{x}+\sqrt{y}$.

21. $z=\sqrt{x^2+y^2-9}$. 22. $z=\sqrt{25-x^2-y^2}$.

23. $z=\ln\left(\frac{x^2}{9}+\frac{y^2}{4}-1\right)$. 24. $z=\ln(y^2-4x+8)$.

25. $z=\frac{1}{2-x^2-y^2}$. 26. $z=\frac{1}{\sqrt{x}}+\frac{1}{\sqrt{y}}$.

27. $z=\arcsin\frac{y-1}{x}$.

28. $z = \arcsin \frac{x}{2} + \arccos \frac{y}{2}$.

29. $z = \frac{\sqrt{4x - y^2}}{\ln(1 - x^2 - y^2)}$.

30. $z = \sqrt{R^2 - x^2 - y^2} + \frac{1}{\sqrt{x^2 + y^2 - r^2}}$ $(r < R)$.

31. $u = \frac{1}{\sqrt{x}} + \frac{1}{\sqrt{y}} + \frac{1}{\sqrt{z}}$.

32. $u = \sqrt{R^2 - x^2 - y^2 - z^2} + \sqrt{x^2 + y^2 + z^2 - r^2}$ $(r < R)$

Функцияларнинг сатҳ чизиқларини ясанг:

33. $z = x + y$. 34. $z = x^2 + y^2$.

35. $z = x^2 - y^2$. 36. $z = y + x^2$.

37. $z = x \cdot y$. 38. $z = x \cdot \sqrt{y - 1}$.

39. $u = \frac{x + y + z}{x - y + z}$ функциянинг юксаклик сиртларини топинг.

40. $u = x^2 + y^2 + z^2$ функциянинг юксаклик сиртларини топинг.

3-§. Кўп аргументли функциянинг лимити ва узлуксизлиги

Агар ҳар бир $\varepsilon > 0$ учун шундай $\delta > 0$ топилиб, координаталари $|x - x_0| < \delta$, $|y - y_0| < \delta$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи $M_0(x_0, y_0)$ дан бошқа барча $M(x, y)$ нуқталарда $|f(x, y) - A| < \varepsilon$ тенгсизлик ўринли бўлса, A сони $f(x, y)$ функциянинг $M_0(x_0, y_0)$ нуқтадаги лимити дейилади ва у $\lim\limits_{\substack{x \to x_0 \\ y \to y_0}} f(x, y) = A$ кўринишда ёзилади

Агар $\lim\limits_{\substack{x \to x_0 \\ y \to y_0}} f(x, y) = f(x_0, y_0)$ тенглик ўринли бўлса, $f(x, y)$ функция $M_0(x_0, y_0)$ нуқтада узлуксиз дейилади.

Функция лимитининг таърифига асосланиб тенгликларни исботланг.

41. а) $\lim\limits_{\substack{x \to 2 \\ y \to 3}} (2x + 3y) = 13$, б) $\lim\limits_{\substack{x \to 2 \\ y \to -1}} x^2 y = -4$.

42. а) $\lim\limits_{\substack{x \to 1 \\ y \to 1}} (3x - y) = 2$, б) $\lim\limits_{\substack{x \to 1 \\ y \to -1}} (x^2 + y^2) = 2$.

Лимитларни топинг.

43. $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \dfrac{\sqrt{x^2+y^2+1}-1}{x^2+y^2}$. **44.** $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \dfrac{\sin(x^2 y)}{x\cdot y}$.

45. $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \dfrac{\sin(x^3+y^3)}{x^2+y^2}$. **46.** $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \dfrac{\sqrt{1+x^2y^2}-1}{x^2+y^2}$.

47. $z=\dfrac{x+y}{x-y}$ функциянинг (0, 0) нуқтада лимитга эга эмаслигини кўрсатинг.

48. $\lim\limits_{\substack{x\to 0\\ y\to 0}} \dfrac{2xy}{x^2+y^2}$ мавжудми?

(0, 0) нуқтада қуйидаги функцияларнинг узлуксизлигини текширинг:

49. $f(x,\ y)=\dfrac{xy}{\sqrt{xy+1}-1},\ f(0{,}0)=2.$

50. $f(x,\ y)=\dfrac{\sin(xy)}{x},\ f(0{,}0)=0.$

51. $f(x,\ y)=\dfrac{x^2+2xy+y^2}{x^2-y^2},\ f(0{,}0)=0.$

52. $f(x,\ y)=\dfrac{1}{x^2+y^2},\ f(0{,}0)=0.$

4-§. Хусусий ҳосилалар ва тўла дифференциал

1. $z=f(x,\ y)$ функциянинг $M(x,\ y)$ нуқтадаги тўла орттирмаси $\Delta z=f(x+\Delta x,\ y+\Delta y)-f(x,\ y)$ ни $\Delta z=A\cdot\Delta x+B\cdot\Delta y+\alpha\cdot\Delta x+\beta\cdot\Delta y$ кўринишда ёзиш мумкин бўлса, $z=f(x,\ y)$ функция $M(x,\ y)$ нуқтада дифференциалланувчи дейилади. Бу ерда A, B лар Δx, Δy ларга боғлиқ эмас, $\Delta x\to 0$, $\Delta y\to 0$ да $\alpha\to 0$, $\beta\to 0$ бўлади. $M(x,\ y)$ нуқтада дифференциалланувчи $z=f(x,\ y)$ функция тўла орттирмасининг бош қисми $A\Delta x+B\Delta y$ унинг тўла дифференциали дейилади ва $dz=\dfrac{\partial z}{\partial x}dx+\dfrac{\partial z}{\partial y}dy$ формула ёрдамида топилади.

2. $y=f(x)$ ошкормас функция $F(x,\ y)=0$ тенглик билан берилган бўлсин, у ҳолда $\dfrac{dy}{dx}=-\dfrac{F'_x}{F'_y}$. Худди шу каби $\Phi(x, y, z)=0$ дан $\dfrac{\partial z}{\partial x}=-\dfrac{\Phi'_x}{\Phi'_z},\ \dfrac{\partial z}{\partial y}=-\dfrac{\Phi'_y}{\Phi'_z}.$

3. $z=f(x,\ y)$ функциянинг $M(x,\ y)$ нуқтадаги l йўналиш бўйича ҳосиласи деб

$\frac{\partial f}{\partial l} = \lim\limits_{M'\to M} \frac{f(M') - f(M)}{\rho(M', M)}$ га айтилади (M' нукта M нуқтадан ўтувчи l тўғри чизиқда ётади, $\rho(M', M)$ эса ориентирилган MM' кесманинг узунлиги).

Агар $z = f(x, y)$ функция $M(x, y)$ нуқтада дифференциалланувчи ва l йўналиш координата ўқлари билан α ва β бурчаклар ташкил қилса, у ҳолда

$$\frac{\partial f}{\partial l} = \frac{\partial f}{\partial x}\cos\alpha + \frac{\partial f}{\partial y}\cos\beta.$$

4. $\overrightarrow{\text{grad}}\, f = \frac{\partial f}{\partial x}\vec{i} + \frac{\partial f}{\partial y}\vec{j}$ вектор $z = f(x, y)$ функциянинг $M(x, y)$ нуқтадаги градиенти дейилади.

5. Агар $z = f(x, y)$, $x = x(t)$, $y = y(t)$ бўлса, у ҳолда $z = f(x(t), y(t))$ мураккаб функциянинг ҳосиласи (тўла ҳосила) $\frac{dz}{dt} = \frac{\partial z}{\partial x}\cdot\frac{dx}{dt} + \frac{\partial z}{\partial y}\cdot\frac{dy}{dt}$ формула бўйича топилади.

Функцияларнинг хусусий ҳосилаларини топинг.

53. $z = x - y$.

54. $z = x + y$.

55. $z = x^2y^3 + x^3y^2$.

56. $z = \frac{x^3 + y^3}{x^2 + y^2}$.

57. $z = (5x^2y - y^3 + 7)^3$.

58. $z = \sqrt{x^2 + y^3}$.

59. $z = e^{xy}$.

60. $z = e^{x^2\cdot\sin y}$.

61. $z = x^{y^2}$.

62. $z = y^{x^2+1}$.

63. $z = \ln(x + \sqrt{x^2 + y^2})$.

64. $z = \ln(x + \ln y)$.

65. $z = \frac{1}{\operatorname{arctg}\frac{x}{y}}$.

66. $z = \arcsin\frac{\sqrt{x^2 - y^2}}{\sqrt{x^2 + y^2}}$.

67. $z = \ln\operatorname{tg}\frac{x}{y}$.

68. $z = \ln\frac{\sqrt{x^2 + y^2} - x}{\sqrt{x^2 + y^2} + x}$.

69. $f(x, y) = x + y - \sqrt{x^2 + y^2}$ функция учун $f'_x(3, 4)$ ва $f'_y(3,4)$ ларни топинг.

70. $f(x, y) = \sqrt[3]{x^2 + y^3}$. $f'_x(1,1)$, $f'_y(1,1)$ ларни топинг.

71. а) $u = xy + yz + zx$, б) $u = e^{x(x^2+y^2+z^2)}$.

72. а) $u = x^3 + yz^2 + 3yx - x + z$,
б) $u = \sin(x^2 + y^2 + z^2)$.

73. $z = x^y \cdot y^x$ функция учун $x\frac{\partial z}{\partial x} + y\frac{\partial z}{\partial y} = (x + y + \ln z)z$ тенгликнинг ўринли эканини кўрсатинг.

74. $z=\ln(e^x+e^y)$ функция учун $\frac{\partial z}{\partial x}+\frac{\partial z}{\partial y}=1$ тенгликнинг ўринли эканини кўрсатинг.

Функцияларнинг тўла дифференциалларини ёзинг:

75. $z=x^2y^4-x^3y^3+x^4y^2$.

76. $z=xy-x^2y^3+x^8y$.

77. $z=\cos(xy)$.

78. $z=y^x$.

79. $z=\frac{x+y+xy}{x^2+y^2}$.

80. $z=\frac{x^2+y^2}{x^2-y^2}$.

81. $z=\mathrm{arctg}(xy)$.

82. $z=\arcsin\frac{x}{y}$.

83. $f(x,y)=3x^4+xy+y^3$ функциянинг $(1,2)$ нуқтадаги абсцисса ўқи билан 135° бурчак ташкил қилувчи йўналиш бўйича ҳосиласини топинг.

84. $f(x,\ y)=\mathrm{arctg}(xy)$ функциянинг $(1,\ 1)$ нуқтадаги биринчи чорак бурчаги биссектрисаси йўналиши бўйича ҳосиласини топинг.

85. $f(x,\ y)=\ln(e^x+e^y)$ функциянинг $(1,\ \sqrt{3})$ нуқтадаги шу нуқтадан координата бошига қаратилган йўналиш бўйича ҳосиласини топинг.

86. $f(x,\ y)=\ln(x+y)$ функциянинг $(3,4)$ нуқтадаги шу нуқтадан $(4,\ 5)$ нуқтага қаратилган йўналиш бўйича ҳосиласини топинг.

Функцияларнинг градиентларини топинг.

87. а) $z=\sqrt{4+x^2+y^2}$, $(2,1)$ да

б) $z=\mathrm{arctg}\frac{x}{y}$, $(x_0,\ y_0)$ да

88. а) $z=x^2+y^2$, $(3,2)$ да

б) $z=2xy$, $(x_0,\ y_0)$ да

89. $z=x^2+xy^2$, $x=e^{2t}$, $y=\sin t$, $\frac{dz}{dt}=?$

90. $z=\arcsin(x-y)$, $x=3t$, $y=4t^3$, $\frac{dz}{dt}=?$

91. $z=\mathrm{arctg}\frac{x+1}{y}$, $y=e^{(1+x)^2}$, $\frac{dz}{dx}=?$

92. $z=\ln(e^x+e^y)$, $y=x^8$, $\frac{dz}{dx}=?$

93. $z=x^2+\sqrt{xy}$, $x=u+v$, $y=u-v$ бўлса, $\frac{\partial z}{\partial a}$, $\frac{\partial z}{\partial v}=?$

94. $z = x^2 \ln y,\ x = \frac{u}{v},\ y = 3u - 2v$ бўлса, $\frac{\partial z}{\partial u},\ \frac{\partial z}{\partial v} = ?$

95. $z = x^2 y - y^2 x,\ x = u \cos v,\ y = u \sin v.\ \frac{\partial z}{\partial u},\ \frac{\partial z}{\partial v} = ?$

96. $z = xe^y + ye^x,\ x = u^2 + v^2,\ y = u^2 - v^2,\ \frac{\partial z}{\partial u},\ \frac{\partial z}{\partial v} = ?$

Ошкормас функцияларнинг ҳосилаларини топинг.

97. $x^3 + y^3 - 3xy = 0.$ 98. $xy = y^x.$

99. $xy - \ln y = 0.$ 100. $ye^x + e^y = 0.$

101. $xe^y + ye^x - e^{xy} = 0.$ 102. $\sin y + e^x - xy^2 = 0.$

Ошкормас функцияларнинг хусусий ҳосилаларини топинг.

103. $x^2 + z^2 - zx + xy^4 - 1 = 0.$ 104. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1.$

105. $z^3 + 3xyz = a^3.$ 106. $e^z - xyz = 0.$

Функцияларнинг барча иккинчи таргибли хусусий ҳосилаларини топинг.

107. $z = x + y + \frac{xy}{x-y}.$ 108. $z = xe^y.$

109. $z = y^{\ln x}.$ 110. $z = \sqrt[3]{x+y}.$

111. $z = \mathrm{tg}\,(x^2 + y^2).$ 112. $z = \mathrm{arctg}\,\frac{x+y}{x}.$

113. $z = x^{2y}.$ 114. $z = e^x(\cos y + x \sin y).$

115. $u = e^{xyz}.$ 116. $u = \sin(x^2 + y^2 + z^2).$

117. $f(x, y) = x^3 + 3x^2 y + 12xy^3.$

$f''_{x^2}(0,1),\ f''_{xy}(-1,\ 1),\ f''_{y^2}(2,0)$

ларни топинг.

118. $f(x, y) = x^3 + y^3 + x^3 y^3.$ $f''_{x^2}(1,1),\ f''_{xy}(1,2)$

ларни топинг.

Қуйидаги функциялар учун $\frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = \frac{\partial^2 z}{\partial y \partial x}$ тенгликнинг ўринли эканини текширинг.

119. $z = x^3 + xy^2 - 5xy^3 + y^5.$ 120. $z = x^3 + y^4 + x^2 y^2.$

121. $z = xe^y \cos(xy).$ 122. $z = xy \ln x.$

123. $z = e^x \cos y$ функция учун $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = 0$ эканини текширинг.

124. $z=\ln(e^x+e^y)$ функция учун $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}\cdot\frac{\partial^2 z}{\partial y^2}-\left(\frac{\partial^2 z}{\partial x\partial y}\right)^2=0$ эканини текширинг.

125. $x^2+y^2+z^2=2z$ ошкормас функция учун $\frac{\partial^2 z}{\partial x^2}$ ни топинг.

126. $x^2+y^3+z^4=x+z$ функция учун $\frac{\partial^2 z}{\partial x\partial y}$ ни топинг.

5-§. Юқори тартибли дифференциаллар ва Тейлор формуласи

1. Икки аргументли функция учун Тейлор формуласи қуйидагича:

$$\Delta f(x,\ y)=df(x,\ y)+\frac{1}{2!}d^2f(x,\ y)+\ldots+\frac{1}{n!}d^nf(x,\ y)+$$

$$+\frac{1}{(n+1)!}d^{n+1}f(x+\Theta\Delta x,\ y+\Theta\Delta y),\ \ 0<\Theta<1$$

ёки

$$f(x+\Delta x,\ y+\Delta y)=f(x,\ y)+\frac{\partial f}{\partial x}\Delta x+\frac{\partial f}{\partial y}\Delta y+$$

$$+\frac{1}{2}\left(\frac{\partial^2 f}{\partial x^2}\Delta x^2+2\frac{\partial^2 f}{\partial x\partial y}\Delta x\,\Delta y+\frac{\partial^2 f}{\partial y^2}\Delta y^2\right)+\ldots+R_n,$$

бу ерда R_n — қолдиқ ҳад.

2. **Сиртга ўтказилган уринма текислик ва нормалнинг тенгламаси.**

Агар сирт $F(x,\ y,\ z)=0$ тенглама билан берилган бўлса, унинг $(x_0,\ y_0,\ z_0)$ нуқтасидаги уринма текислик тенгламаси

$$F'_x(x_0,\ y_0,\ z_0)(x-x_0)+F'_y(x_0,\ y_0,\ z_0)\cdot(y-y_0)+$$

$$+F'_z(x_0,\ y_0,\ z_0)(z-z_0)=0,$$

нормал тенгламаси

$$\frac{x-x_0}{F'_x(x_0,\ y_0,\ z_0)}=\frac{y-y_0}{F'_y(x_0,\ y_0,\ z_0)}=\frac{z-z_0}{F'_z(x_0,\ y_0,\ z_0)}$$

кўринишда бўлади

Функцияларнинг иккинчи тартибли дифференциалларини топинг:

127. $z=xy^2-x^2y$.

128. $z=\frac{x}{x+y}$.

129. $z=\ln(x-y)$.

130. $z=e^{x+y^2}$.

131. $z = \frac{1}{2(x^2+y^2)}$. 132. $z = x\sin^2 y$.

133. $u = \sin(x+y+z)$. 134. $u = \ln(x+y+z)$.

135. $z = e^{x+y}$, $d^n z = ?$ 136. $z = x \cdot e^{x+y}$, $d^3 z = ?$

137. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$, $d^2 z = ?$

138. $z^3 - 3xyz = a^3$, $d^2 z = ?$

Қуйидаги функциялар учун Тейлор формуласини ёзинг, биринчи ва иккинчи тартибли ҳосилалар билан чекланинг.

139. $z = \ln(x+y)$. 140. $z = \frac{1}{x-y}$.

141. $z = e^{xy}$. 142. $z = \sqrt{x+y}$.

Уринма текислик ва нормалнинг тенгламаларини ёзинг.

143. $z = xy$, $(0, 0, 0)$ да.

144. $z = x^2 + y^2$, $(1, 1, 2)$ да.

145. $(z^2 - x^2)xyz - y^5 = 5$, $(1, 1, 2)$ да.

146. $x^3 + y^3 + z^3 + xyz - 6 = 0$, $(1, 2, -1)$ да.

147. $4 + \sqrt{x^2 + y^2 + z^2} = x + y + z$, $(2, 3, 6)$ да.

148. $e^z - z + xy = 3$, $(2, 1, 0)$ да.

6-§. Кўп аргументли функцияларнинг экстремумлари

$z = f(x, y)$ функция $M(x_0, y_0)$ нуқтада экстремумга эга бўлиб, $f'_x(x_0, y_0)$, $f'_y(x_0, y_0)$ хусусий ҳосилалар мавжуд бўлса, у ҳолда $f'_r(x_0, y_0) = 0$, $f'_y(x_0, y_0) = 0$ бўлади.

$f''_{x^2}(x_0, y_0) = A$, $f''_{y^2}(x_0, y_0) = C$, $f''_{xy}(x_0, y_0) = B$ деб олайлик. Агар $\Delta = A \cdot C - B^2 > 0$ бўлса, $M(x_0, y_0)$ нуқтада функция экстремумга эга бўлиб, $A < 0$ бўлса, максимум, $A > 0$ бўлса, минимум бўлади.

Қуйидаги функцияларнинг экстремум нуқталарини топинг.

149. $z = 3x + 6y - x^2 - xy + y^2$.

150. $z = 2xy - 3x^2 - 2y^2 + 10$.

151. $z = e^{\frac{x}{2}}(x + y^2)$. 152. $z = 3\ln x + xy^2 - y^3$.

153. $z = x^2 - xy + y^2 + 3x - 2y + 1$.

154. $z = 3x^3y - x^2y^2 + x.$

155. $2x^2 + 2y^2 + z^2 + 8xz - z + 8 = 0.$

156. $\frac{x^3}{3} + 2y^2 - z^2x + z = 0.$

157. $z = x^2 + xy + y^2 + \frac{1}{x} + \frac{1}{y}$ функция $x = y = \frac{1}{\sqrt[3]{3}}$ да минимумга эга эканини кўрсатинг.

158. $z = x^4 + y^4 - 2x^2 - 4xy - 2y^2$ функция $x = y = \sqrt{2}$ да минимумга эга эканлигини текширинг.

Функцияларнинг кўрсатилган соҳалардаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг.

159. $z = x^2 - y^2,\qquad x^2 + y^2 < 4$ доирада.

160. $z = 2xy,\qquad x^2 + y^2 \leqslant 1$ доирада.

161. $z = x^2 + y^2 - xy + x + y$, $x = 0$, $y = 0$, $x + y = -3$ тўғри чизиқлар билан чегараланган учбурчакда.

162. $z = x^2 + 2xy - 4x + 8y$, $x = 0$, $y = 0$, $x = 1$, $y = 2$ тўғри чизиқлар билан чегараланган тўғри тўртбурчакда.

163. $z = e^{-x^2-y^2}(2x^2 + 3y^2)$, $x^2 + y^2 \leqslant 4$ доирада.

164. $z = \operatorname{arctg}(x^2 - xy + y)$, $x = -2$, $x = 2$, $y = -3$, $y = 3$ тўғри чизиқлар билан чегараланган тўғри тўртбурчакда.

XI бобга доир аралаш масалалар

165. $z = \sqrt{\sin \pi (x^2 + y^2)}$ функциянинг аниклаш соҳасини топинг.

166. $z = \sqrt{x \sin y}$ функциянинг аниқланиш соҳасини топинг.

167. $z = \frac{1}{\sin \pi x} + \frac{1}{\sin \pi y}$ функциянинг узилиш нуқталарини топинг.

168. (0, 0) нуқтада
$$f(x, y) = \begin{cases} 0, & \text{агар } xy = 0, \\ 1, & \text{агар } xy \neq 0 \end{cases}$$
функциянинг иккала хусусий ҳосилалари мавжуд. Лекин шу нуқтада функция узлуксиз эмас. Текширинг.

169. $f(x, y) = \sqrt{x^2 + y^2}$ функция O (0, 0) нуқтада ихтиёрий йўналиш бўйича ҳосилага эга, лекин шу нуқтада дифференциалланувчи эмас. Текшириб кўринг.

170. $z = \sqrt{|xy|}$ функция $O(0, 0)$ нуқтада узлуксиз, иккала хусусий $f'_x(0, 0)$, $f'_y(0, 0)$ ҳосилага ҳам эга, лекин $O(0, 0)$ нуқтада дифференциалланувчи эмас. Текшириб кўринг.

171. Қуйидаги функцияларни Тейлор қаторига ёйинг.

а) $f(x, y) = e^x \cos y$,

б) $f(x, y) = \ln(1 - x) \ln(1 - y)$,

в) $f(x, y) = \dfrac{1}{1 - x - y + xy}$,

г) $f(x, y) = \sin(x^2 + y^2)$.

172. Шартли экстремумларни топинг.

а) $z = e^{xy}$, $x + y = 1$.

б) $z = xy$, $x^2 + y^2 = 4$.

173. Диагоналлари d га тенг бўлган тўғри бурчакли параллелепипедлар орасида энг катта ҳажмлисини топинг.

174. $(-1{,}5)$ нуқтадан $y^2 = x$ параболагача бўлган энг қисқа масофани топинг.

XII БОБ. КАРРАЛИ ИНТЕГРАЛЛАР

1-§. Асосий тушунчалар

1. Тўғри тўртбурчак бўйича икки каррали интеграл. Агар интеграллаш соҳаси $D = \left\{ (x, y) \,\middle|\, \begin{matrix} a \leqslant x \leqslant b \\ c \leqslant y \leqslant d \end{matrix} \right\}$ тўғри тўртбурчакдан иборат бўлса, у ҳолда икки каррали интеграл қуйидаги икки формуланинг бири билан ҳисобланади:

$$\iint\limits_{(D)} f(x, y)\, dxdy = \int\limits_c^d dy \int\limits_a^b f(x, y),\, dx, \tag{1}$$

$$\iint\limits_{(D)} f(x, y)\, dxdy = \int\limits_a^b dx \int\limits_c^d f(x, y)\, dy. \tag{2}$$

(1) ва (2) тенгликларнинг ўнг томонидаги интеграллар такрорий интеграллар дейилади. (1) даги $\int\limits_a^b f(x, y)\, dx$ ички интеграл дейилади ва $[a; b]$ да y ни ўзгармас деб x га нисбатан ҳисоблаб, би-

рор $\varphi(y)$ натижа олинади. Сўнгра $\int\limits_c^d \varphi(y)\,dy$ ташқи интеграл ҳисобланади.

2. Агар $D = [a, b;\ c, d]$ тўғри тўртбурчакда интеграл остидаги функция $f(x, y) = \varphi(x)\cdot\psi(y)$ кўринишда бўлса, у ҳолда

$$\iint\limits_D f(x, y)\,dxdy = \int\limits_a^b \varphi(x)\,dx \int\limits_c^d \psi(y)\,dy$$

кўпайтма шаклида ёзилади.

Такрорий интегралларни ҳисобланг.

1. $\int\limits_1^2 dx \int\limits_0^1 xydy.$ **2.** $\int\limits_2^3 dx \int\limits_1^2 x^2ydy.$

3. $\int\limits_0^1 dx \int\limits_0^2 x^2y^2dy.$ **4.** $\int\limits_1^2 dx \int\limits_1^2 xy^2dy.$

5. $\int\limits_1^2 dy \int\limits_1^3 \frac{dx}{x^2}.$ **6.** $\int\limits_2^3 dy \int\limits_1^2 \frac{xdx}{y^2}.$

Икки каррали интегралларни ҳисобланг.

7. $\iint\limits_D (x + y)\,dxdy;$ $D: \begin{Bmatrix} 0 \leqslant x \leqslant 1 \\ 1 \leqslant y \leqslant 2 \end{Bmatrix}.$

8. $\iint\limits_D xy^3dxdy;$ $D: \begin{Bmatrix} 0 \leqslant x \leqslant 2 \\ 1 \leqslant y \leqslant 3 \end{Bmatrix}.$

Такрорий интегралларни ҳисобланг.

9. $\int\limits_2^4 dx \int\limits_0^{x^2} xdy.$ **10.** $\int\limits_0^2 dx \int\limits_0^x x^2dy.$

11. $\int\limits_0^1 dy \int\limits_{y^2}^y xdx.$ **12.** $\int\limits_0^1 dy \int\limits_{y^2}^y x^2dx.$

13. $\int\limits_1^2 dy \int\limits_1^{\sqrt{y}} ydx.$ **14.** $\int\limits_1^2 dy \int\limits_0^{y^3} \frac{4}{y^3}\,dx.$

15. $\int\limits_0^2 dx \int\limits_0^x (x^2 + 2xy)\,dy.$ **16.** $\int\limits_0^2 dy \int\limits_0^{y^2} (x + 2y)\,dx.$

17. $\int\limits_0^1 dx \int\limits_0^x e^{\frac{y}{x}}\,dy.$ **18.** $\int\limits_0^5 dx \int\limits_0^{5-x} \sqrt{4 + x + y}\,dy.$

2-§. Икки каррали интегралларни ҳисоблаш

1. D соҳа шундай L ёпиқ эгри чизиқ билан чегараланганки, Oy ўқига параллел бўлган ҳар бир тўғри чизиқ уни кўпи билан 2 нуқтада кесиб ўтади. D соҳани Ox ўқига проекциялаcак, $[a; b]$ ҳосил қилинади. L контурда $A(a)$ ва $B(b)$ нуқталар уни икки бўлакка ажратади: уларнинг тенгламалари $y=\varphi_1(x)$ ва $y=\varphi_2(x)$; $\varphi_1(x) < \varphi_2(x)$. $x \in [a; b]$ бўлсин. Бу ҳолда D соҳа қисқача:

$$D:\left\{\begin{array}{l} a \leqslant x \leqslant b \\ \varphi_1(x) \leqslant y \leqslant \varphi_2(x) \end{array}\right\}$$

кўринишда белгиланади.

Икки каррали интеграл такрорий интеграллар ёрдамида

$$\iint\limits_{(D)} f(x,\ y)\,dx\,dy = \int\limits_a^b dx \int\limits_{\varphi_1(x)}^{\varphi_2(x)} f(x,\ y)\,dy \qquad (1)$$

кўринишда ёзилади.

2. D соҳани чегараловчи L ёпиқ контур Ox га параллел тўғри чизиқлар билан энг кўпи билан иккита умумий нуқтага эга бўлса, D соҳани Oy га проекциялаб, $[c; d]$ ни топамиз ва $x=\psi_1(y)$, $x = \psi_2(y)$, $\psi_1(y) < \psi_2(y)$ ларни ҳосил қиламиз. Бу ҳолда $\iint\limits_{(D)} f(x,y)dxdy = \int\limits_c^d dy \int\limits_{\psi_1(y)}^{\psi_2(y)} f(x,\ y)\,dx$ (2) кўринишда бўлади.

3. Агар D соҳа 1 ва 2-ҳоллардаги шартларни бир вақтда қаноатлантирса, у ҳолда икки каррали интеграл қуйидагича ҳисобланади:

$$\iint\limits_{(D)} f(x,\ y)\,dx\,dy = \int\limits_a^b dx \int\limits_{\varphi_1(x)}^{\varphi_2(x)} f(x,\ y)\,dy = \int\limits_c^d dy \int\limits_{\psi_1(y)}^{\psi_2(y)} f(x,\ y)\,dx,$$

бу тенгликлардан такрорий интегралларда интеграллаш тартибини ўзгартириш мумкинлиги келиб чиқади.

4. Агар D соҳа 1 ва 2-ҳоллардаги шартларни қаноатлантирмаса, у ҳолда D соҳани бир неча 1 ёки 2-шартларни қаноатлантирадиган соҳаларга ажратиб интегралнинг аддитивлик хоссасидан фойдаланилади.

Икки каррали интегралларни такрорий интегралларга келтириб, ундаги чегараларни қўйинг.

$$\iint\limits_{D} f(x,\ y)\,dx\,dy = \int dx \int f(x,\ y)\,dy.$$

D соҳа қуйидаги чизиқлар билан чегараланган:

19. $D:\left\{\begin{array}{l} y^2 = x, \\ x = 1. \end{array}\right.$ **20.** $D:\left\{\begin{array}{l} xy = 6, \\ x + y - 7 = 0. \end{array}\right.$

21. $D: \begin{cases} y = x^2, \\ y = x. \end{cases}$ 22. $D: \begin{cases} y^2 = 4x, \\ y = 0, \\ x = 4. \end{cases}$

23. $D: \begin{cases} y = 2x, \\ x = 0, \\ y = 4. \end{cases}$ 24. $D: \begin{cases} y^2 = 2x, \\ x^2 + y^2 = 3, \ x \geqslant 0, \\ \qquad y \geqslant 0. \end{cases}$

25. $D: \begin{cases} y = x, \\ y = x - 2, \\ y = 1, \ y = 2. \end{cases}$ 26. $D: \begin{cases} x^2 - y^2 = 1, \\ y = -2, \ y = 2. \end{cases}$

Такрорий интегралларда интеграллаш таргибини ўзгартиринг, аввал интеграллаш соҳасини чизинг.

27. $\int\limits_{-1}^{1} dx \int\limits_{x^2/2}^{-x^2+2} f(x, y)\, dy.$ 28. $\int\limits_{0}^{1} dx \int\limits_{x^3}^{x^2} f(x, y) dy.$

29. $\int\limits_{0}^{2} dx \int\limits_{x}^{2x} f(x, y)\, dy.$ 30. $\int\limits_{0}^{1} dy \int\limits_{y}^{2-y} f(x, y)\, dx.$

31. $\int\limits_{0}^{1} dy \int\limits_{\sqrt{y}}^{3-2y} f(x, y)\, dx.$ 32. $\int\limits_{0}^{1} dx \int\limits_{e^{-x}}^{e^{x}} f(x, y)\, dy.$

33. $\int\limits_{-2}^{2} dx \int\limits_{x^2}^{4} f(x, y)\, dy.$ 34. $\int\limits_{0}^{1} dy \int\limits_{0}^{2y} f(x, y)\, dx.$

Ифодаларни битта такрорий интеграл кўринишига келтиринг, олдин интеграллаш соҳасини чизинг:

35. $\int\limits_{0}^{2} dy \int\limits_{y/2}^{y} f(x, y)\, dx + \int\limits_{2}^{4} dy \int\limits_{y/2}^{2} f(x, y)\, dx.$

36. $\int\limits_{-2}^{-1} dx \int\limits_{\frac{x}{2}-1}^{4x+6} f(x, y)\, dy + \int\limits_{-1}^{6} dx \int\limits_{\frac{x}{2}-1}^{2} f(x, y)\, dy.$

37. $\int\limits_{1}^{2} dy \int\limits_{y^2/2}^{2} f(x, y)\, dx + \int\limits_{0}^{1} dy \int\limits_{y^2/2}^{1-\sqrt{1-y^2}} f(x, y)\, dx +$

$+ \int\limits_{0}^{1} dy \int\limits_{1+\sqrt{1-y^2}}^{2} f(x, y)\, dx.$

38. $\int\limits_{1}^{2} dy \int\limits_{-\sqrt{y-1}}^{\sqrt{y-1}} f(x, y)\,dx + \int\limits_{2}^{5} dy \int\limits_{-\sqrt{y-1}}^{3-y} f(x, y)\,dx.$

Икки каррали интегралларни ҳисобланг.

39. $\iint\limits_{D} x^2y dxdy$, D соҳа $y = -x^2$ ва $x = y^2$ чизиқлар билан чегараланган.

40. $\iint\limits_{D} e^{-y^2} dx\,dy$, D соҳа учлари (0; 0), (0; 1) ва (1; 1) нуқталарда бўлган учбурчак.

41. $\iint\limits_{D} xy^2 dxdy$, D соҳа $y^2 = x$, $x = 1$ чизиқлар билан чегараланган.

42. $\iint\limits_{D} (x + y^2)\,dx\,dy$, $D: \begin{cases} y^2 = x + 2, \\ y = x. \end{cases}$

43. $\iint\limits_{D} xydxdy$, D соҳа учлари (2; 4); (5; 4); (5; 2); (2; —2) бўлган тўртбурчак.

44. $\iint\limits_{D} x^2ydxdy$, D соҳа учлари (—2; 2), (—1; 2), (6; 2) бўлган учбурчак.

45. $\iint\limits_{D} xydxdy$, D соҳа $0 \leqslant x \leqslant 1$, $x \leqslant y \leqslant 3x$ тенгсизликлар билан аниқланган.

46. $\iint\limits_{D} (x + y)\,dxdy$, $D: \begin{cases} 1 \leqslant y \leqslant 2, \\ y + 3 \leqslant x \leqslant y + 5. \end{cases}$

47. $\iint\limits_{D} xdxdy$, D соҳа $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} \leqslant 1$, $x \geqslant 0$ тенгсизликлар билан аниқланган.

48. $\iint\limits_{D} xydxdy$, $D: \begin{cases} x^2 + y^2 \leqslant 1, & x \geqslant 0, \\ x^2 + 2y \geqslant 1, & y \geqslant 0. \end{cases}$

49. $\iint\limits_{D} xydxdy$, $D: \begin{cases} xy = 6, \\ x + y = 7. \end{cases}$

50. $\iint\limits_{D} x^2ydxdy$, $D: \begin{cases} x^2 + y^2 = 4, \\ x + y = 2. \end{cases}$

3- §. Икки каррали интегралларда ўзгарувчиларни алмаштириш. Қутб координаталар системасида икки каррали интеграллар

1. Агар узлуксиз дифференциалланувчи $x=\varphi(u, v)$, $y=\psi(u, v)$ функциялар D соҳани S соҳага ўзаро бир қийматли акс эттирса, у ҳолда ўзгарувчиларни алмаштириш формуласи

$$\iint\limits_D f(x, y)\,dxdy = \iint\limits_S f[\varphi(u, v), \psi(u, v)]\,|J|\,dudv \text{ бўлади.}$$

Бунда $J(u, v)$ якобиан қуйидагича ҳисобланади:

$$J = \begin{vmatrix} \frac{\partial x}{\partial u} & \frac{\partial x}{\partial v} \\ \frac{\partial y}{\partial u} & \frac{\partial y}{\partial v} \end{vmatrix}.$$

2. $x=\rho\cos\varphi$, $y=\rho\sin\varphi$ формулалар ёрдамида қутб координаталар системасига ўтиладиган бўлса, юқоридаги формулага асосан:

$$\iint\limits_D f(x, y)\,dxdy = \iint\limits_S f(\rho\cos\varphi, \rho\sin\varphi)\,\rho\,d\rho\,d\varphi$$

бўлади, бунда $|J| = \rho$.

3. Қутб координаталар системасида икки каррали интегрални такрорий интегралларга айлантириш қуйидагича бўлади:

а) агар S соҳа қутб ўқи билан $\varphi_1=\alpha$, $\varphi_2=\beta$ бурчаклар ташкил қилган нурлар ва $\rho=\rho_1(\varphi)$, $\rho=\rho_2(\varphi)$, $(\rho_1<\rho_2)$ эгри чизиқлар билан чегараланган бўлса,

$$\iint\limits_S f(\rho\cos\varphi, \rho\sin\varphi)\,\rho\,d\rho d\varphi = \int\limits_\alpha^\beta d\varphi\int\limits_{\rho_1}^{\rho_2} f(\rho\cos\varphi, \rho\sin\varphi)\,\rho\,d\rho \text{ бўлади.}$$

б) Агар S соҳа координаталар боши 0 нуқтани ўз ичига олса,

$$\iint\limits_S f(\rho\cos\varphi, \rho\sin\varphi)\,\rho\,d\rho\,d\varphi = \int\limits_0^{2\pi} d\varphi\int\limits_0^{\rho(\varphi)} f(\rho\cos\varphi, \rho\sin\varphi)\,\rho\,d\rho \text{ бўлади.}$$

Қутб координаталар системасида такрорий интегралларни ҳисобланг.

51. $\int\limits_0^{\frac{\pi}{2}} d\varphi\int\limits_0^2 \rho\cos\varphi\,d\rho.$ **52.** $\int\limits_0^{\pi} d\varphi\int\limits_1^2 \rho^3\sin\varphi\,d\rho.$

53. $\int\limits_0^{\pi} d\varphi\int\limits_0^4 \rho\sin\varphi\,d\rho.$ **54.** $\int\limits_0^{\frac{\pi}{4}} d\varphi\int\limits_0^3 \rho^2\cos 2\varphi\,d\rho.$

Қутб координаталар системасида икки каррали интегралларни ҳисобланг.

55. $\iint\limits_S \rho\sin\varphi\, d\varphi\, d\rho$; S соҳа қутб ўқидан юқорида жойлашган $0\leqslant\rho\leqslant R$ ярим доирадан иборат.

56. $\iint\limits_S \rho\sin\varphi\, d\varphi\, d\rho$; S соҳа $\rho=a$, $\varphi=\frac{\pi}{2}$, $\varphi=\pi$ лар билан чегараланган доиравий сектордан иборат.

57. $\iint\limits_S \rho^2 d\varphi\, d\rho$; S соҳа $\rho=a$ ва $\rho=2a$ айланалар билан чегараланган.

58. $\iint\limits_S \rho^2 d\varphi\, d\rho$; S соҳа $\rho=a\varphi$ спиралнинг биринчи ўрамаси ва қутб ўқи билан чегараланган.

59. $\iint\limits_S \rho^2\sin\varphi\, d\varphi\, d\rho$; S соҳа $\rho=a(1+\cos\varphi)$ кардиоида, қутб ўқи билан чегараланиб, ўқдан юқори қисми.

60. $\iint\limits_S \rho^2\sin\varphi\, d\varphi\, d\rho$; S соҳа $\rho=a(1+\cos\varphi)$ кардиоида, қутб ўқи билан чегараланиб, ўқдан пастки қисми.

Қутб координаталарни киритиб, икки каррали интегралларни ҳисобланг.

61. $\iint\limits_D xy^2\, dxdy$, D соҳа $x^2+(y-1)^2=1$, $x^2+y^2=4y$ айланалар билан чегараланган.

62 $\iint\limits_D e^{-x^2-y^2} dxdy$, D соҳа $x^2+y^2\leqslant a^2$ тенгсизлик билан аниқланган.

63. $\iint\limits_D \sqrt{x^2+y^2}\, dxdy$, D соҳа $x^2+y^2\leqslant 2Rx$, $y\geqslant 0$ тенгсизликлар билан аниқланган.

64. $\iint\limits_D \sqrt{25-x^2-y^2}\, dxdy$, D соҳа $x^2+y^2\leqslant 9$ доирадан иборат.

65. $\iint\limits_D \frac{dxdy}{\sqrt{25-x^2-y^2}}$, D соҳа $x^2+y^2\leqslant 16$ доирадан иборат.

66. $\iint\limits_D (x^2+y^2)\, dxdy$, D соҳа $x^2+y^2=1$, $x^2+y^2=4$ айланалар билан чегараланган ҳалқадан иборат

4-§. Текис фигура юзини ва жисм ҳажмларини ҳисоблаш

1. D соҳанинг юзи икки каррали интеграл ёрдамида $S_D = \iint\limits_D d\sigma$ формула бўйича хисобланади.

Тўғри бурчакли координаталарда юз элементи $d\sigma = dxdy$ бўлгани учун $S_D = \iint\limits_D dxdy$ бўлади. Эгри чизиқли координаталар системасида эса $d\sigma = | J(u, v) | dudv$ бўлгани учун $S_D = \iint\limits_D | J(u, v) | dudv$ бўлади. Хусусий ҳолда, қутб координаталар системасида $| J | = \rho$ бўлиб,

$$S_D = \iint\limits_D \rho \, d\rho \, d\varphi \text{ бўлади.}$$

2. Қуйидан $z = 0$ текислиги, юқоридан $z = f(x, y) \geqslant 0$ узлуксиз сирт, ён ёқлардан ясовчиси Oz ўқига параллел, йўналтирувчиси D соҳанинг контуридан иборат бўлган цилиндрик сирт билан чегараланган жисмнинг ҳажми

$$V = \iint\limits_D f(x, y) \, dxdy$$

формула билан ҳисобланади

3. Қутб координаталар системасида жисм ҳажми учун ушбу

$$V = \iint\limits_D f(\rho \cos \varphi, \rho \sin \varphi) \, \rho \, d\rho \, d\varphi$$

формула ўринлидир.

67. $y = 2x$, $2x - y = 7$. $x - 4y = -7$, $x - 4y = -14$ тўғри чизиқлар билан чегараланган фигура юзини икки каррали интеграл ёрдамида ҳисобланг.

68. $y^2 = x$. $y = x + 2$, $y = -2$. $y = 2$ чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

69. $x^2 + y^2 = 1$, $x + y = 1$, $y = \frac{1}{2} \left(x \geqslant 0,\ y \geqslant \frac{1}{2} \right)$ чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

70. $y = (x - 1)^2$, $y^2 + x^2 = 1$ чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

71. $y = 4 - x^2$, $3x - 2y - 6 = 0$ чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

72. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$, $\frac{x}{a} + \frac{y}{b} = 1$ $(a > 0,\ b > 0)$ чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

73. $\rho = a\cos \varphi$ эгри чизиқ билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

74. $\rho = 2\sin\varphi$, $\rho = 4\sin\varphi$ эгри чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

Қутб координаталарни киритиб қуйидаги чизиқлар билан чегараланган фигура юзини ҳисобланг.

75. $x^2 + y^2 - 2ax = 0$ ва $x^2 + y^2 - 2ay = 0$.
76. $x^2 + y^2 - 2ax = 0$ ва $x^2 + y^2 - ax = 0$.
77. $x^2 + y^2 = r^2$ ва $x^2 + y^2 - 2ry = 0$, $x = 0$.
78. $(x^2 + y^2)^2 = 2a^2(x^2 - y^2)$.

Қуйидаги сиртлар билан чегараланган жисмлар ҳажмини ҳисобланг.

79. $y = x^2$, $y = 1$, $x + y + z = 4$, $z = 0$.
80. $z = y^2 - x^2$, $y = -2$, $y = 2$.
81. $x^2 + y^2 = a^2$, $x + y + z = 2a$, $z = 0$.
82. $x + y + z = 4$, $x = 3$, $x = 0$, $y = 0$, $y = 2$, $z = 0$.
83. $y = x^2$, $y + z = 2$, $z = 0$.
84. $z = 3 - x^2 - y^2$, $z = 0$.
85. $y = x^2$, $z = x^2 + y^2$, $z = 0$, $y = 1$.
86. $z = x^2 + y^2$, $x + y = 1$ $x = 0$, $y = 0$. $z = 0$.
87. $x + 2y - z = 0$, $x - 2y + 5 = 0$, $2x + 3y - 18 = 0$, $z = 0$.
88. $2x + y - z = 0$, $x + 3y - 18 = 0$, $x - 2y - 2 = 0$, $z = 0$.
89 $z = 16 - x^2 - y^2$, $x = \pm 3$, $y = \pm 3$, $z = 0$.
90. $y = x^2$, $x = y^2$, $z = 12 + y - x^2$.

Қутб координаталар системасига ўтиш йўли билан қуйидаги сиртлар билан чегараланган жисмлар ҳажмини ҳисобланг.

91. $z = 4 - x^2 - y^2$, $z = \frac{2 + x^2 + y^2}{2}$.
92 $x^2 + y^2 + z - 4 = 0$, $z = 0$.
93. $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$, $a > 0$, $b > 0$, $c > 0$.
94. $x^2 + y^2 + z^2 = R^2$, $z = a$, $z = b$, $R > b > a > 0$.
95. $x^2 + y^2 = z^2$, $x^2 + y^2 = R^2$, $z = 0$.
96. $z = x^2 + y^2$, $x^2 + y^2 = x$, $x^2 + y^2 = 2x$, $z = 0$.
97. $x^2 + y^2 = z^2$, $x^2 + y^2 = 2y$.
98. $z = 1 - x^2 - y^2$, $y = x$, $y = \sqrt{3}x$. $z = 0$.
99. $z = ax + by + c$, $z = 0$, $x^2 + y^2 = R^2$ сиртлар билан чегараланган жисм ҳажми $\pi R^2 c$ га тенг. Исботланг.

100. $z = x^2 + y^2$, $z^2 = xy$, $z = 0$ сиртлар билан чегараланган жисм ҳажми $\frac{\pi}{192}$, исботланг.

5-§. Сирт юзини ҳисоблаш

1. а) Агар сирт $z = f(x, y)$ тенглама билан берилиб, унинг Oxy текислигига проекцияси D бўлса, у ҳолда сирт юзи $S = \iint\limits_{(D)} \sqrt{1+\left(\frac{\partial f}{\partial x}\right)^2+\left(\frac{\partial f}{\partial y}\right)^2}\,dxdy$ формула ёрдамида топилади.

Қуйидаги сирт бўлакларининг юзини топинг.

101. $x^2+y^2=R^2$ цилиндрнинг $z=0$, $z=H$ текисликлар билан кесишган қисми.

102. $x^2+y^2=R^2$ цилиндрнинг $z=0$, $z=kx$ текисликлар билан кесишган қисми.

103. $x+y+z=2a$ текисликнинг $x=0$, $y=0$, $x=a$, $y=a$ текисликлар билан кесишган қисми.

104. $z^2=2xy$ конуснинг $x+y=0$, $x=0$, $y=0$ текисликлар билан кесишган қисми.

105. $z=xy$ $(x>0, y>0)$ гиперболик параболоиднинг $x^2+y^2=R^2$ цилиндр билан кесишган қисми.

106. $y^2+z^2=x^2$ конуснинг $x^2+y^2=a^2$ цилиндр билан кесишган қисми.

107. $x^2+z^2=4$ цилиндрнинг $x^2+y^2=4$ цилиндр ичидаги қисми.

108. $x^2-y^2-z^2=0$ конуснинг $x^2+y^2=1$ цилиндр ичидаги қисми.

109. $2z=x^2+y^2$ параболоиднинг $(x^2+y^2)^2=x^2-y^2$ цилиндр билан кесишган қисми.

110. $x^2+y^2+z^2=9$ сферанинг $x^2+y^2=4$ цилиндр билан кесишган қисми.

6-§. Уч каррали интегралларни ҳисоблаш

1. Уч ўлчовли фазода T жисм берилган бўлиб, унда $u=f(x, y, z)$ функция аниқланган бўлсин.

Агар T жисм қуйидаги тенгсизликлар билан аниқланган бўлса,

$$T = \left\{ (x, y, z) \;\middle|\; \begin{array}{l} a \leqslant x \leqslant b \\ \varphi_1(x) \leqslant y \leqslant \varphi_2(x) \\ \psi_1(x, y) \leqslant z \leqslant \psi_2(x, y) \end{array} \right\},$$

у ҳолда уч каррали интеграл

$$\iiint\limits_{T} f(x, y, z)\,dxdydz = \int\limits_{a}^{b} dx \int\limits_{\varphi_1(x)}^{\varphi_2(x)} dy \int\limits_{\psi_1(x, y)}^{\psi_2(x, y)} f(x, y, z)\,dz$$

формула ёрдамида ҳисобланади.

2. $x=\rho\cos\varphi$, $y=\rho\sin\varphi$, $z=z$ цилиндрик координаталарга ўтиб, уч каррали интегрални ҳисоблаш мумкин:

$$(0\leqslant\rho<+\infty,\ 0\leqslant\varphi\leqslant 2\pi,\ -\infty<z<+\infty)$$

$$\iiint\limits_T f(x,\ y,\ z)\,dxdydz=\iiint\limits_{T'} f(\rho\cos\varphi,\ \rho\sin\varphi,\ z)\,\rho\,d\rho\,d\varphi\,dz.$$

3 $x=\rho\cos\varphi\sin\theta$, $y=\rho\sin\varphi\sin\theta$, $z=\rho\cos\theta$ сферик координаталарга ўтиб, уч каррали интегрални ҳисоблаш мумкин:

$$(0\leqslant\rho<+\infty,\ 0\leqslant\varphi\leqslant 2\pi,\ 0\leqslant\theta\leqslant\pi)$$

$$\iiint\limits_T f(x,\ y,\ z)\,dxdydz=\iiint\limits_{T'} f(\rho\cos\varphi\sin\theta,\ \ \rho\sin\varphi\sin\theta,\ \ \rho\cos\theta)\times$$

$$\times\,\rho^2\sin\theta\,d\rho\,d\varphi\,d\theta.$$

4. Агар T да $f(x,\ y,\ z)=1$ бўлса, у ҳолда T жисмнинг ҳажми $V=\iiint\limits_T dxdydz$ ёрдамида ҳисобланади.

Такрорий интегралларни ҳисобланг.

111. $\int\limits_0^1 dx\int\limits_0^3 dy\int\limits_0^2(x+y+z)\,dz.$

112. $\int\limits_0^1 dx\int\limits_0^1 dy\int\limits_0^1(3x+y+2z)\,dz.$

113. $\int\limits_0^2 dx\int\limits_0^1 dy\int\limits_0^{x+2y} dz.$

114. $\int\limits_0^1 dx\int\limits_0^x dy\int\limits_0^{\sqrt{x^2+y^2}} zdz.$

Уч каррали интегралларни ҳисобланг:

115. $\iiint\limits_T(2x+y-z)\,dxdydz;\ T:\left\{\begin{matrix}0\leqslant x\leqslant 1\\ 0\leqslant y\leqslant 1\\ 0\leqslant z\leqslant 1\end{matrix}\right\}.$

116. $\iiint\limits_T(x+y+z)\,dxdydz;\ \ T:\left\{\begin{matrix}0\leqslant x\leqslant a\\ 0\leqslant y\leqslant b\\ 0\leqslant z\leqslant c\end{matrix}\right\}.$

117. $\iiint\limits_T(3x+2y+z)\,dxdydz;\ \ T:\left\{\begin{matrix}0\leqslant x\leqslant 1\\ 0\leqslant y\leqslant 2\\ 0\leqslant z\leqslant 3\end{matrix}\right\}.$

118. $\iiint\limits_T\dfrac{dxdydz}{(1+x+y+z)^4};\ \ T:\left\{\begin{matrix}0\leqslant x\leqslant 3\\ 0\leqslant y\leqslant 2\\ 0\leqslant z\leqslant 1\end{matrix}\right\}.$

Сферик координаталарни киритиб, уч каррали интегралларни ҳисобланг:

119. $\iiint\limits_T x^2\,dxdydz$; $T - x^2 + y^2 + z^2 \leqslant R^2$ шардан иборат.

120. $\iiint\limits_T (x^2 + y^2 + z^2)\,dxdydz$; $T - x^2 + y^2 + z^2 \leqslant R^2$ шардан иборат.

121. $\iiint\limits_T (x^2 + y^2)\,dxdydz$; $T - x^2 + y^2 + z^2 \leqslant R^2$ $(z \geqslant$ $\geqslant 0)$ ярим шардан иборат.

122. $\iiint\limits_T \sqrt{x^2 + y^2 + z^2}\,dxdydz$; $T - x^2 + y^2 + z^2 \leqslant$ $\leqslant R^2$ шардан иборат.

Цилиндрик координаталарни киритиб, уч ўлчовли интегралларни ҳисобланг:

123. $\iiint\limits_T (x^2 + y^2)\,dx\,dy\,dz \quad T: \begin{cases} z = \frac{1}{2}(x^2 + y^2) - \text{айланма параболоид} \\ z = 2 - \text{текислик.} \end{cases}$

124. $\iiint\limits_T (x^2 + y^2 + z^2)^2\,dxdydz \quad T: \begin{cases} x^2 + y^2 = 1 - \text{цилиндр,} \\ y = 0,\ y = 1 - \text{текисликлар.} \end{cases}$

7-§. Каррали интегралларнинг механикага татбиқи

1. Oxy текислигида зичлиги $\rho(x,y)$ бўлган пластинка берилган.

D—пластинканинг xOy да ҳосил қилган соҳаси бўлсин. Шу пластинканинг массаси

$$M = \iint\limits_D \rho(x, y)\,dxdy$$

бўлади. Ox ва Oy ўқларга нисбатан статик моментлари мос ҳолда $M_x = \iint\limits_D y\rho(x, y)\,dxdy$ ва $M_y = \iint\limits_{(D)} x\rho(x, y)dxdy$ бўлади.

2. Пластинканинг оғирлик маркази координаталари

$$\bar{x} = \frac{M_y}{M} = \frac{\iint\limits_{(D)} x\rho(x, y)dxdy}{\iint\limits_{(D)} \rho(x, y)dxdy},$$

$$\bar{y}=\frac{M_x}{M}=\frac{\iint\limits_{D} y\rho(x,y)dxdy}{\iint\limits_{(D)} \rho(x,y)dxdy}$$

формулалар билан аниқланади.

3. Пластинканинг инерция моментлари:

$$I_x=\iint\limits_{D} y^2\rho(x,y)dxdy, \qquad I_y=\iint\limits_{D} x^2\rho(x,y)dxdy$$

формулалар билан аниқланади.

Координаталар боши $O(0,0)$ га нисбатан инерция моменти эса

$$I_0=\iint\limits_{D}(x^2+y^2)\rho(x,y)dxdy=I_x+I_y$$

формулалар билан аниқланади.

4. Жисм оғирлик марказининг координаталари қуйидагича аниқланади:

$$\bar{x}=\frac{M_{yz}}{M}=\frac{\iint\limits_{D} xzdxdy}{\iint\limits_{D} dxdy} \quad \text{ёки} \quad \bar{x}=\frac{1}{V}\iiint\limits_{(V)}\rho xdx\,dydz,$$

$$\bar{y}=\frac{M_{xz}}{M}=\frac{\iint\limits_{D} y^{z}dxdy}{\iint\limits_{D} dxdy} \quad \text{ёки} \quad \bar{y}=\frac{1}{V}\iiint\limits_{(V)}\rho y\,dx\,dy\,dz,$$

$$\bar{z}=\frac{M_{xy}}{M}=\frac{\iint\limits_{D} z^2dxdy}{\iint\limits_{D} dxdy} \quad \text{ёки} \quad \bar{z}=\frac{1}{V}\iiint\limits_{(V)}\rho z\,dx\,dy\,dz,$$

бунда $V=\iiint\limits_{(V)}\rho\,dx\,dy\,dz.$

5. Жисмнинг инерция моментини топиш учун формулалар:

$$I_z=\iint\limits_{D}(x^2+y^2)zdxdy, \quad I_{zx}=\iint\limits_{D} y^2zdxdy, \quad I_{yz}=\iint\limits_{D} x^2zdxdy.$$

6. Жисмнинг координата текисликлари ва $O(0,0)$ га нисбатан инерция моментлари

$$I_{xy}=\iiint\limits_{V}\rho z^2dxdydz, \quad I_{xz}=\iiint\limits_{V}\rho y^2dxdydz, \quad I_{yz}=\iiint\limits_{V}\rho x^2dxdydz$$

$$I_0=\iiint\limits_{V}\rho(x^2+y^2+z^2)dxdydz.$$

формулалар билан **аниқланади.**

125. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипс ва координата ўқлари билан чегараланган биринчи квадрантда жойлашган фигуранинг M_x ва M_y статик моментларини топинг. Фигиранинг зичлиги $\rho(x,y)=\alpha xy$, α — const.

126. $0\leqslant y\leqslant\sqrt{R^2-x^2}$ ярим доиранинг M_x ва M_y статик моментларини топинг. ρ — ўзгармас.

127. Учлари $A(0;0)$, $B(a;0)$, $C(0;b)$ нуқталарда бўлган учбурчакнинг M_x ва M_y статик моментларини топинг, ρ — ўзгармас

128. $0\leqslant x\leqslant a$, $0\leqslant y\leqslant b$ тўғри тўртбурчакнинг M_x, M_y статик моментларини топинг. ρ — ўзгармас.

Қуйидаги чизиқлар билан чегараланган бир жинсли фигуранинг оғирлик марказини топинг.

129. $x=-a$, $x=a$, $y=-b$, $y=b$ тўғри тўртбурчак.

130. $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ эллипснинг абсцисса ўқи юқори қисми билан чегараланган.

131. $y=x^2$ парабола ва $x+y=2$ тўғри чизиқ билан чегараланган.

132. $y=\sqrt{R^2-x^2}$, $y=0$.

Бир жинсли жисмларнинг оғирлик марказини топинг.

133. $x+y+z=4$, $x=1$, $y=1$ текисликлар ва координата текисликлари билан чегараланган кесик призма.

134. $x^2+y^2+z^2\leqslant K^2$; $z\geqslant 0$ ярим шар.

135. Радиуси 1 га тенг бир жинсли шарнинг марказига нисбатан инерция моментини топинг.

136. $z^2=x^2+y^2$ конус, $z=h$ текислик ($h>0$, $z\geqslant 0$, $\rho=1$) билан чегараланган жисмнинг координата текисликларига нисбатан инерция моментларини топинг.

XII бобга доир аралаш масалалар

137. $x^2+y^2=a^2$, $x^2+z^2=a^2$ цилиндрлар билан чегараланган жисм ҳажмини ҳисобланг.

138. $x^2+y^2+z^2=a^2$ сферанинг $x^2+y^2=ay$ цилиндр ичидаги бўлагининг сирт юзини ҳисобланг.

139. $x^2+4y^2+z=1$ ва $z=0$ сиртлар билан чегараланган жисмнинг ҳажми $\frac{\pi}{4}$ га тенг. Исботланг.

140. $x^2+y^2=R^2$ конус, $x^2+y^2=2y$ цилиндр ва $z=0$ текислик билан чегараланган жисм ҳажмини ҳисобланг.

141. $z^2=x^2+y^2$ конуснинг $x^2+y^2=2x$ цилиндр билан кесилган қисмининг сирт юзини ҳисобланг.

142. φ_1 ва φ_2 узунликларга $(\varphi_1 < \varphi_2 < \frac{\pi}{2})$ мос келган меридианлар орасидаги R радиусли шар бўлагининг ҳажмини уч каррали интеграл ёрдамида ҳисобланг.

143. R радиусли шардан учи марказда, ясовчиси a Oz ўқи билан α бурчак ҳосил қилган конус ўйиб олиб, шар сектори ҳосил қилинган, унинг ҳажмини ҳисобланг.

144 Ўзгарувчиларни алмаштириш ёрдамида қуйидаги айниятни исботланг:

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}}\int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos(2z\sin\varphi\sin\theta)d\varphi d\theta = \left\{\int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos(z\sin\lambda)d\lambda\right\}^2.$$

145 $x=\varphi(u)\cos v$, $y=\varphi(u)\sin v$, $z=\psi(u)$, $(\alpha \leqslant u \leqslant \beta$, $0 \leqslant v \leqslant 2\pi)$ айланма сирт юзини топинг.

146. $x=R\cos u\cos v$, $y=R\cos u\sin v$, $z=R\sin u$ сферанинг $u=u_1$, $u=u_2$ параллеллар ва $v=v_1$, $v=v_2$ меридианлар орасидаги бўлагининг сирт юзини топинг.

XIII БОБ ЭГРИ ЧИЗИҚЛИ ИНТЕГРАЛЛАР

1-§. Биринчи тур эгри чизиқли интеграллар

1. Текисликдаги тўғриланувчи содда эгри чизиқда „нуқта функцияси“ $f(M)=f(x,y)$, эгри чизиқни A_iA_{i+1} бўлакларга бўлиш усули $T=\{A_0, A_1, \ldots, A_n\}$ берилган бўлсин. Ҳар бир A_iA_{i+1} бўлакда ихтиёрий $M_i(\xi_i, \eta_i)$ нуқта танлаб,

$$S_T(f)=\sum_{i=0}^{n-1} f(M_i)\Delta s_i=\sum_{i=0}^{n-1} f(\xi_i, \eta_i)\Delta s_i \qquad (1)$$

интеграл йиғиндини тузамиз, бу ерда Δs_i билан A_iA_{i+1} ёй узунлиги белгиланган.

Агар $\lambda(T)=\max\Delta s_i \to 0$ да (1) интеграл йиғиндининг бўлиш усули T га ва M_i нуқталарнинг танлаб олинишига боғлиқ бўлмаган чекли лимити мавжуд бўлса, бу лимит $f(x,y)$ функциядан Γ эгри чизиқ бўйича олинган биринчи тур эгри чизиқли интеграл дейилади ва қуйидагича белгиланади:

$$I=\int_{\Gamma} f(x, y)\,ds \qquad (2)$$

бу ерда ds – ёй дифференциали.

2. Оддий аниқ интегралга келтириш.

AB эгри чизиқ

$$x = \varphi(t),\ y = \psi(t),\ (\alpha \leqslant t \leqslant \beta)$$

параметрик тенгламалар билан берилган бўлсин, бу ерда φ **ва** ψ ҳосилалари билан бирга узлуксиз бўлган функциялар. У ҳолда (2) эгри чизиқли интеграл

$$\int\limits_{AB} f(x,y)\,ds = \int\limits_{\alpha}^{\beta} f(\varphi(t),\psi(t))\sqrt{\varphi'^2(t) + \psi'^2(t)}\,dt. \qquad \textbf{(3)}$$

Агар AB эгри чизиқ ошкор $y = g(x)$ $(a \leqslant x \leqslant b)$ тенглама билан берилган бўлса, (3) формула

$$\int\limits_{AB} f(x,y)\,ds = \int\limits_{a}^{h} f(x,g(x))\sqrt{1 + g'^2(x)}\,dx \qquad \textbf{(4)}$$

кўринишни олади.

Эгри чизиқ қутб системасида $\rho = g(\theta)$ $(\theta_0 \leqslant \theta \leqslant \theta_1)$ тенглама билан берилган бўлса, (2) интеграл

$$\int\limits_{AB} f(x,y)\,ds = \int\limits_{\theta_0}^{\theta_1} f(\rho\cos\theta, \rho\sin\theta)\sqrt{\rho^2 + \rho'^2}\,d\theta \qquad \textbf{(5)}$$

формула бўйича ҳисобланади.

3. Механик масалаларга татбиқи.

Агар текис моддий AB эгри чизиқнинг зичлиги $\mu = \mu(x,y)$ бўлса, у ҳолда унинг M массаси

$$M = \int\limits_{AB} \mu(x,y)\,ds \qquad \textbf{(6)}$$

формула бўйича топилади.

Шу эгри чизиқнинг оғирлик маркази координаталарини ифодалаш формулалари эса

$$x_0 = \frac{1}{M}\int\limits_{AB} x\mu(x,y)\,ds,\ y_0 = \frac{1}{M}\int\limits_{AB} y\mu(x,y)\,ds \qquad \textbf{(7)}$$

кўринишда бўлади.

Қуйидаги эгри чизиқли интегралларни ҳисобланг.

1. $\int\limits_{\Gamma} (x+y)ds$, бу ерда Γ — учлари $O(0, 0)$, $A(1,0)$, $B(0, 1)$ нуқталарда ётувчи учбурчак контуридан иборат.

2. $\int\limits_{\Gamma} xyds$, бу ерда Γ — $x = 0$, $y = 0$, $x = 4$, $y = 2$ тўғри чизиқлар билан чегараланган тўғри тўртбурчак контури.

3. $\int\limits_{\Gamma} (x^2+y^2)^5 ds$, бу ерда Γ — $x = a\cos t$, $y = a\sin t$ айланадан иборат.

4. $\int\limits_{\Gamma} y^2 ds$, бу ерда $\Gamma - x = a(t - \sin t)$, $y = a(1 - \cos t)$ циклоиданинг биринчи арки.

5. $\int\limits_{\Gamma} \sqrt{x^2 + y^2} ds$, бу ерда $\Gamma - x^2 + y^2 = ax$ айланадан иборат.

6. $\int\limits_{\Gamma} x\sqrt{x^2 - y^2} ds$, бу ерда $\Gamma - \rho = a\sqrt{\cos 2\varphi}$ лемнискатанинг ўнг япроғи.

7. $\int\limits_{\Gamma} (x^2 + y^2 + z^2) ds$, бу ерда $\Gamma - x = a\cos t$, $y = a\sin t$, $z = bt$ винт чизиғининг биринчи ўрами.

8. $\int\limits_{\Gamma} (2z - \sqrt{x^2 + y^2}) ds$, бу ерда $\Gamma - x = t\cos t$, $y = t\sin t$, $z = t$ коник винт чизиғининг биринчи ўрамидан иборат.

9. $\int\limits_{\Gamma} x^2 ds$, бу ерда $\Gamma - x^2 + y^2 + z^2 = a^2$ сфера билан $x + y + z = 0$ текисликнинг кесишишидан ҳосил бўлган айлана.

10. $\int\limits_{\Gamma} \sqrt{2y^2 + z^2} dz$, бу ерда $\Gamma - x^2 + y^2 + z^2 = a^2$ сфера билан $x = y$ текисликнинг кесишишидан ҳосил бўлган айлана.

11. Ҳар бир нуқтадаги зичлиги шу нуқтанинг ординатасига тенг бўлган $x = a\cos t$, $y = b\sin t$ эллипснинг биринчи квадрантда ётувчи чорагининг массасини ҳисобланг.

12. Ҳар бир (x,y) нуқтадаги зичлиги $\mu(x,y) = |y|$ бўлган $y^2 = 2px$ $\left(0 \leqslant x \leqslant \frac{p}{2}\right)$ парабола ёйининг массасини ҳисобланг.

13. Бир жинсли $x = a(t - \sin t)$, $y = a(1 - \cos t)$ $(0 \leqslant t \leqslant \pi)$ циклоида ёйининг оғирлик маркази координаталарини топинг.

14. Биринчи квадрантда жойлашган $x = a\cos^3 t$, $y = a\sin^3 t$ астроида ёйининг оғирлик маркази координаталарини топинг.

15. $x = a\cos^3 t$, $y = a\sin^3 t$ бир жинсли астроиданинг биринчи квадрантда ётувчи чорагининг координата ўқларига нисбатан статик моментларини топинг.

16. $x^2 + y^2 = a^2$ бир жинсли айлананинг диаметрига нисбатан инерция моментини топинг.

2-§. Иккинчи тур эгри чизиқли интеграллар

1. Содда AB эгри чизиқда $P(M)=P(x,y)$ ва $Q(M)=Q(x,y)$ функциялар ва бу эгри чизиқни A_iA_{i+1} бўлакларга ажратиш усули $T=\{A_0,A_1, \ldots, A_n\}$ берилган бўлсин. Ҳар бир A_iA_{i+1} бўлакда ихтиёрий $M_i(\xi_i,\eta_i)$ нуқта танлаб олиб,

$$S_T(P)=\sum_{i=0}^{n-1} P(\xi_i, \eta_i)\Delta x_i$$

$$S_T(Q)=\sum_{i=0}^{n-1} Q(\xi_i, \eta_i)\Delta y_i$$

интеграл йиғиндиларни тузамиз, бу ерда Δx_i ва Δy_i лар билан мос равишда A_iA_{i+1} ёйнинг x ва y ўқларидаги проекциялари белгиланган.

Агар $\lambda(T)=\max A_iA_{i+1}\to 0$ да $S_T(P)$ ва $S_T(Q)$ йиғиндиларнинг чекли лимитлари мавжуд бўлса, у ҳолда бу лимитлар $P(x,y)$ ва $Q(x,y)$ функциялардан олинган иккинчи тур эгри чизиқли интеграллар дейилади ва мос равишда $\int\limits_{AB} P(x,y)dx$, $\int\limits_{AB} Q(x,y)\,dy$ каби белгиланади.

$$\int\limits_{AB} P\, x, y)dx+\int\limits_{AB} Q(x,y)\,dy \quad \text{йиғиндини}$$

иккинчи тур эгри чизиқли интегралларнинг умумий кўриниши деб аташ ва

$$\int\limits_{AB} P(x, y)\,dx+Q(x, y)\,dy \text{ каби ёзиш қабул қилинган.}$$

2. Оддий аниқ интегралга келтириш.

Агар AB эгри чизиқ

$$x=\varphi(t),\ y=\psi(t),\ (\alpha\leqslant t<\beta)$$

параметрик тенгламалар билан берилса, у ҳолда иккинчи тур эгри чизиқли интеграл

$$\int\limits_{AB} P(x,y)dx+Q(x,y)dy=\int_{\alpha}^{b}[P(\varphi(t),\psi(t))\varphi'(t)+Q(\varphi(t),\psi(t))\psi'(t)]dt \quad (1)$$

формула бўйича ҳисобланади.

Агар эгри чизиқ $y=f(x)$ $(a\leqslant x\leqslant b)$ тенглама билан берилса, (1) формула

$$\int\limits_{AB} P(x,y)\,dx+Q(x,y)dy=\int_{a}^{b}[P(x\,f(x))+Q(x,f(x))f'(x)]dx \quad (2)$$

кўринишни олади.

Агар $\vec{F}(x,y)=\{P(x,y), Q(x,y)\}$ — куч майдони бўлса, бу кучнинг моддий нуқтани эгри чизиқ бўйлаб силжитишда бажарган иши W иккинчи тур эгри чизиқли интеграл билан ифодаланади:

$$W=\int\limits_{AB} P(x,y)\,dx+Q(x,y)\,dy.$$

Интегралларни ҳисобланг.

17. $\int\limits_{AB}(x^2-2xy)dx+(y^2-2xy)dy$, бу ерда $AB - y=x^2$ $(0\leqslant x\leqslant 1)$ парабола.

18. $\int\limits_{\Gamma} xdy$, бу ерда $\Gamma - \frac{x}{a}+\frac{y}{b}=1$ тўғри чизиқнинг Ox ўқи билан кесишиш нуқтасидан Oy ўқи билан кесишиш нуқтасигача бўлган кесмаси

19. $\int\limits_{\Gamma}(2a-y)dx-(a-y)dy$, бу ерда $\Gamma - x=a(t-$ $-\sin t)$, $y=a(1-\cos t)$ циклоиданинг биринчи арки.

20. $\int\limits_{\Gamma} y^2dx+x^2dy$, бу ерда Γ — соат стрелкасининг ҳаракати бўйича йўналган $x=a\cos t$, $y=b\sin t$ юқори ярим эллипс.

21. $\int\limits_{\Gamma} xdx+xydy$, бу ерда Γ — соат стрелкасининг ҳаракатига тескари йўналган $x^2+y^2=2x$ юқори ярим айлана.

22. $\int\limits_{\Gamma}\frac{xy(ydx-xdy)}{x^2+y^2}$, бу ерда $\Gamma - \rho=a\sqrt{\cos 2\varphi}$ лемнискатанинг соат стрелкасининг ҳаракатига тескари йўналган ўнг япроғи.

23. $\int\limits_{\Gamma} yzdx+zxdy+xydz$, бу ерда $\Gamma - x=r\cos t$

$y=r\sin t$, $z=\frac{at}{2\pi}$ винт чизиғининг

$z=0$ текислик билан кесишиш нуқтасидан $z=a$ текислик билан кесишиш нуқтасигача бўлган ёйи.

24. $\int\limits_{\Gamma}(y^2-z^2)dx+2yzdy-x^2dz$, бу ерда Γ — параметрнинг ўсиб бориш томонига йўналган $x=t$, $y=t^2$, $z=t^3$ $(0\leqslant t\leqslant 1)$ чизиқ.

25. $\int\limits_{\Gamma} y^2dx + z^2dy + x^2dz$, бу ерда Γ — координаталар бошидан қараганда соат стрелкасининг ҳаракатига тескари йўналишда босиб ўтиладиган $x^2+y^2=ax$ $(a>0)$ цилиндр билан $x^2+y^2+z^2=a^2$ $(z\geqslant 0)$ сферанинг кесишишидан ҳосил бўлган Вивиани чизиғининг бир қисми.

26. $\int\limits_{\Gamma} (y-z)dx + (z-x)dy + (x-y)dz$, бу ерда Γ — Ox ўқининг мусбат томонидан қараганда соат стрелкасининг ҳаракатига тескари йўналишда босиб ўтиладиган $x^2+y^2+z^2=a^2$ сфера билан $y = x\operatorname{tg}\alpha$ текисликнинг кесишишидан ҳосил бўлган айлана.

27. m масса $A(x_1,\ y_1,\ z_1)$ нуқтадан $B(x_2,\ y_2,\ z_2)$ нуқтагача ихтиёрий Γ йўл бўйича силжишидаги F оғирлик кучи бажарган ишни аниқланг.

28. $x = a\cos t$, $y = b\sin t$ эллипснинг ҳар бир M нуқтасига миқдор жиҳатдан шу нуқтадан эллипснинг марказигача бўлган масофага тенг ва эллипснинг марказига қараб йўналган F куч қўйилган. Нуқта биринчи квадрантда ётувчи эллипс ёйи бўйича силжиганда F кучнинг бажарган ишини топинг.

3-§. Эгри чизиқли интегралнинг интеграллаш йўлига боғлиқ бўлмаслик шартлари. Грин формуласи

1. Агар $P(x,\ y)$ ва $Q(x,\ y)$ функциялар учун

$$\frac{\partial Q}{\partial x} = \frac{\partial P}{\partial y} \quad (1)$$ шарт бажарилса, у ҳолда

$P(x,\ y)dx + Q(x,\ y)dy$ ифода бирор $u(x,\ y)$ функциянинг тўла дифференциали бўлади ва

$$\int\limits_{AB} P(x,\ y)dx + Q(x,\ y)dy$$ интеграл

интеграллаш йўлига боғлиқ бўлмай, фақат A ва B нуқталарнинг берилиши билан бир қийматли аниқланади.

Тўла дифференциали бўйича функциянинг ўзи

$$u(x,\ y) = \int\limits_{x_0}^{x} P(t,\ y_0)dt + \int\limits_{y_0}^{y} Q(x,\ t)dt + C \qquad (2)$$

ёки

$$u(x,\ y) = \int\limits_{x_0}^{x} P(t,\ y)dt + \int\limits_{y_0}^{y} Q(x_0,\ t)dt + C \qquad (3)$$

формула орқали топилади.

2. Икки каррали ва эгри чизиқли интегралларни боғловчи

$$\iint\limits_{D}\left(\frac{\partial Q}{\partial x}-\frac{\partial P}{\partial y}\right)dxdy=\oint\limits_{\Gamma}Pdx+Qdy \tag{4}$$

формула Грин формуласи дейилиб, бу формуладан фойдаланиб, D соҳанинг юзини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$S=\oint\limits_{\Gamma}xdy=-\oint\limits_{\Gamma}ydx=\frac{1}{2}\oint\limits_{\Gamma}xdy-ydx,$$

бу ерда $\Gamma - D$ соҳанинг чегараси.

Қуйидаги тўла дифференциаллардан олинган интегралларни ҳисобланг.

29. $\int\limits_{(0,0)}^{(1,1)}(x+y)(dx+dy).$

30. $\int\limits_{(3,4)}^{(5,12)}\frac{xdx+ydy}{x^2+y^2}$ (координаталар боши интеграллаш йўлига тегишли эмас).

31. $\int\limits_{(2,1)}^{(1,2)}\frac{ydx-xdy}{x^2}$ Oy ўқи билан кесишмайдиган йўллар бўйича.

32. $\int\limits_{(-2,-1)}^{(3,0)}(x^4+4xy^3)dx+(6x^2y^2-5y^4)dy.$

33. $\int\limits_{(1,2,3)}^{(3,2,1)}yzdx+zxdy+xydz.$

34. $\int\limits_{(0,0,0)}^{(1,2,2)}\frac{xdx+ydy+zdz}{\sqrt{x^2+y^2+z^2}}.$

Қуйидаги мисолларда тўла дифференциал бўйича функцияни топинг.

35. $du=(3x^2-2xy+y^2)dx-(x^2-2xy+3y^2)dy.$

36. $du=(2x\cos y-y^2\sin x)dx+(2y\cos x-x^2\sin y)dy.$

37. $du=\frac{ydx \quad xdy}{3x^2-2xy+3y^2}.$

38. $du=\frac{(3y-x)dx+(y-3x)dy}{(x+y)^3}.$

39. $du=(x^2-2yz)dx+(y^2-2xz)dy+(z^2-2xy)dz$

40. $du = \frac{2(zxdy + xydz - yzdx)}{(x - yz)^2}$.

Грин формуласидан фойдаланиб, интегралларни ҳисобланг.

41. $\oint\limits_{\Gamma} xy^2dy - x^2ydx$, бу ерда $\Gamma - x^2 + y^2 = a^2$ айлана.

42. $\oint\limits_{\Gamma} (xy + x + y)dx + (xy + x - y)dy$, бу ерда $\Gamma -$

$x^2 + y^2 = ax$ айлана.

43. $\oint\limits_{\Gamma} e^x[(1 - \cos y)dx - (y - \sin y)dy]$, бу ерда $\Gamma -$ $0 \leqslant x \leqslant \pi$, $0 \leqslant y \leqslant \sin x$ соҳани чегараловчи мусбат йўналишдаги контур.

44. $\oint\limits_{\Gamma} (x + y)dx - (x - y)dy$, бу ерда $\Gamma -$

$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ эллипс.

45. $I = \oint\limits_{\Gamma} \frac{xdy - ydx}{x^2 + y^2}$ интегрални қуйидаги икки ҳол учун ҳисобланг.

а) координаталар боши Γ нинг ташқарисида ётади.

б) Γ контур координаталар бошини бир марта ўраб олади.

46. $I_1 = \int\limits_{AnB} (x + y)^2dx - (x - y)^2dy$

ва

$$I_2 = \int\limits_{AmB} (x + y)^2dx - (x - y)^2dy$$

интегралларнинг айирмасини ҳисобланг, бу ерда AnB—$A(0, 0)$ ва $B(1, 1)$ нуқталарни бирлаштирувчи тўғри чизиқ кесмаси, AmB эса $y = x^2$ парабола ёйи.

Эгри чизиқли интеграл ёрдамида ёпиқ чизиқлар билан чегараланган фигураларнинг юзларини ҳисобланг.

47. $x = a\cos^3 t$, $y = a\sin^3 t$.

48. $x=\frac{3t}{1+t^3}$, $y=\frac{3t^2}{1+t^3}$ Декарт сиртмоғи билан чегараланган.

49. $\rho=a\sin 2\varphi$.

50. $\rho=2a(2+\cos\varphi)$.

XIII бобга доир аралаш масалалар

51. $(\sqrt{x}+\sqrt{y})^{12}=xy$ илмоқ шаклидаги эгри чизиқ билан чегараланган фигуранинг юзини топинг

52. Иккита нуқтавий массалар тортишиш кучининг уларнинг биттасини силжитишда бажарган ишининг йўл шаклига боғлиқ эмаслигини кўрсатинг. Ньютон қонунига биноан, тортишиш кучи $F=k\frac{m_1m_2}{r^2}$ формула билан аниқланади, бу ерда r— иккита нуқта орасидаги масофа, m_1 ва m_2—шу нуқталарда тўпланган массалар, k—гравитацион доимий.

53. $u(x,\ y)=\oint\limits_{\Gamma}\frac{\cos(\vec{r},\ \vec{n})}{r}\,ds$ Гаусс интегралини ҳисобланг, бу ерда $r=\sqrt{(x-\xi)^2+(y-\eta)^2}$ — $A(x,\ y)$ нуқтани содда ва силлиқ Γ ёпиқ контурнинг ўзгарувчан $M(\xi,\ \eta)$ нуқтаси билан бирлаштирувчи $\vec{r}$ векторнинг узунлиги, $(\vec{r}, \vec{n})$ — M нуқтада Γ эгри чизиққа ўтказилган $\vec{n}$ ташқи бирлик нормал билан $\vec{r}$ вектор орасидаги бурчак.

54. Ўтказгичнинг ds элементидан ўтаётган i ток фазонинг $M(x,\ y,\ z)$ нуқтасида Био-Савар қонунига кўра $d\vec{H}=ki\,\frac{[\vec{r}.\,\vec{ds}]}{r^3}$ кучланишли магнит майдон ҳосил қилади, бу ерда $\vec{r}$ элемент ds билан M нуқтани бирлаштирувчи вектор, k — пропорционаллик коэффициенти C ўтказгичнинг ёпиқ бўлган ҳоли учун M нуқтасида магнит майдон кучланиши $\vec{H}$ нинг H_ξ, H_η, H_ζ проекцияларини топинг.

XIV БОБ. БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР

1-§. Умумий тушунчалар Ўзгарувчилари ажраладиган тенгламалар

1. Номаълум функциянинг ҳосиласи ёки дифференциали **қатнашадиган** тенглама дифференциал тенглама дейилади.

Тенгламадаги номаълум функция ҳосиласи (**дифференциали**) нинг энг юқори тартиби тенгламанинг тартиби дейилади.

Бирор соҳада тенгламани қаноатлантирадиган $y=\varphi(x)$ **функция** шу соҳада тенгламанинг ечими ёки интеграли дейилади ва **бу** функция графиги тенгламанинг интеграл чизиғи дейилади.

2 Биринчи тартибли дифференциал тенгламанинг умумий **кў**риниши

$$F(x,\ y,\ y') = 0. \quad (1) \qquad y' = f(x,\ y) \quad (2)$$

эса ҳосилага нисбатан ечилган кўринишидир

Коши масаласи. (2) тенгламани ва бошланғич

$$x = x_0 \text{ да } y = y_0 \qquad \textbf{(3)}$$

шартни қаноатлантирувчи функцияни топинг.

3. $M(x)N(y)dx + P(x)Q(y)dy = 0$ **(4)**

кўринишдаги тенглама ўзгарувчилари ажраладиган тенглама **дейи**лади. (4) тенглама

$$\int \frac{M(x)}{P(x)}dx + \int \frac{Q(y)}{N(y)}dy = C$$

интеграллаш билан ечилади.

Дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топинг.

1. $xydx + \sqrt{1+x^2}dy = 0.$
2. $yy' = \frac{1-2x}{y}.$
3. $\sqrt{1-y^2}dx + y\sqrt{1-x^2}dy = 0.$
4. $e^{-s}\left(1 + \frac{ds}{dt}\right) = 1.$
5. $y' = \cos(y - x).$
6. $y' - y = 2x - 3$
7. $(x + 2y)y' = 1.$
8 $y' = \sqrt{4x + 2y - 1}.$

Дифференциал тенгламаларнинг бошланғич **шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимларини топинг.**

9. $y' \sin x = y \ln y; \quad y\left(\frac{\pi}{2}\right) = e.$

10. $y' + \sin(x - y) = \sin(x + y), \quad y(\pi) = \frac{\pi}{2}.$

11. $y' \operatorname{ctg} x + y = 2, \quad y(0) = 3.$

12. $y - xy' = b(1 + x^2 y'), \quad y(1) = 1.$

13. Ихтиёрий нуқтасида ўтказилган уринманинг уриниш нуқтасидан абсциссалар ўқигача бўлган кесмаси ординаталар ўқи билан кесишиш нуқтасида иккига бўлинадиган эгри чизиқларни топинг.

14. Моддий нуқта шундай тўғри чизиқли ҳаракат қиладики, унинг t моментдаги кинетик энергияси 0 дан t гача бўлган вақт оралиғидаги ўртача тезликка тўғри пропорционал. $t = 0$ да $s = 0$ экани маълум Ҳаракатнинг текис бўлишини кўрсатинг.

15. Тандирдан олинган ноннинг температураси 20 минутда 100° дан 60° гача пасаяди. Ҳавонинг температураси 25° Тандирдан олингач, қанча вақтдан кейин ноннинг температураси 30° бўлади?

16. Диаметри D, баландлиги H бўлган вертикал ўқли доиравий цилиндрик бак сув билан тўлдирилган. Бак тубидаги a диаметрли доиравий тешик орқали бакнинг тўла бўшаш вақтини аниқланг.

2-§. Бир жинсли тенгламалар

Агар t нинг ихтиёрий қийматида $f(tx, ty) = t^n f(x, y)$ шарт бажарилса, $f(x, y)$ функция n ўлчовли бир жинсли функция дейилади.

$$P(x, y)dx + Q(x, y)dy = 0 \tag{1}$$

ёки

$$y' = f\left(\frac{y}{x}\right) \tag{2}$$

кўринишдаги тенглама бир жинсли дифференциал тенглама дейилади, бу ерда $P(x, y)$ ва $Q(x, y)$ бир хил ўлчовли бир жинсли функциялардир. $y = xu$ алмаштиришдан сўнг ўзгарувчилар ажралади.

Тенгламаларнинг умумий ечимини топинг.

17. $(x + 2y)dx - xdy = 0.$

18. $(y^2 - 2xy)dx + x^2 dy = 0.$

19. $y^2 + x^2 y' = xyy'.$

20. $xy' = y - xe^{\frac{y}{x}}$.

21. $xy' = y \ln \frac{y}{x}$.

22. $(x^2 - 3y^2)dx + 2xydy = 0$.

23. $x - y - 1 + (y - x + 2)y' = 0$.

24. $y' = \frac{1 - 3x - 3y}{1 + x + y}$.

25. $(2x - y + 4)dy + (x - 2y + 5)dx = 0$.

26. $y' = 2\left(\frac{y + 2}{x + y - 1}\right)^2$.

Дифференциал тенгламаларнинг бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимларини топинг.

27. $(xy' - y) \operatorname{arctg} \frac{y}{x} = x, \quad y(1) = 0$.

28. $(y^2 - 3x^2)dy + 2xydx = 0, \quad y(0) = 1$.

29. Уринма ости уриниш нуқтасининг абсциссаси ва ординатасининг йиғиндисига тенг бўлган эгри чизиқларни топинг.

30. Шундай эгри чизиқ тенгламасини тузингки, унинг исталган нуқтаси орқали ўтказилган уринмасининг координаталар бошигача бўлган масофаси уриниш нуқтасининг абсциссасига тенг бўлсин.

3-§. Чизиқли дифференциал тенгламалар

$y' + P(x)y = f(x)$ тенглама чизиқли дифференциал тенглама дейилади. Буни $y = uv$ алмаштириш ёрдамида ечиш мумкин, бу ерда $v = v(x)$ $v' + P(x)v = 0$ тенгламадан топилади.

$$y' + P(x)y = f(x)y^n \quad (n \neq 0,\ n \neq 1)$$

Бернулли тенгламаси бўлиб, $u = y^{1-n}$ алмаштириш ёрдамида чизиқли тенгламага келтирилади.

Тенгламаларнинг умумий ечимларини топинг.

31. $y' + 2xy = 2xe^{-x^2}$.

32. $y' + \frac{1 + 2x}{x^2} y = 1$.

33. $y' + y = \cos x$.

34. $y' = \frac{1}{2x - y^2}$.

35. $y' = \frac{y}{2y\ln y + y - x}$.

36. $(x + y^2)dy = ydx$.

37. $y' + 2y = y^2 e^{\lambda}$.

38. $2xydy = (y^2 - x)dx$.

39. $xy^2y' = x^2 + y^3$.

40. $xdx = \left(\frac{x^2}{y} - y^3\right)dy$.

41. Индуктивлик занжирида ўтиш процесси содир бўлади. L индуктивлик ва R қаршилик — ўзгармасдир. Бошланғич ток $I_0 = 0$ га тенг. Электр юритувчи куч t вақтнинг функцияси сифатида берилган: $E = f(t)$.

I токнинг t вақтга боғланишини топинг.

42. Олдинги масала шартидаги I токнинг t вақтга боғланишини топинг, бу ерда электр юритувчи куч $E = E_0 \sin \omega t$ қонун бўйича ўзгаради.

43. Шундай эгри чизиқ тенгламасини тузингки, унинг исталган нуқтасининг радиус вектори, шу нуқтадан ўтказилган уринма ва Ox ўқ ҳосил қилган учбурчакнинг юзи a^2 га тенг.

44. Координаталар бошидан ўтувчи шундай эгри чизиқ тенгламасини тузингки, унинг нормалининг эгри чизиқ исталган нуқтасидан Ox ўққача бўлган кесмасининг ўртаси $y^2 = ax$ параболада ётади.

4-§. Тўлиқ дифференциалли тенгламалар. Интегралловчи кўпайтувчи

Агар $M(x, y)\,dx + N(x, y)\,dy = du(x, y)$ бўлса, яъни $\frac{\partial M}{\partial y} = \frac{\partial N}{\partial x}$ *шарт бажарилса,*

$$M(x, y)\,dx + N(x, y)\,dy = 0 \tag{1}$$

тенглама тўлиқ дифференциалли тенглама дейилади. (1) нинг умумий ечими $u(x, y) = C$ кўринишда бўлади. Бу функцияни

$$u(x, y) = \int_{x_0}^{x} M(x, y)\,dx + \int_{y_0}^{y} N(x_0, y)\,dy \tag{2}$$

формула бўйича топиш мумкин.

Агар $\mu M(x, y)\,dx + \mu N(x, y)\,dy = 0$ тўлиқ дифференциалли тенглама бўлса, $\mu = \mu(x, y)$ функция интегралловчи кўпайтувчи дейилади.

Фақат x га боғлиқ бўлган $\mu(x)$ $\frac{d \ln \mu}{dx} = \frac{M'_y - N'_x}{N}$ тенгламадан, фақат y га боғлиқ бўлган $\mu(y)$ эса $\frac{d \ln \mu}{dy} = \frac{N'_x - M'_y}{M}$ тенгламадан топилади.

Тўлиқ дифференциалли тенгламаларнинг умумий ечимларини топинг.

45. $x(2x^2 + y^2) + y(x^2 + 2y^2)\,y' = 0.$

46. $(3x^2 + 6xy^2)\,dx + (6x^2y + 4y^3)\,dy = 0.$

47. $e^y dx + (xe^y - 2y)\,dy = 0.$

48. $xdx + ydy = \dfrac{xdy - ydx}{x^2 + y^2}.$

49. $2x\cos^2 y dx + (2y - x^2 \sin 2y)\,dy = 0.$

50. $\left(\dfrac{\sin 2x}{y} + x\right)dx + \left(y - \dfrac{\sin^2 x}{y^2}\right)dy = 0.$

51. Ушбу

$$(1 + e^{\frac{x}{y}})\,dx + e^{\frac{x}{y}}\left(1 - \frac{x}{y}\right)dy = 0$$

тенгламанинг $y(0) = 2$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Тенгламаларнинг интегралловчи кўпайтувчиси **ва** умумий ечимларини топинг.

52. $(x^2 + y)\,dx - xdy = 0.$

53. $(x + y^2)\,dx - 2xy\,dy = 0.$

54. $\dfrac{y}{x}\,dx + (y^3 - \ln x)\,dy = 0.$

55. $2xy \ln y\,dx + (x^2 + y^2 \sqrt{1 + y^2})\,dy = 0.$

56. $(x\cos y - y\sin y)\,dy + (x\sin y + y\cos y)\,dx = 0.$

5-§. Ҳосилага нисбатан ечилмаган тенгламалар. Махсус ечимлар

1. Ҳар бир нуқтаси орқали ҳеч бўлмаганда иккита интеграл эгри чизиқ ўтувчи

$$F(x,\ y,\ y') = 0 \qquad (1)$$

тенгламанинг ечими махсус ечим дейилади.

Махсус интеграл эгри чизиқ (1) нинг интеграл эгри чизиқлар оиласининг ўрамаси сифатида топилиши мумкин. Бундан ташқари, махсус ечим $F(x,\ y,\ p) = 0$, $F'_p(x,\ y,\ p) = 0$ системадан p параметрни йўқотиш билан топилиши ҳам мумкин.

2. $y = xy' + \psi(y')$ Клеро тенгламасининг умумий ечими $y = Cx + \psi(C)$ кўринишда бўлади. Махсус ечим: $\begin{cases} y = px + \psi(p), \\ x = -\psi'(p). \end{cases}$

$y = x\varphi(y') + \psi(y')$ Лагранж тенгламаси $y' = p$ параметрни киритиб, x бўйича дифференциаллашдан сўнг

$$(\varphi(p) - p)\frac{dx}{dp} + x\varphi'(p) + \psi'(p) = 0$$

кўринишдаги чизиқли тенгламага келтирилади.

Юқори даражали биринчи тартибли дифференциал тенгламаларни ечинг.

57. $4(y')^2 - 9x = 0$.

58. $(y')^2 - 2xy' - 8x^2 = 0$.

59. $x(y')^2 - 2yy' + 4x = 0$.

60. $y(y')^2 - 2xy' + y = 0$.

61. $(y')^2 - \frac{xy}{4} = 0$.

62. $(y')^2 - 2yy' = y^2(e^{2x} - 1)$.

Тенгламаларнинг умумий ва махсус ечимларини топинг.

63. $y^2(1 + (y')^2) = a^2$.

64. $(y')^2 - 4y = 0$.

65. $y^2(y')^2 - 2xyy' + 2y^2 - x^2 = 0$.

66. $2y(y' + 2) - x(y')^2 = 0$.

67. Тенгламанинг умумий ечими $y - C^3x^2 + 2C^2x - C = 0$ кўринишда. Махсус ечимини топинг.

68. Тенгламанинг умумий ечими $(x - C)^2 + y^2 = 1$ кўринишда. Махсус ечимини топинг.

Қуйидаги тенгламаларни параметр киритиш йўли билан интегралланг.

69. $x = y' \sin y'$.

70. $y = (y')^2 + 2(y')^3$.

71. $y = (y')^2 + 2\ln y'$.

72. $y\sqrt{1 + (y')^2} = y'$.

73. $x(1 + (y')^2) = 1$.

74. $y\sqrt{y' - 1} = 2 - y'$.

75. $(y')^2 - yy' + e^x = 0$.

76. $y = x^2 + 2xy' + \frac{1}{2}(y')^2$.

Қуйидаги Лагранж ва Клеро тенгламаларининг умумий ва махсус ечимларини топинг.

77. $y = \frac{x}{2}\left(y' + \frac{4}{y'}\right)$.

78. $y = x(y')^2 + 2y'$.

79. $y' = \ln(xy' - y)$.

80. $y = xy' + \arcsin y'$.

81. $y = y(y')^2 + 2xy'$.

82. $x = y\left(\frac{1}{\sqrt{y'}} - \frac{1}{y'}\right)$.

83. $x = \frac{y}{y'} + \frac{1}{(y')^2}$.

84. $x(y')^2 - yy' - y' + 1 = 0$.

85. Шундай эгри чизиқни топингки, унга ўтказилган исталган уринманинг координата ўқлари орасидаги

кесмаси l га тенг бўлган ўзгармас узунликка эга бўлсин.

86. Шундай эгри чизиқни топингки, унга ўтказилган исталган нормалнинг координата ўқлари орасидаги кесмаси a га тенг бўлган ўзгармас узунликка эга бўлсин.

87 Эгри чизиқнинг исталган нуқтасидаги уринма ости ва нормал остининг ярим айирмаси уриниш нуқтасининг абсциссасига тенг. Шу эгри чизиқни топинг.

88. Эгри чизиқнинг исталган нуқтасидаги нормал ва нормал остининг йиғиндиси шу нуқтанинг абсциссасига пропорционал. Шу эгри чизиқни топинг.

6-§. Изогонал ва ортогонал траекториялар

Агар бир параметрли эгри чизиқлар оиласи

$$\Phi(x, y, C) = 0 \qquad (1)$$

тенглама билан берилса, у ҳолда шу оиланинг ҳар бир чизиғини ўзгармас α бурчак остида кесиб ўтувчи чизиқ берилган (1) оиланинг изогонал траекторияси дейилади. $\alpha = \frac{\pi}{2}$ бўлганда эса ортогонал траектория дейилади.

Агар берилган эгри чизиқлар оиласи (1) нинг дифференциал тенгламаси

$$F(x, y, y') = 0 \qquad (2)$$

кўринишда бўлса, у ҳолда (1) оиланинг изогонал траекториялари

$$F\left(x, y, \frac{y' - k}{1 + ky'}\right) = 0 \qquad (3)$$

дифференциал тенгламадан топилади, бу ерда $k = \operatorname{tg} \alpha$. Ортогонал траекторияларнинг дифференциал тенгламаси эса

$$F\left(x, y, -\frac{1}{y'}\right) = 0$$

каби ёзилади.

89. $x^2 + y^2 + 2ay = 0$ айланалар оиласининг ортогонал траекторияларини топинг.

90. $(2a - x)y^2 = x^3$ циссоидалар оиласининг ортогонал траекторияларини топинг.

91. $x = \frac{a}{y}$ гиперболалар оиласининг ҳар бир чизиғини 45° бурчак остида кесувчи чизиқларни топинг.

92. Агар траекториялар билан $x^2 = 2a(y - \sqrt{3}x)$ эгри чизиқлар оиласининг чизиқлари $\alpha = 60^\circ$ га тенг бўлган ўзгармас бурчак ҳосил қилса, эгри чизиқлар оиласининг изогонал траекторияларини топинг.

XIV бобга доир аралаш масалалар

Тенгламаларни интегралланг.

93. $y = \arcsin y' + \ln(1 + (y')^2)$.

94. $y^{\frac{2}{5}} + (y')^{\frac{2}{5}} = a^{\frac{2}{5}}$.

95. $(x^2 + y^2 + 1)\,dx - 2xy\,dy = 0$, $\mu = \varphi(y^2 - x^2)$.

96. $y'e^{-x} + y^2 - 2ye^x = 1 - e^{2x}$, $y_1 = e^x$.

97. $y' + x(y')^2 - y = 0$ тенгламанинг тўғри чизиқлардан иборат интеграл эгри чизиқларини топинг.

98. Координата ўқлари, эгри чизиқ ва унинг бирор нуқтасининг ординатаси билан чегараланган фигуранинг юзи шу фигурага мос эгри чизиқ ёйининг узунлигига тенг. Агар бу эгри чизиқнинг $M(0, 1)$ нуқтадан ўтиши маълум бўлса, унинг тенгламасини тузинг.

99. Ёруғлик оқимининг юпқа сув қатлами томонидан ютилиши қатлам қалинлигига ва қатлам сиртига тушаётган оқимга пропорционалдир. 3 м ли қатламдан ўтишда дастлабки ёруғлик оқимининг ярми ютилишини билган ҳолда унинг қандай қисми 30 м чуқурликка етиб боришини аниқланг.

100. Горизонт билан $\alpha = 30°$ бурчак ташкил этувчи оғма текислик бўйича оғир жисм бошланғич тезликсиз тушмоқда. Ишқаланиш коэффициенти $\mu = 0{,}2$ бўлганда $l = 39{,}2$ узунликдаги йўлни жисм қанча вақтда босиб ўтишини аниқланг.

XI БОБ. ЮҚОРИ ТАРТИБЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР

1-§. Тартибини пасайтириш мумкин бўлган дифференциал тенгламалар

1. $y^{(n)} = f(x)$ тенгламанинг тартибини пасайтириш кетма-кет интеграллаш йўли билан амалга оширилади:

$$y = \int dx \ldots \int f(x)\,dx + C_1x^{n-1} + \ldots + C_n$$

2. y ошкор ҳолда иштирок этмаган $F(x,\ y',\ y'') = 0$ тенгламанинг тартиби $y' = p$ алмаштириш ёрдамида биттага камайтирилади.

3. x ошкор ҳолда иштирок этмаган $F(y,\ y',\ y'') = 0$ тенгламанинг тартиби $y' = p$, $y'' = p\dfrac{dp}{dy}$ алмаштиришлар билан биттага камайтирилади.

4. $F(x, y, y', \ldots, y^{(n)})$ функция $y, y', \ldots, y^{(n)}$ ларга нисбатан бир жинсли бўлган

$$F(x, y, y', \ldots, y^{(n)}) = 0$$

тенгламанинг тартиби $y = e^{\int z(x)\,dx}$ алмаштириш орқали биттага камайтирилади.

Тенгламаларнинг умумий ечимларини топинг.

1. $y''' = \sin x + \cos x$. 2. $y'' = \ln x$.

3. $y'' = x \sin x$. 4. $y''' = \frac{\ln x}{x^2}$.

5. $xy'' = y'$. 6. $y'' + \frac{y'}{x} = x$.

7. $y''(1 + x^2) = 2xy'$. 8. $2xy'y'' = (y')^2 + 1$.

9. $y'' = ae^y$. 10. $2(y')^2 = (y - 1)y''$.

11. $y''' = \sqrt{1 - (y'')^2}$. 12. $xy^{\text{V}} - y^{\text{IV}} = 0$.

13. $x^2yy'' = (y - xy')^2$. 14. $yy'' - (y')^2 = 6xy^2$.

15. $(y'')^2 - y'y''' = \left(\frac{y'}{x}\right)^2$. 16. $y'''(1 + (y')^2) = 3y'(y'')^2$.

Берилган бошланғич шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимларни топинг.

17. $2y'' = 3y^2$, $y(-2) = 1$, $y'(-2) = -1$.

18. $y''y = x(y')^2$, $y(1) = 1$, $y'(1) = 2$.

19. $y'' = \frac{y'}{x} + \frac{x^2}{y'}$, $y(1) = 1$, $y'(1) = 0$.

20. $yy'' + (y')^3 = (y')^2$, $y(1) = 1$, $y'(1) = -1$.

21. Эгрилик радиусининг Oy ўқидаги проекцияси ўзгармас a сонга тенг бўлган эгри чизиқни топинг.

22. Қандай эгри чизиқнинг исталган нуқтасидаги эгрилик радиуси нормал узунлигига пропорционал бўлади? Пропорционаллик коэффициенти $k = 1$, -1 бўлсин.

23. Массаси m бўлган эркин тушаётган жисмга тезликнинг квадратига пропорционал ҳаво қаршилиги таъсир этади. $t = 0$ да $s = 0$ ва $v = 0$ бошланғич шартларда ҳаракат қонунини топинг.

24. Массаси m га тенг моддий нуқта оғирлик кучи таъсирида эркин тушмоқда. Нуқтанинг ҳаракат қонунини ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олмасдан топинг.

2-§. Чизиқли дифференциал тенгламалар

1. $y^{(n)} + p_1(x)\, y^{(n-1)} + \ldots + p_n(x)\, y = 0$ (1)

бир жинсли чизиқли тенгламанинг умумий ечими

$$y = C_1 y_1 + C_2 y_2 + \ldots + C_n y_n$$

формула билан аниқланади, бу ерда $y_1, y_2, \ldots, y_n$ лар (1) нинг чизиқли эркли ечимлари.

2. $y^{(n)} + p_1(x)\, y^{(n+1)} + \ldots + p_n(x)\, y = f(x)$ (2)

бир жинслимас тенгламанинг умумий ечими $u = y + u_1$ кўринишда бўлади, бу ерда y (2) га мос бир жинсли тенглама (1) нинг умумий ечими, u' эса (2) нинг бирор хусусий ечими.

Агар (1) нинг чизиқли эркли $y_1, y_2, \ldots, y_n$ ечимлари маълум бўлса, у ҳолда ўзгармасларни вариациялаш усулини қўллаб, (1) га мос (2) нинг умумий ечимини

$$u = C_1(x)\, y_1 + C_2(x)\, y_2 + \ldots + C_n(x)\, y_n$$

формула бўйича топиш мумкин, бундаги $C_i(x)$ лар

$$\sum_{i=1}^{n} C_i'(x)\, y_i^{(k)} = 0, \quad (k = \overline{0, (n-2)}),$$

$$\sum_{i=1}^{n} C_i'(x)\, y_i^{(n-1)} = f(x) \qquad (3)$$

системадан топилади.

Функциялар системасининг чизиқли боғлиқлиги ёки чизиқли эрклилигини аниқланг.

25. $4, x$.
26. $1, 2, x, x^2$.
27. $1, x, x^2, x^3$.
28. e^x, xe^x, x^2e^x.
29. $\sin x, \cos 2x$.
30. $\sin x, \cos x, \cos 2x$.
31. $1, \sin^2 x, \cos^2 x$.
32. $1, \arcsin x, \arccos x$.

Берилган ечимларнинг фундаментал системаларига мос бир жинсли дифференциал тенгламаларни тузинг.

33. x, x^2.
34. e^x, xe^x.
35. $\sin x, \cos x$.
36. $x, \sin x, \cos x$.

37. $(1 - x^2)\, y'' - xy' + \frac{1}{4} y = 0$ тенгламанинг битта хусусий ечими $y_1 = \sqrt{x+1}$. Унинг умумий ечимини топинг.

38. $(2x - x^2)\, y''' + (x^2 - 2)\, y' + 2(1 - x)\, y = 0$ тенглама $y_1 = e^x$ хусусий ечимга эга. Бу тенгламанинг $y(1) = 0$, $y'(1) = 1$ бошланғич шартларни қаноатлантирадиган ечимини топинг.

39. $x^2(\ln x - 1)\, y'' - xy' + y = 0$ тенгламанинг $y_1 = x$

хусусий ечими ёрдамида унинг умумий ечимини топинг.

40. $x^3y''' - 3x^2y'' + 6xy' - 6y = 0$ тенглама учун $y_1 = x$, $y_2 = x^2$ функциялар ечимлардир. Унинг умумий ечимини топинг.

Ўзгармасларни вариациялаш усулидан фойдаланиб, қуйидаги бир жинслимас тенгламаларнинг умумий ечимини топинг.

41. $x^2y'' - xy' = 3x^3$.　　42. $xy'' + (2x-1)y^1 = -4x^2$.

43. $y'' - 2y' \operatorname{tg} x = 1$.　　44. $y''' + y' = \sec x$.

3-§. Ўзгармас коэффициентли чизиқли тенгламалар

1. n-тартибли ўзгармас коэффициентли чизиқли бир жинсли

$$y^{(n)} + a_1y^{(n-1)} + \ldots + a_{n-1}y' + a_ny = 0 \qquad (1)$$

тенгламанинг умумий ечими

$$r^n + a_1r^{n-1} + \ldots + a_{n-1}r + a_r = 0 \qquad (2)$$

характеристик тенгламанинг илдизларига қараб тузилади.

1) ҳар бир $m \geqslant 0$ каррали ҳақиқий илдизга умумий ечимдаги

$$(C_1 + C_2x + \ldots + C_mx^{m-1})e^{rx}$$

қўшилувчи мос келади.

2) ҳар бир $m \geqslant 0$ каррали $\alpha \pm \beta i$ қўшма комплекс илдизлар жуфтига умумий ечимда

$$e^{\alpha x}[(A_1 + A_2x + \ldots + A_{m-1}x^{m-1})\cos\beta x +$$
$$+ (B_1 + B_2x + \ldots + B_{m-1}x^{m-1})\sin\beta x]$$

қўшилувчи мос келади.

2. Бир жинслимас

$$y^{(n)} + a_1y^{(n-1)} + \ldots + a_ny = f(x) \qquad (3)$$

тенгламанинг умумий ечимини топиш учун, 2-§ га кўра, унинг бирорта хусусий ечимини билиш етарлидир, чунки мос бир жинсли тенглама (1) нинг умумий ечими 1-пунктдаги қоидалар бўйича топилади.

Ўнг томони

$$f(x) = e^{ax}[P_n(x)\cos bx + Q_m(x)\sin bx] \qquad (4)$$

махсус кўринишда бўлган (3) тенгламанинг хусусий ечимини топишда аниқмас коэффициентлар усулидан фойдаланиш мумкин. Бу ерда a ва b лар ўзгармас сонлар, $P_n(x)$ ва $Q_m(x)$ мос равишда даражалари n ва m бўлган кўпҳадлар Бу усул бўйича хусусий ечимни излаш қоидаси қуйидагича:

1) агар $a \pm ib$ (2) нинг илдизи бўлмаса, хусусий ечим

$$u_1 = e^{ax}\,[\overline{P}_l(x)\cos bx + \overline{Q}_l(x)\sin bx] \qquad (5)$$

кўринишда изланади, бу ерда $l = \max(n, m)$,

2) агар $a \pm ib$ (2) нинг p каррали илдизи бўлса, хусусий ечим

$$u_1 = x^p e^{ax}\,[\overline{P}_l(x)\cos bx + \bar{Q}_l(x)\sin bx] \qquad (6)$$

кўринишда изланади.

Ўнг қисмда $\cos bx$ ва $\sin bx$ функцияларининг биттаси иштирок этганда u_1 нинг ифодасига бу иккала функцияни ҳам киритиш керак.

(3) тенгламанинг ўнг қисми қандай бўлишидан қатъи назар унинг хусусий ечимини топишда ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усулини қўллаш мумкин.

Қуйидаги бир жинсли тенгламаларнинг умумий ечимини топинг.

45. $y'' - y' = 0.$

46. $y'' - 4y = 0.$

47. $y'' - 4y' + 3y = 0.$

48. $y'' - 5y' + 6y = 0.$

49. $3y'' - 2y' - 8y = 0.$

50. $y'' - 4y' + 2y = 0.$

51. $y'' + 2y' + y = 0.$

52. $y'' - 4y' + 4y = 0.$

53. $y'' - 2y' + 2y = 0.$

54. $y'' + 4y' + 13y = 0.$

55. $4y'' - 8y' + 5y = 0.$

56. $\dfrac{2y' - y}{y''} = 3.$

Қуйидаги тенгламаларнинг берилган бошланғич шартларни қаноатлантирадиган ечимини топинг.

57. $y'' - 2y' + 3y = 0,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 3.$

58 $y'' - 5y' + 4y = 0,\ y(0) = 1,\ y'(0) = 1.$

59 $y'' + 4y' + 29y = 0,\ y(0) = 0,\ y'(0) = 15.$

60. $4y'' + 4y' + y = 0,\ y(0) = 2,\ y'(0) = 0.$

61. $y'' + 4y = 0$ тенгламанинг $M\left(\frac{\pi}{2}, -1\right)$ нуқтадан ўтувчи ва шу нуқтада $y + 1 = x - \frac{\pi}{2}$ тўғри чизиққа уринувчи интеграл эгри чизиғини топинг.

62. $y'' + 16y = 0$ тенгламанинг $M(x_0, y_0)$ нуқтадан ўтувчи ва шу нуқтада $y - y_0 = k(x - x_0)$ тўғри чизиққа уринувчи интеграл эгри чизиғини топинг.

Қуйидаги бир жинслимас тенгламанинг умумий ечимларини топинг.

63. $y'' - 7y' + 12y = x.$

64. $y'' - 4y' + 4y = x^2.$

65 $y'' - 2y' = x^2 - 1.$

66. $y'' - y' = 2x - 1.$

67. $y'' + 6y' + 5y = e^{2x}.$

68. $y'' - y = e^x.$

69. $y''+y=\cos x$. **70.** $y''+4y'+5y=$
$=10e^{-2x}\cos x$.

71. $y''-2y'+2y=e^{x}(x\cos x+\sin x)$.
72. $y''-2y'+5y=e^{x}\cos 2x$.
73. $y''-3y'+2y=f(x)$; бу ерда $f(x)$:
1) $3e^{2x}$; 2) $2\sin x$; 3) $2e^{x}-e^{-2x}$; 4) $\sin x\sin 2x$.
74. $y''-4y'+4y=f(x)$, бу ерда $f(x)$:
1) $3e^{2x}$; 2) $\sin x\cos 2x$; 3) $4x+\sin x+\sin 2x$;
4) $sh\,2x$.

Ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усулини татбиқ этиб, қуйидаги тенгламаларни интегралланг.

75. $y''+y=\operatorname{tg}x$. **76.** $y''+y=\sec x$.
77. $y''-2y'+y=$ **78.** $y''-4y'+4y=\sin^{3}x$.
$=\dfrac{e^{x}}{x^{2}+1}$.
79. $y''+2y'+2y=$ **80.** $y''-y'=\dfrac{1}{e^{x}+1}$.
$=\dfrac{1}{e^{x}\sin x}$.

81. P оғирликдаги юк тинч ҳолатидаги узунлиги l бўлган вертикал пружинага осилган, юкка қўзғатувчи $Q\sin pt$ даврий куч таъсир этади, бу ерда Q ва p ўзгармас. Пружинанинг массасини ва муҳитнинг қаршилигини ҳисобга олмай, юкнинг ҳаракат қонунини топинг.

82. Массаси 200 г бўлган юк пружинага осилган. Юк 2 см пастга тортилиб, кейин қўйиб юборилган. Агар юк $v=1$ см/с тезлик билан ҳаракат қилса, муҳит унга 0,1 г қаршилик кўрсатади. Пружинанинг қаршилик кучи уни 2 см чўзганда 10 кг. Пружинанинг массасини ҳисобга олмай, муҳит қаршилиги ҳаракат тезлигига пропорционал бўлган ҳолда юкнинг ҳаракат қонунини топинг.

83. Массаси m бўлган моддий нуқта ўзгармас F куч таъсирида A дан B га қараб тўғри чизиқли ҳаракат қилади. Муҳит қаршилиги B дан моддий нуқтагача бўлган масофага пропорционал ва бошланғич моментда (A нуқтада) f га тенг ($f<F$). Нуқтанинг бошланғич тезлиги 0 га тенг бўлганда нуқта A дан B гача қанча вақтда боради?

84. Ингичка узун най перпендикуляр ўқ атрофида доимий ω бурчак тезлик билан айланади. Найнинг ичида шарча ишқалишсиз сирпаниб борганда:

а) бошланғич моментда шарча айланиш ўқидан a масофада ва бошланғич тезлиги $v_0 = 0$ деб.

б) бошланғич моментда шарча айланиш ўқида бўлганда v_0 бошланғич тезликка эга деб ҳисоблаб; шарчанинг найга нисбатан ҳаракат қонунини топинг.

XV бобга доир аралаш масалалар

$yy' = p$, $(y')^2 = p$, $xy' = p$, $\frac{y'}{y} = p$ алмаштиришлар ёрдамида қуйидаги генгламаларнинг умумий ечимини топинг.

85. $xyy'' + x(y')^2 = 3yy'$.
86. $y'y^2 + yy'' - (y')^2 = 0$.
87. $y'' + \frac{1}{x}y' - \frac{1}{x^2}y = 0$.
88. $2xy'y'' = (y')^2 - 3$.
89. $x = 0$ ва $x = l$ учлари маҳкамланган $l = 100$ см узунликдаги тор $x = 50$ см нуқтада дастлабки ҳолатидан $h = 2$ см га четлаштирилган, кейин турткисиз қўйиб юборилган. Торнинг ихтиёрий t моментдаги шаклини аниқланг.
90. 10 кг массали жисмга уни барқарор мувозанат ҳолатига қайтариш учун ҳаракат қилувчи эластик куч таъсир этади. Куч силжишга пропорционал ва у юк 1 м силжиганда 2 кг га тенг. Муҳит қаршилиги ҳаракат тезлигига пропорционал. Учта тебранишдан сўнг амплитуда 10 баравар камаяди. Тебранишлар даврини топинг.

Қуйидаги Эйлер тенгламаларининг умумий ечимини топинг:

91. $x^2y'' + xy' + y = x$.
92. $x^2y'' - 2y = \sin\ln x$.

ЖАВОБЛАР, КЎРСАТМАЛАР, ЕЧИМЛАР

I БОБ

1. а) рационал сон, $2{,}13\,(14) = 2\,\frac{1314-13}{9900} = 2\,\frac{1301}{9900}$, б) рационал сон, $3{,}(714) = 3\,\frac{714}{999} = 3\,\frac{238}{333}$, в) рационал сон, $2{,}76\,(8) = 2\,\frac{768-76}{900} = 2\,\frac{173}{225}$, г) иррационал сон, чунки у даврий каср эмас. Фараз қилайлик, у даврий бўлиб, унинг давр узунлиги n бўлсин. У ҳолда кетма-кет келган n та рақам орасида 1 рақами қатнашиши керак. Лекин ўнгга қараб кетган сари кетма-кет n та 0 рақам учраб қоляпти, шунинг учун $0{,}1010010001\ldots$ каср даврий эмас, д) иррационал, чунки у даврий каср эмас, е) рационал сон, $2{,}123123\ldots = 2{,}(123) = 2\,\frac{123}{999} = 2\,\frac{41}{333}$. 2. а) иррационал, б) иррационал, в) рационал, $2\,\frac{32}{99}$, г) рационал, $1\frac{352}{900}$ 3. r рационал ва α иррационал сонларнинг йиғиндиси $r + \alpha = \beta$ ни олайлик. Агар β рационал сон бўлганда эди, у ҳолда иккита рационал соннинг айирмаси $\alpha = \beta - r$ ҳам рационал сон бўлар эди. Бу қарама-қаршилик β нинг иррационал сон эканини кўрсатади 5. r рационал ва α иррационал сонларнинг бўлинмаси $\frac{r}{\alpha} = \beta$ сонни олайлик. 3-мисолдаги каби фикр юритиб, β ни иррационал сон эканини кўрсатиш мумкин. 7. Чегараланган (яъни ҳам юқоридан, ҳам қуйидан чегараланган) тўплам. Ҳақиқатан, E нинг барча r элементлари учун $2 \leqslant r \leqslant 3$ тенгсизлик ўринли. 8. Чегараланган. 9. Чегараланган, барча $n \in N$ лар учун $0 < \frac{n^3}{2n^3+3} < \frac{1}{2}$. 10. Чегараланган. 11. Қуйидан чегараланган, юқоридан чегараланмаган. Ҳақиқатан, барча $n \in N$ лар учун $\frac{n^2}{n+2} > 0$ бўлгани учун қуйидан чегараланган

$\frac{n^2}{n+2} = n - \frac{2n}{n+2}$ тенгликда $\frac{2n}{n+2} < 2$ бўлгани учун $n - \frac{2n}{n+2}$ исталганча катта қийматларни қабул қила олади. Демак, $\left\{\frac{n^2}{n+2}\right\}$ тўплам юқоридан чегараланмаган **12.** Қуйидан чегараланган юқоридан чегараланмаган. **13**. E тўпламнинг ҳар бир x элементи учун $0 < x < 4$ *тенгсизлик ўринли бўлганидан* E чегараланган тўплам; $\sup E = 4$ эканини кўрсатамиз: а) барча $x \in E$ лар учун $x < 4$, б) 4 дан кичик бўлган a сон олсак (аниқлик учун $a \in [0;\ 4[$ бўлсин), у ҳолда $]a;\ 4[$ даги барча сонлар рационал сон бўла олмайди. Демак, $]a;\ 4[$ да бирорта иррационал x' сон мавжуд. Бундан $a < x'$, $x' \in E$ *бўлиб*, $\sup E = 4$ экани келиб чиқади. Худди шу усулда $\inf E = 0$ эканини кўрсатиш мумкин. **14.** $\sup E = 5$, $\inf E = 3$. **15.** $[-1;\ 5]$. $|x-2| \leqslant 3$ ва $-3 \leqslant x-2 \leqslant 3$ тенгсизликлар тенг кучли. Бундан $-1 \leqslant x \leqslant 5$. **16.** $]-5;\ 5[$. **17.** $]1;\ 9[$. $|x-5| < 4$ ва $-4 < x-5 < 4$ тенгсизликлар тенг кучли. Тенгсизликларнинг учала томонига 5 ни қўшсак, $1 < x < 9$ келиб чиқади. **18.** $]-6;\ 2[$. **19.** $]-\infty;\ -5\,[\mathrm{U}]-1;\ +\infty[$. $|x+3| > 2$ дан $x+3 > 2$ ёки $x+3 < -2$ бўлади. $x+3 > 2$ тенгсизликни ечсак, $x > -1$, $x+3 < -2$ тенгсизликни ечсак. $x < -5$ келиб чиқади. Демак, ечим $]-\infty;\ -5\,[\mathrm{U}]-1;\ +\infty[$. **20.** $]-\infty;\ -4\,[\mathrm{U}]\,2;\ +\infty[$. **21.** $[-5;\ 5]$. Бу ерда уч ҳолни қараймиз: а) $x \leqslant -2$. Бунда $x+2 \leqslant 0$ ва $x-2 \leqslant 0$ бўлганидан $\begin{cases} -(x+2)-(x-2) \leqslant 10 \\ x \leqslant -2 \end{cases}$ системага эга бўламиз. $\begin{cases} -2x \leqslant 10 \\ x \leqslant -2, \end{cases}$ $\begin{cases} x \geqslant -5 \\ x \leqslant -2. \end{cases}$ Системанинг ечими: $[-5;\ -2]$.

б) $-2 < x < 2$. Бунда $x+2 > 0$ ва $x-2 < 0$ бўлганидан $\begin{cases} x+2-(x-2) \leqslant 10 \\ -2 < x < 2 \end{cases}$ системага эга бўламиз. $\begin{cases} 4 \leqslant 10 \\ -2 < x < 2. \end{cases}$ Системанинг ечими: $]-2;\ 2[$. в) $x \geqslant 2$. Бунда $x+2 \geqslant 0$ ва $x-2 \geqslant 0$ бўлганидан $\begin{cases} x+2+(x-2) \leqslant 10 \\ x \geqslant 2 \end{cases}$ системага эга бўламиз. $\begin{cases} 2x \leqslant 10 \\ x \geqslant 2, \end{cases}$ $\begin{cases} x \leqslant 5 \\ x \geqslant 2. \end{cases}$ Системанинг ечими: $[2;\ 5]$. Берилган тенгсизликнинг ечими учала система ечимларининг бирлашмасидан иборат, яъни $[-5;\ -2]\,\mathrm{U}]-2;\ 2\,[\mathrm{U}[2;\ 5] = [-5;\ 5]$. **22.** $[-5;\ 5]$. **23.** $]-1;\ 3[$. $|x^2-2x-3| > x^2-2x-3$ тенгсизлик $x^2-2x-3 < 0$ тенгсизликка тенг кучли. **24.** $]0;\ 5[$. **25.** $\{-1;\ 3\}$. Берилган тенглама: а) $2x+3 \geqslant 0$ бўлса, $\begin{cases} 2x+3 = x^2 \\ 2x+3 \geqslant 0 \end{cases}$ системага тенг кучли. б) $2x+3 < 0$ бўлса, $\begin{cases} -(2x+3) = x^2 \\ 2x+3 < 0 \end{cases}$ системага тенг кучли. а) ҳолни кўрайлик: $\begin{cases} 2x + 3 = x^2 \\ 2x + 3 \geqslant 0 \end{cases}$ системани ечиш учун $2x + 3 = x^2$ тенгламани ечамиз. Бу тенгламанинг ечимлари $x_1 = -1$, $x_2 = 3$ бўлади. Бу ечимларни $2x + 3 \geqslant 0$ тенгсизликка қўйиб кўрамиз: $x_1 = -1$ да $2 \cdot (-1) + 3 = 1 > 0$, демак, $x_1 = -1$ тенгсизликнинг ҳам ечими бўлади. $x_2 = 3$ да $2 \cdot 3 + 3 = 9 > 0$, демак, $x_2 = 3$ ҳам тенгсизликнинг ечими бўлади. Бундан кўринадики, -1 ва 3 сонларнинг ҳар бири системанинг, демак, берилган тенгламанинг ечими бўлади. б) ҳолни кўрайлик: $\begin{cases} -(2x + 3) = x^2 \\ 2x + 3 < 0 \end{cases}$ системада $-(2x + 3) = x^2$ тенглама ечимга эга эмас. Шунинг учун бу система ечимга эга эмас. **26.** $\{0;\ 2\}$. **27.** $\{2;\ 3\}$. $|x^2 - 5x + 9| = 3$ тенглама ҳам а) $\begin{cases} x^2 - 5x + 9 = 3 \\ x^2 - 5x + 9 \geqslant 0, \end{cases}$ б) $\begin{cases} -(x^2 - 5x + 9) = 3 \\ x^2 - 5x + 9 < 0 \end{cases}$ системаларга тенг кучли. Бу системаларни ҳам 24- мисолдаги каби ечиш мумкин. **28.** Ечимга эга эмас. **29.** $]-\infty;\ -1[\cup[1;\ +\infty[$. $\frac{x-1}{x+1} \geqslant 0$ бўлса, $\left|\frac{x-1}{x+1}\right| = \frac{x-1}{x+1}$ бўлиб, $\frac{x-1}{x+1} = \frac{x-1}{x+1}$ тенгликка эга бўламиз. Демак, берилган тенглама $\frac{x-1}{x+1} \geqslant 0$ тенгсизликка тенг кучли. Бу тенгсизликни ечиш учун а) $\begin{cases} x - 1 \geqslant 0 \\ x + 1 > 0, \end{cases}$ б) $\begin{cases} x - 1 \leqslant 0 \\ x + 1 < 0 \end{cases}$ системаларни ечиш керак. а) ҳол: $\begin{cases} x \geqslant 1 \\ x > -1, \end{cases}$ $x \geqslant 1$, системанинг ечими $[1;\ +\infty[$. б) ҳол: $\begin{cases} x \leqslant 1 \\ x < -1, \end{cases}$ $x < -1$, системанинг ечими $]-\infty;\ -1[$. Демак, тенгламанинг ечимлар тўплами: $]-\infty;\ -1[\cup[1;\ +\infty[$.

30. $[-2;\ 3[$. **31.** $f(-2) = 2 \cdot (-2)^3 - 3 \cdot (-2) + 4 = -6$; $f(-2) = -6$, $f(1) = 3$, $f(a) = 2a^3 - 3a + 4$. **32.** $f(0) = 1$, $f\left(\frac{\pi}{4}\right) = 1 + \frac{\sqrt{2}}{2}$, $f(1) = \cos 1 \cdot (1 + 4 \sin 1)$, $f(a) = \cos a \cdot (1 + \sin a)$.

33. $f(0) = -2$, $f(1) = -\frac{1}{2}$, $f(2) = 0$, $\left|f\left(\frac{1}{2}\right)\right| = \left|\frac{\frac{1}{2} - 2}{\frac{1}{2} + 1}\right| = 1$, $\left|f\left(\frac{1}{2}\right)\right| = 1$. $x = -1$ да $\frac{x-2}{x+1}$ касрнинг махражи 0 бўлганидан $f(-1)$ мавжуд эмас. **34.** $f(0) = -3$, $f(2) = 1$, $f(-2) = -\frac{5}{3}$, $f(1)$

